Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№№ 267–268 (20. 235–20. 236) • 1988 йил 19 ноябрь • шанба

Баҳоси 5 тийин

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

18 ноябрь куни Тошкентда Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси очилди.

Эрталаб соат 10 да Олий Советнинг биринчи мажлиси бошланди.

Мажлисда **В. П. Анишчев, Д. Д. Берков, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. И. Огарок, К. Саликов, П. Қ. Ҳабибуллаев, М. Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, А. С. Ефимов**, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукуматининг аъзолари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси **Р. Ғуломов** очди.

Олий Совет Мандат комиссиясининг раиси депутат **Т. К. Жўраеванинг** бўшаб қолган депутатлар ўрнига айрим сайлов округларидан сайланган депутатларнинг ваколатларини текшириш тўғрисидаги докладини тинглади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Тошкент шаҳар 2-Октябрь сайлов округидан сайланган депутат **А. Ф. Змиевскийнинг**, Тошкент шаҳар 33-университет сайлов округидан сайланган депутат **Ш. А. Алимовнинг**, Наманган область 289-Ўнҳаёт сайлов округидан сайланган депутат **С. Н. Исмоновнинг**, Самарқанд область 328-Қорадарё сайлов округидан сайланган депутат **С. О. Азимовнинг**, Фарғона область 437-Дзержинский сайлов округидан сайланган депутат **Р. А. Сафаровнинг**, Фарғона область М. Топиболдиев номли 441-сайлов округидан сайланган депутат **А. И. Овчинниковнинг**, Хоразм область 472-Калинин сайлов округидан сайланган депутат **О. В. Лебедевнинг**, Қорақалпоғистон АССР 507-Чимбой шаҳар сайлов округидан сайланган депутат **Н. В. Мачтаковнинг** мандатларини тўғри деб топишга қарор қилди.

Сессиянинг кун тартиби ва иш тартиби бир овоздан тасдиқланади.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми составидаги ўзгариш тўғрисида.

2. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги Давлат плани қандай бажарилаётгани ҳақида.

3. Ўзбекистон ССРнинг 1989 йилги Давлат бюджети ҳақида ҳамда Ўзбекистон ССРнинг 1987 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида.

4. Ўзбекистон ССР Олий Судининг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот.

5. Ўзбекистон ССР Олий Совети айрим доимий комиссияларининг составидаги ўзгаришлар тўғрисида.

6. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Шундан кейин депутатлар кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқишга киришдилар.

Депутат **Г. А. Стефановский** республикадан кетганлиги муносабати билан Олий Совет уни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси вазифасидан озод этиш ҳақида қарор қабул қилди.

Олий Совет депутат **А. И. Овчинниковни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси қилиб сайлади.

«Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги Давлат плани қандай бажарилаётгани ҳақида» Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госпланининг раиси депутат **И. Искандаров** доклад қилди.

«Ўзбекистон ССРнинг 1989 йилги Давлат бюджети ҳамда Ўзбекистон ССРнинг 1987 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида» Ўзбекистон ССР молия министри депутат **И. И. Маматнсаев** доклад қилди.

План-бюджет комиссиясининг раиси, депутат **Ш. Ҳожимуротов** Ўзбекистон ССР Олий Советининг Планбюджет ва бошқа доимий комиссиялари номидан қўшимча доклад қилди.

Музокараларда депутатлардан: **А. Х. Тошкенбоев** (182-Сармижон сайлов округи), **Л. И. Нетяга** (466-Карамон сайлов округи), **М. Салоҳиддинов** (375-Вахшивор сайлов округи), **А. Г. Рўденко** (137-Пойтуғ сайлов округи), **Ҳ. Мажидов** (454-Данғара сайлов округи), **В. А. Антонов** (396-Гулистон сайлов округи), **Н. В. Мачтаков** (507-Чимбой шаҳар сайлов округи), **А. Абдувосиқов** (61-Қурилиш сайлов округи), **Н. М. Нижник** (71-Комсомол сайлов округи), **М. А. Зондов** (272-Чортоқ сайлов округи), **А. Ш. Ҳабибуллаев** (391-Пахтаобод сайлов округи), **А. Ҳалимов** (280-Ўзбекистон сайлов округи), **В. А. Лозицкий** (210-Марказий сайлов округи), **В. Д. Медведев** (156-Советобод сайлов округи) қатнашдилар.

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси 19 ноябрда ўз ишини давом эттиради.

ТОШКЕНТ. 18 ноябрь. Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси.

А. ГОРОКРИК ва Р. ШАГАЕВ фотоси (ЎзТАГ).

М. С. ГОРБАЧЕВ Тошкентдан жўнаб кетди

Ҳиндистон раҳбариятининг таклифига биноан расмий дўстона визит билан Деҳлига бораётган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев 18 ноябрь куни Тошкентдан жўнаб кетди.

Сафарда М. С. Горбачевга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. М. Каменцев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Тошкент аэропортида М. С. Горбачевни ва унинг ҳамроҳларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Д. Д. Берков, В. А. Головин, А. С. Икромов, В. И. Огарок, Н. И. Попов, К. Саликов, П. Қ. Ҳабибуллаев, М. Ҳ. Ҳолмуҳамедов, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, А. С. Ефимов, Б. Ф. Сатин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. Р. Отажонов, Қ. Ҳ. Маҳамадалиев, В. В. Сударенков кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги Бош консули И. Кумар бор эди.

(ЎзТАГ).

Суратда: Президент саройи олдида кутиб олиш.

(ТАСС — ЎзТАГ телефотоси).

СССР ВА ҲИНДИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

ДЕҲЛИ, 18 ноябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев Ҳиндистон раҳбариятининг таклифига кўра, бугун расмий дўстона визит билан Деҳлига келди.

Деҳли вақти билан соат 12. ИЛ-62 самолёти Индира Ганди номли халқаро аэропортга қўнади.

Самолёт пиллапояси олдида М. С. Горбачев ва унинг рафиқаси билан Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Р. Ганди рафиқаси билан биргаликда, Ҳиндистон ташқи ишлар министри П. В. Нарасимха Рао, тўқимачилик саноати министри Рам Нивас Мирдха, Ҳиндистоннинг Москвадаги элчиси Т. Кауль, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси В. Ф. Исаков, бошқа расмий кишилар самимий саломлашадилар. Пионерлар — совет элчихонаси ходимларининг болалари азиз меҳмонларга гулдасталар тақдим этадилар.

М. С. Горбачев ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар автомашиналар томон йўл оладилар. Кортеж пойтахт марказига, Президентнинг Раштрапати Бхаван саройига қараб йўл олади, у ерда Ҳиндистон протоколига мувофиқ Совет давлати раҳбарини тантанали кутиб олиш маросими бўлади. Деҳли кўчалари чиройли гул шодалари, ҳинд, рус ва инглиз тилларида: «Совет раҳбарини самимий табриклаймиз!», «Совет — Ҳиндистон дўстлиги бутун дунёда тинчлик ишига хизмат қилмоқда!», «Дружба — дўсти!» сўзлари ёзилган транспарантлар билан безатилган.

Аэропортдан бутун маршрут бўйлаб ҳамма жойда М. С. Горбачевни минглаб ҳиндистонликлар кутиб олдилар. М. С. Горбачев яқинда Орёл меҳнаткашлари билан учрашув чоғида уларнинг мана шу сафарга муваффақият тилаб, дўст ҳинд халқига салом топширишни илтимос қилишларига жавобан: «Бизнинг мамлакатларимиз турлича. Лекин айни вақтда руҳи ва анъаналари жиҳатидан бир-бирига жуда яқин. Бизнинг муносабатларимиз ҳам ривожланиб бормоқда. Биз бундан хурсандмиз. Визит муносабатларимизни янада юксалтиради, деб ўйлайман», — деган эди. М. С. Горбачевнинг бу сўзлари Ҳиндистонда зўр қизиқиш билан қутиб олинди.

М. С. Горбачевга ҳамроҳлик қилаётган совет делегацияси составида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. М. Каменцев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, СССР маданият министри В. Г. Захаров бор.

...Автомашиналар колоннаси Президент саройи — асрнинг бошларида пушти тошдан қурилган бинолар комплекси территориясига кириб боради. 21 марта артиллерия салюти эшитилади. Совет меҳмонлари Президент саройига кириб келаётганида уларга Президент фахрий гвардияси эскорти ҳамроҳ бўлади.

Сарой олдидаги майдонда М. С. Горбачев ва унинг рафиқасини Республика Президенти Р. Венкатараман рафиқаси билан биргаликда кутиб олади. Саломлашилганидан сўнг М. С. Горбачев махсус минбарга кўтарилади. Қўшинлар уч туридан иборат фахрий қоровул бошлиғи рапорт беради, Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон Республикасининг Давлат гимнлари ижро этилади. Совет раҳбари фахрий қоровул олдидан ўтади. Ҳиндистон Президенти М. С. Горбачевга кутиб олувчиларни таништиради, Михаил Сергеевич Ҳиндистон ҳукуматининг аъзолари, таниқли сиёсий ва жамоат арбоблари билан самимий саломлашади.

Маросим тугаганидан сўнг олий мартабали совет меҳмонлари Президент саройининг жанубий қанотида жойлашган қароргоҳга йўл оладилар.

М. С. Горбачев кейинроқ Президент Р. Венкатараман ҳузурига ташриф буюрди. Улар ўртасида самимий суҳбат бўлиб ўтди.

Шу куни Ҳиндистон вице-президенти Ш. Д. Шарма М. С. Горбачев ҳузурига унинг резиденциясига ташриф буюрди.

Ҳиндистондаги барча газеталар бугун совет раҳбарининг Деҳлига ҳозирги келиши ва иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларга бағишланган жуда кўп материалларни эълон қилдилар. Марказий «Нэшнл геральд» газетаси бутун бир саҳифа устига «Хуш келибсиз, ўртоқ Михаил Горбачев — бутун дунёда тинчлик меъмори!» деган русча сўзларни босиб чиқарди. Матбуотда бир неча кундан сўнг Деҳли декларацияси имзоланганига икки йил тўлиши таъкидланади. Бомбайда чиқадиган «Фри пресс жорнэл» газетасининг таъкидлаб ўтишича, бу декларация бутун дунёдаги халқларнинг орзу-умидларини акс эттирди ва инсоният ядро уруши фалокати хавфидан ҳалос бўлишига янги умид бағишлади.

* * *

Ҳиндистон Президенти Р. Венкатараман кечқурун Президент саройида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев шарафига зиёфат берди. Сарой комплексидаги «Ашока» деб аталган энг чиройли залларидан бирида бўлиб ўтган зиёфатда СССР ва Ҳиндистон Давлат гимнлари ижро этилди.

Э. А. Шеварднадзе, В. М. Каменцев, Р. Н. Нишонов, В. Г. Захаров ҳамда М. С. Горбачевга унинг сафарида ҳамроҳ бўлган бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар. Ҳиндистон томонидан — Бош министр Р. Ганди, ҳукумат аъзолари, парламент аъзолари, таниқли сиёсий ва жамоат арбоблари ҳозир бўлдилар.

Р. Венкатараман ва М. С. Горбачев нутқ сўзладилар.

Нутқлар зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан бўлиниб турди.

В. БАЙДАШИН, В. ЧУКСЕЕВ.

Алоҳида китобча қилиб чиқарилди

«Қайта қуриш ва ёшлар: ҳаракатлар даври. М. С. Горбачевнинг Москва ва Москва области ёшлари билан 1988 йил 29 октябрдаги учрашуви» китобчаси босмадан чиқди. Унда М. С. Горбачевнинг нутқлари, ВЛКСМ 70 йиллиги кунида пойтахтдаги ёшлар саройида бўлган чоғида унинг комсомол-ёшлар билан суҳбатлари эълон қилинган, фотосуратлар берилган.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти тайёрлади ва у «Красний пролетарий» босмахонасида нашр этилди.

(ТАСС).

Амалдаги интернационализм

Ҳиндистонлик металлурглар Бекободда ўқишмоқда

СССРнинг кўмагида қурилган Ҳиндистондаги энг катта Визакхапатнам заводининг вакилларига Ўзбекистон металлургия заводи мутахассислари «аъло» баҳо қўйдилар. Бу ерда малака ошириш курсида қайта тайёргарликдан ўтган ҳиндистонлик инженер ва техникларнинг сўнгги группаси имтиҳон топширди. Улар заготовкани узлуксиз қуядиган машиналарда ишлаш, ускуналарни профилактикадан ўтказиш усулларини мукаммал эгалладилар.

— Дўст мамлакатдаги ҳамкасбларимиз билан алоқалар йил сайин мустаҳкамланмоқда, — деди Ўзбекистон металлургия заводидаги ҳиндистонлик мутахассислар ўқийдиган курс раҳбари Борис Дадикин. — Биз дўстлар билан маҳорат сирларини ўртоқлашибгина қолмай, балки энг янги технологияларни, техника янгиликларини биргаликда ўзлаштиряпмиз.

Ҳиндистонлик металлурглар Ўзбекистоннинг ана шу шаҳрида тўрт йил стажировкадан ўтдилар. Бу ерда цех ва сменаларнинг бошлиқлари, электрик инженерлар, бошқа ихтисос вакиллари ўқишди. «Бекобод мактаби»ни бу йил тамомлаганлардан бири Венкатешварулу қуйидаги фикрни айтди:

— Ўзбекистон диёрида ўтказган ойларимни ҳеч қачон унутмайман. Биз бу ерда ўзимизни уйдагидек ҳис этдик. Дўстлик ва хайриҳоҳлик вазияти, устозларимизнинг ғамхўрлиги ва талабчанлиги яхши самара берди. Эндиликда биз пўлатни узлуксиз қуядиган қудратли ва серунум машиналарда мустақил ишлай оламиз, ўз мамлакатимизда Ҳиндистон учун жуда зарур бўлган юқори сифатли металл қуямиз.

Ўзбекистон металлургия заводида Ҳиндистондаги бошқа йирик корхона — Бхилаи комбинатининг вакиллари ҳам ўқидилар. Ҳиндистонлик мутахассислар Бекободда қайта тайёргарликдан ўтишлари бежиз эмас. Бу ерда қўшни дўст мамлакатдаги сингари техникадан фойдаланилмоқда. Бекободлик металлурглар ҳиндистонлик мутахассислар билан назарий таълимдан ташқари амалий машғулотлар ўтказдилар. Амалий машғулотларга алоҳида эътибор берилди.

Бекободда умуман ҳиндистонлик юздан ортиқ мутахассис маҳорат мактабидан ўтди.

(ЎзТАГ мухбири).

М. С. ГОРБАЧЕВ Р. ГАНДИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

ДЕҲЛИ, 18 ноябрь. (ТАСС). Бугун Деҳлига етиб келгандан сўнг тез орада Президент саройида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев ва Ҳиндистон Республикаси Бош министри Р. Ганди ўртасида яккама-якка дастлабки суҳбат бўлди. Улар энг аввало олий даражадаги Совет-Ҳиндистон мунтазам учрашувларининг иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар учун ҳам, бутун халқаро тараққиёт учун ҳам асосли даражада аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Совет Иттифоқидаги қайта қуриш ҳамда Ҳиндистон ҳукумати амалга ошираётган ўзгартишлар давомида ҳал этилаётган муаммолар юзасидан батафсил фикрлашиб олинди ва тажрибалар сўзлаб берилди. Суҳбатдошлар биргаликдаги бу мулоҳазаларни бундан буёнги икки томонлама сиёсий, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик вазифалари билан боғладилар.

М. С. Горбачев билан Р. Ганди жаҳондаги вазиятни ва жаҳон сиёсатини муҳокама қилишга ҳам киришдилар. Улар халқаро муносабатларни соғломлаштириш манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилаётган барча сиёсий кучларнинг алоҳида масъулиятини талаб қилувчи жаҳоншумул ўзгаришларнинг бурилиш характерига эътиборни қаратдилар.

Шу муносабат билан 1986 йилги Деҳли декларацияси ғоялари ва фалсафаси руҳида жаҳонда юз бераётган ижобий жараёнларни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи биргаликда қўшаётган ҳиссанинг аҳамияти таъкидланди.

Ана шу ва бошқа масалалар юзасидан фикрлашиб олиш навбатдаги учрашувда давом эттирилади.

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси

ЎЗБЕКИСТОН ССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1989 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1988 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госпланининг раиси депутат И. ИСКАНДАРОВ доклади

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Ўзбекистон ССР Олий Советининг ушбу сессиясида республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги давлат плани лойиҳаси қайта қуришнинг масъулиятли даврида, давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунга мувофиқ барча моддий ишлаб чиқариш корхоналарини тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш билан туб иқтисодий ислоҳотга тайёргарлик даври ниҳоясига етказилаётган бир пайтда муҳокама қилинмоқда. Шу тариқа территорияларни регионал хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш учун моддий шарт-шароитлар яратилмоқда, халқ ҳокимиятининг ленинча принциплари, демократиялаш ва ошкоралик принциплари қайта тикланмоқда. Умумхалқ муҳокамасидан кейин улар СССР Конституциясига тузатишлар ва қўшимчаларда ҳамда Советларга сайлов тўғрисидаги янги қонунда мустаҳкамлаб қўйилади.

Бу гал план-лойиҳасини тайёрлаш бевосита меҳнат коллективларида бошланиб, йирик, ҳаётий муҳим регионал социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга, барпо этилган табиий-иқтисодий имкониятларнинг самарадорлигини оширишга, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг талаблари ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ М. С. Горбачевнинг шу йил апрелида республикамизга келган вақтида берган кўрсатмалари асосида турмушнинг ҳамма соҳаларидаги қайта қуришни чуқурлаштиришга қаратилган.

План лойиҳасида СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган XI сессиясида берилган асосий йўл-йўриқлар ва айтилган танқидий мулоҳазалар ҳисобга олинган. Лойиҳа Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлисида тармоқ ва территориал бошқарув органларининг раҳбарлари, етакчи олимлар ва мутахассислар иштирокида кўриб чиқилган ва асосан маъқулланган.

План сифат жиҳатдан мутлақо бошқача шароитда, турмуш муҳим муаммоларни ўртага қўйган ва уларни ҳал қилиш принципиал янги ёндашувларни кун сайин ғайрат билан қидиришни, эсчи, сийқа фикрлардан ва анъанага айланиб қолган халқит берувчи услублардан мутлақо воз кечишни тақозо этаётган шароитда тузилди ва шундай шароитда амалга оширилади.

1. РЕСПУБЛИКА ЭКОНОМИКАСИНИНГ АҲВОЛИ ВА 1988 ЙИЛГИ ПЛАННИНГ БАЖАРИЛИШИ

Фойдаланилмай ётган резервларни сафарбар қилиш мақсадида экономиканинг ҳақиқий ҳолатини, беш йиллик топшириқлари ва шу йилги план қандай бажарилаётганлигини чуқур таҳлил этиш ва танқидий баҳолаш планни тайёрлаш чоғида асосий ғоя бўлиб хизмат қилди. Шу муносабат билан республика халқ хўжалиги турғунлик ҳолатидан чиқиш, иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда кўтарилиш тенденцияси бошланганлигини таъкидлаб ўтиш зарур.

Бу йил ялпи ижтимоий маҳсулот 1987 йилдаги 1,4 процент ўрнига 6,5 процент кўпайиши, ҳосил қилинган миллий даромад эса 0,8 процент ўрнига 9 процент ўсиши кутилмоқда. Шу билан бирга, саноат маҳсулоти 4 процент, жумладан, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 10 процент ортади. Шу тариқа ўтган йили эришилган ўсиш суръатларидан қарийб икки баравар ошиб кетилади. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 1987 йилда кўпаймаган эди, 1988 йилда 12,6 процент кўпаяди. Мана шундай силжишни таъминлашга республикамизнинг барча қишлоқ меҳнатчилари билан бирга пахтакорлар бебаҳо ҳисса қўшдилар.

Шоли, маккажўхори дони, картошка ва сабзавот, полиз маҳсулотлари бултургидан анча кўп миқдорда етиштирилди ва йиғиштириб олинди. Деярли ҳамма жойда гўшт, сут ва тухум етиштириш кўпайди.

Кўп йиллардан бери биринчи марта республикада чакана товар обороти плани бажарилмоқда, бир йил давомида чакана товар обороти 8,4 процент ортади. Давлат савдоси системасида ҳам, матлубот кооперациясида ҳам топшириқлар бажарилмоқда. 1987 йилга нисбатан аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар (5,8 процент), фойдаланишга топшириладиган уй-жойларнинг умумий ҳажми (653 минг квадрат метр ёки 9,4 процент), умумтаълим мактаблари ҳажми (6,8 минг ўринли ёки 3,5 процент), касалхоналар ҳажми (870 ўринли ёки 17,9 процент) кўпаяди.

Мазкур силжишлар янги хўжалик механизми принципларини интенсив жорий қилишнинг яққол натижаси бўлди, ҳозир 1700 та ишлаб чиқариш бўлинмаси, шу жумладан 322 та саноат корхонаси ва бирлашмаси, Сурхондарё областининг бутун агросаноат комплекси, бошқа тармоқларнинг бир қанча корхоналари янги хўжалик механизми шароитида ишлаб турибди. Янги шароитда ишлашнинг дастлабки якунлари хўжалик юритишнинг иқтисодий усуллари ғоят афзаллигини тасдиқлади: бу корхоналардаги ўсиш суръати 4,8 процентга етди, ҳолбуки янги шароитга ўтказилмаган корхоналардаги ўсиш суръати 2,6 процентдан ошмади. Шу билан бирга, шу йилнинг ўн ойида пландан ташқари олинган фойданинг 80 процентини тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишлаётган корхоналар коллективлари ишлаб топдилар.

Бироқ, бу натижалар хотиржамлик ва беғамлик кайфиятини келтириб чиқармаслиги керак, чунки республика экономикасининг умумий ҳолати ҳали ҳам жуда мураккаблигича қолмоқда.

1988 йилда **саноат маҳсулотининг** ўсиши йиллик пландаги 5,3 процент ўрнига атиги 4 процент бўлиши кутилмоқда. Бунинг сабаби, асосан, ёқилғи-энергетика, металлургия ва машинасозлик комплексларида ишлаб чиқариш ҳажми бирмунча камайиб кетганлигидадир. Саноат корхоналарини истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва уларнинг турларини оширишга қаратиш ниҳоятда сусткашлик билан амалга оширилмоқда. Бу масалага айниқса, оғир саноат, қурилиш, транспорт корхоналарида катта аҳамият берилиши керак эди, аммо улар, аслида, мана шу муҳим вазифани ҳал этишдан ўзларини четга олмоқдалар: шуни айтиш кифоя қиладики, Иттифоқ қарамоғида бўлган ва саноат маҳсулоти умумий ҳажмининг учдан бир қисмига яқинини ишлаб чиқараётган йирик корхоналар улуши республикада ишлаб чиқарилаётган истеъмол молларининг атиги 10 процентини ташкил этади. Улар иш ҳақи фондининг 1 сўми ҳисобига бор-йўғи 15—20 тийинлик маҳсулот ишлаб чиқармоқда, ҳолбуки, масалан, Белоруссиядаги худди мана шундай тармоқларнинг корхоналари иш ҳақи фондининг 1 сўми ҳисобига 70—80 тийинлик маҳсулот бермоқда. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган асосий тармоқлар бўлмиш енгил саноат, маҳаллий саноат, шунингдек агросаноат комплексининг дон маҳсулотлари ва қайта ишлаш тармоқлари корхоналари бу ишга қўшаётган ҳиссалари мутлақо етарли эмас. Натижада аҳоли жон бошига республикада ишлаб чиқарилаётган истеъмол маҳсулотлари йилига 500 сўмликка ҳам етмаяпти, бу — иттифоқдаги ўртача кўрсаткичнинг ярмича ҳам эмас.

СССР Министрлар Советининг социал масалалар билан шуғулланувчи бюросининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида республикада истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланиш даражаси ниҳоятда пастлиги қаттиқ танқид қилинди.

Агросаноат комплексининг маҳсулотини етиштириш, қайта ишлаш ва сақлашдаги жиддий камчиликлар сабабли аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда жиддий бурилишга эришишнинг иложи бўлмади. Бунинг устига бир қанча йиллардан бери гўшт ва сут истеъмол қилиш даражаси жуда паст бўлишига ва ҳатто камайиб кетаётганига қарамай, аҳолини маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида Иттифоқдаги ўртача даражадан анча орқада қолинмоқда. Бу — агросаноат комплексини ривожлантиришга ажратилаётган жуда катта маблағдан самарасиз фойдаланишнинг, суғориладиган ерлар самарадорлиги пастлигининг, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишнинг замонавий усулларини жорий этишга расмиятчилик билан муносабатда бўлинаётганлигининг бевосита оқибатидир.

Чорва моллар бруцеллёз, сил касаллиги ва бошқа оммавий касалликларга чалиниши оқибатида кўплаб нобуд бўлаётганлиги фактлари барчани ташвишлантирмасдан иложи йўқ. Бу эса айрим областларнинг раҳбарлари учун зооветеринария хизматини, наслчилик ишини йўлга қўйиш, чорва тўёғини сақлаб қолиб, унинг маҳсулдорлигини ошириш ўрнига чорвачиликдаги планларни қандай бўлмасин камайтириш масаласини кўндаланг қўйиш учун баҳона бўлмоқда. Қорақалпоғистон АССРда, Қашқадарё, Тошкент, Андижон, Бухоро, Сирдарё областларида анча миқдордаги жамоат чорва моллари нобуд бўлишига йўл қўйилди, бу эса гўшт етиштириш ва тайёрлаш планларини бажариш вазифасини баттар қийинлаштирди.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, жойлардаги совет органлари емхашак етиштириш ва тайёрлашга яхши эътибор бермаяптилар.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадорлиги пастлиги кўп жиҳатдан хўжалик юритишнинг янги шароитида хўжаликлар, звенолар, бригадаларга раҳбарлик қилиш ва уларнинг ишини ташкил этишдаги маъмуриятчилик-бюрократик усуллар сақланиб қолаётганлиги билан изоҳланади. Ҳозир ижара пудратининг афзалликлари ҳамма жойда исботланган, ижара пудратига ўтган деҳқон ишлаб чиқариш жараёнининг ҳақиқий хўжайинига, манфаатдор қатнашчисига айланади. Урганч районидаги «Ленинизм» колхози мисолига бир назар ташлайлик. Илгари бу колхознинг фермаси йилига 11 тоннага етар-етмас гўшт топширар, ҳар йили 15 минг сўмгача зарар келтирар эди. Бу йил 16 кишидан иборат коллектив фермани ижара пудратига олди. Тўққиз ойнинг ўзидаёқ бу коллектив 27 тонна гўшт топширди, йил охиригача 35 тонна гўшт топширишни мўлжалламоқда. Шу билан бирга, чорва молларни боқиб семиртиришнинг 1 центнери таннархи қарийб икки ярим баравар камайди.

Афсуски, бу илғор иш барча областларда ҳам кенг жорий қилингани йўқ. Бу ҳолат район агросаноат бирлашмалари, область агросаноат комитетлари, ҳатто республика даражасида ҳам жонли иш билан мустаҳкамланмаган расмиятчиликлар ҳали ҳам жуда кўплигидан далолат беради. Ўртоқ М. С. Горбачев Орёл шаҳридаги кенгашда сўзлаган нутқида янги шароитда бундай ярақсиз ёндашувларга йўл қўйиш мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Капитал қурилиш республика экономикасини ривожлантиришнинг ҳали ҳам мушкул соҳаси бўлиб қолмоқда. Бу масала яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюросида батафсил кўриб чиқилди. Шу йилнинг 10 ойи ичида марказлаштирилган давлат капитал маблағларидан 415 миллион сўмдан кўпроғи ўзлаштирилмади, асосий фондларни ишга тушириш эса йиллик планнинг ярмидан салгина ошди, холос.

Корхоналарнинг ўз маблағлари мутлақо қониқарсиз ўзлаштирилмоқда, шу жумладан Давлат агросаноат комитетининг қайта ишлаш тармоқларида ўз маблағларининг учдан бир қисми ҳам ўзлаштирилмай қолмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси бир қанча йирик қувватларнинг, ишлаб чиқариш ва социал объектларнинг ишга туширилишини кечиктириб юбормоқда. Бинокорлик материаллари жуда танқис бўлиб турган бир пайтда Навоий қурилиш бошқармасининг цемент заводидаги линияни ишга туширишга барбод қилинди. «Узагропромстрой» бирлашмаси (Ўртоқ Ҳамидов) ишида сезиларли бурилиши юз бермаяпти «Май» ғишт заводи қурилиши олти йилдан бери сурилиб келмоқда, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган объектлар, шу жумладан Хива ва Узун паррандачилик фабрикалари, Андижон мебель фабрикаси, бошқа бир қанча корхоналар жуда сусткашлик билан қурилмоқда. Пландаги 18 та объектдан бирлашма атиги 8 тасини ишга туширди, холос.

Бу йил катта капитал маблағлар ишлаб чиқариш соҳаларидан социал йўналиш объектларига ўтказилганлиги маълум. Ишлаб чиқаришда долзарб муаммолар мавжудлигига қарамай, турмуш даражасини оширишда реал силжишларга эришиш учун онгли равишда шундай қилинди. Бироқ, кўпгина пудратчи министрликлар ва идоралар, айниқса Қурилиш министрлиги, Главташкентстрой, Алоқа министрлиги (Ўртоқ Раҳимов) 10 ой мобайнида ноишлаб чиқариш соҳаси объектларида ҳаддан ташқари қониқарсиз ишладилар. Уйсозлик корхоналарининг қувватларидан фойдаланишнинг аҳволи ҳам яхшиланмаяпти, бу қувватларнинг атиги 76 процент, қурилиш министрлигидаги қувватларнинг 70 процент, «Узагропромстрой»даги қувватларнинг 60 проценти иш билан таъминланган.

Товар обороти плани ҳажм жиҳатидан бажарилган бўлишига қарамай, аҳолига картошка, карам, олма, гўшт ва балиқ маҳсулотлари, газлама, кийим-кечак, мебель, пойабзал, хўжалик-рўзғор ашёлари сотиш 1987 йилга нисбатан камайди.

Умуман республикада **пулли хизмат** кўрсатиш плани бажарилмади, аҳоли 109,6 миллион сўмлик хизматдан бахраманд бўлмай қолди.

Мана шуларнинг ҳаммаси оқибатида аҳолининг пул даромадлари билан харажатлари мувозанатли бўлиши таъминланмади.

Юқорида айтилган гапларнинг ҳаммаси шундан дарак берадики, ижтимоий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришда муайян силжишлар бўлса ҳам, аммо умуман олганда республика халқ хўжалиги ҳали ҳам оғир аҳволда қолмоқда. Беш йилликнинг ўтган уч йили ичида бир қанча умумий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича беш йиллик пландан анчагина орқада қолинди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ҳосил қилинган миллий даромаднинг етишмаслиги 1,1 миллиард сўмни ташкил этади, бу пландагидан анча камдир, унинг **90 процентдан кўпроғи қишлоқ хўжалигидаги ўсиш суръатларининг камлиги сабабли олинмай қолди.**

Ишлаб чиқариш фондларини ишга туширишда 1,5 миллиард сўм миқдорда орқада қолинганлиги туфайли салкам 2 миллиард сўмлик ялпи ижтимоий маҳсулот олинмай қолди.

3 йил мобайнида меҳнат унумдорлиги атиги 4,3 процент ортади, холос. Бу — беш йиллик планда белгиланганидан икки ҳисса камдир. Фондларнинг самарадорлик даражаси 1988 йилда 1985 йилга нисбатан 5,8 процент камаяди, бу аҳоли фаровонлигини яхшилаш тадбирларини амалга оширишга таъсир қилмай қолмайди.

3 йил давомида ҳаммаси бўлиб аҳоли 1,5 миллиард сўмдан кўпроқ пул даромадидан маҳрум бўлди.

Шундай қилиб, белгиланган планларни бажаришда анчагина резервлар ишга солинмади. Бу эса йилнинг охиригача министрликлар ва идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, меҳнат коллективлари қолоқликнинг ўрнини имкони борича қоплаш учун бутун куч-ғайратни сарфлашларини ва шу тариқа келгуси, 1989 йил планининг бажарилиши учун замин яратишни талаб қилади.

2. ТЎЛА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИГА ВА ЎЗИНИ ЎЗИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ЎТИШНИ ТУГАЛЛАШ ШАРОИТИДА 1989 ЙИЛГИ ПЛАННИ ТУЗИШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Депутат ўртоқлар!

1989 йил тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шароитида бошқаришнинг иқтисодий формалари ва усулларидан актив фойдаланишнинг афзалликларини тўла-тўкис рўёбга чиқариши керак.

Давлат буюртмаларининг мазмуни ва ролини такомиллаштириш — планга асос қилиб олинган принципиал янгича ёндашувлар жумласига киради. Давлат буюртмасининг даражаси юқори эканини кўпгина хўжалик ходимлари қаттиқ танқид қилганликлари маълум. Энди Иттифоқ ҳукуматининг қарорига мувофиқ республика саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида давлат буюртмаларининг салмоғи 1988 йилдаги 89 процентидан 1989 йилда 49 процентгача камайтирилади.

Улгуржи савдо орқали хом ашё ва материал реализация қилиш 3,5 баравар кўпаяди, унинг улуши эса 40 процент ортади.

Ишлаб чиқариш ва социал ривожланишни таъминлаш учун коллективнинг ўзи ишлаб топган маблағларинг роли янада кучайтирилиши хўжалик фаолиятининг сифат жиҳатдан янги принципи бўлиб қолади. Агар 1988 йилда давлат капитал қурилишининг 15,3 проценти ишлаб чиқариш коллективларининг ўзи ишлаб топган маблағ ҳисобидан таъминланган бўлса, 1989 йилда бу кўрсаткич икки баравардан зиёд оширилиб, 35,5 процентга етказилади.

Туб хўжалик ислоҳоти **тармоқлар ва корхоналарнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини қайта қуриш юзасидан** кенг экспериментлар ўтказишни тақозо этади. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг агросаноат интеграцияси йўлларини излашга эътиборсизлик билан қараётганини айтиб ўтиш керак. Чунончи, пахта тайёрлаш пунктларини колхоз ва совхозларга топшириш юзасидан Қорақалпоғистон АССРда, Тошкент, Қашқадарё областларида ва бошқа баъзи областларда бошланган ҳамда яхши самара берган ташаббус хўжаликларнинг пахта заводлари билан ўзаро иқтисодий муносабатларидаги кўпгина салбий ҳолатларга барҳам бериши мумкин бўлса ҳам, бу ташаббусга яхши эътибор ва баҳо берилмади. ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими, унинг қишлоқ хўжалик экономикаси ва уни ташкил этиш билан шуғулланувчи катта институти ҳам, Бутуниттифоқ пахта саноати илмий-текшириш институти ҳам бу масалага ўз муносабатини билдирмади.

Хўжалик қурилишининг ҳозирги жўшқин босқичи хусусиятларини назарда тутиб, иш юритиш лозим. Тармоқларнинг, областларнинг ва бевосита ишлаб чиқариш бўғинларининг программаларини ишлаб чиқишга хизмат қиладиган **контрол рақамларга** министрлик ва идораларнинг, территориал-бошқарув органларининг раҳбарлари худди мана шу позицияларда туриб ёндашишлари керак. Аммо Тошкент бинокорлик материаллари комбинати 1989 йил учун бирлашма белгилаган контрол рақамларни пардозлаш плиткалари ишлаб чиқариш ҳажмини 50 минг квадрат метр, Ангрен керамика комбинати 109 минг квадрат метр камайтириб қабул қилди. Бундай фактлар «Средазкабель», «Средазэлектроаппарат» бирлашмалари ва бошқа корхоналарда ҳам аниқланди.

Аммо, корхоналар қабул этган планлар билан министрликлар шу 1988 йил учун белгилаб берган планлар ўртасида жуда катта фарқ бор, шу фарқ халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасида 141 миллион сўмни, қора металлургия корхоналарида товар маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида 16,4 миллион сўмни, Электр техника саноати министрлигининг корхоналарида 3,6 миллион сўмни, Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги корхоналарида 2,3 миллион сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетида, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигида, Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигида ва бошқа министрликларда ҳам шундай фактлар қайд этилди.

Бундай ёндашиш шароитида планни тузиш пайтининг ўзидаёқ унинг бажарилмаслиги чоралари белгилаб қўйилади. 1989 йилги планни тузишда ҳам шундай уринишлар бўлди. Планлаштирилаётган йил учун шартномаларнинг секинлик билан тузилиши ҳам аҳволни мушкуллаштирмоқда, бундай шартномалар 15 октябргача тузиб бўлиниши керак.

Бундай фактлар Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонун талабларини (1-модда, 2-бандини) тўла тушунмасликдан, чунончи, жамиятнинг, меҳнат коллективининг ва ҳар бир ходимнинг манфаатлари кўпиб олиб борилишини таъминлаш тўғрисидаги қоида бузилаётганидан далолат беради. Республика Халқ контроли комитети, давлат арбитражи, Юстиция министрлиги ва прокуратураси бу қонуннинг министрликлар ва идораларда ҳам, меҳнат коллективларида ҳам тўғри қўлланилишини таъминлашлари лозим.

Коллектив, бригада, ижара ва оила пудратининг жуда хилма-хил шаклларини кенг жорий этиш, кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш хўжалик ислоҳотининг муҳим йўналиши бўлиб қолиши керак. Ҳозир республикада 2255 та кооператив ишлаб турибди, аммо уларнинг ривожланишида ҳозирча маълум даражадаги бир ёқламалик сезилмоқда: уларнинг атиги бешдан бир қисми бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан, айниқса, маҳаллий ва иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш билан шуғулланмоқда. Шу жиҳатдан олганда, Ангрен шаҳридаги «Ясная Поляна» кооператив бирлашмасининг тажрибаси ижобий мисол бўла олади. У керамика комбинатининг илгари зарар кўриб келган ғишт заводини ижарага олиб, бир йилдан ҳам камроқ вақт ичида уни лойиҳа қувватида кўрсатилган 2,2 миллион ўрнига 3 миллионта ғишт ишлаб чиқарадиган ва маҳсулот сифатини кескин оширган юксак даромадли корхонага айлантирди.

Республика халқ хўжалигини бошқаришнинг янада мукаммал бош схемасига ўтиш ҳам ҳозирги замон хўжалик механизмининг сифат жиҳатдан янги имкониятларини рўёбга чиқариш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

3. ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАРНИНГ ТАВСИЯЛАРИ ҲАМДА ТАКЛИФЛАРИ АСОСИДА ПЛАН КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЯХШИЛАНИШИ

1989 йилги план лойиҳасини ишлаб чиқишга Ўзбекистон ССР Олий Советининг план-бюджет ва бошқа доимий комиссиялари салмоқли ҳисса қўшдилар. Комиссияларнинг мажлисларида айтилган таклифлар ҳар томонлама кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг VI сессиясида 1988 йилги планни муҳокама қилиш чоғида депутатлардан Р. М. Худойберганова, Г. Мўминова, А. Х. Тошкенбоев, Ҳ. Э. Бердиев, С. Ёқубова, В. А. Смеюшчев, П. П. Мельников ўртоқлар томонидан **экономиканинг социал йўналишини ўзгартиришни кучайтириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш тўғрисида ва аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг бошқа жиҳатлари хусусида** айтган таклифлари ҳам эътибор билан кўриб чиқилди ва ҳисобга олинди.

1989 йилги планни депутатлар ва доимий комиссиялар айтган йўналишда пухта қайта ишлаш планлаштирилаётган саноат маҳсулотини 298 миллион сўмлик миқдорда кўпайтириб, тўрт йил якунида беш йиллик топшириқ даражасига чиқиб олиш имконини берди. Пахтанинг, мева-сабзавот маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 170 миллион сўмлик миқдорда кўпайтирилди. Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида юк ташиш планини ошириш имконияти қидириб топилди.

Халқ учун қўшимча товарлар ишлаб чиқариш 264 миллион сўмлик кўпайтириш ва чакана товар оборотини товар ресурслари билан боғлиқ ҳолда 180 миллион сўмлик ошириш резервлари топилди.

Мана шу тузатишларнинг ҳаммаси оқибат натижада планнинг умумий иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш имконини берди: чунончи, 1989 йилда миллий даромад ҳосил қилиш илгари белгиланганига нисбатан 362 миллион сўмлик, аҳоли жон бошига реал даромадлар эса 0,6 пункт кўпаяди.

Планнинг социал йўналиши кучайтирилганлиги қуйидаги кўрсаткичда ҳам ўз ифодасини топди: халқ таълими учун капитал маблағлар Қашқадарё область ижроия комитетига 2 миллион сўм, Наманган область ижроия комитетига 1,6 миллион сўм, Сурхондарё область ижроия комитетига 1,8 миллион сўм, Хоразм область ижроия комитетига 1 миллион сўм кўпайтирилди. Бундан ташқари республикада 140 ўринли касалхоналар ва ҳар сменада 350 беморни қабул қиладиган поликлиникалар қўшимча равишда ишга туширилади. Бинобарин, қўшимча резерв ва имкониятларни ишга солиш, бошланган ижобий тенденциялар ва силжишларни мустаҳкамлаш, социал-иқтисодий ривожланишнинг боришини танқидий анализ қилиш туфайли план кўрсаткичларининг сифати ва асослилиги анчагина яхшиланди.

4. 1989 ЙИЛГИ ПЛАННИНГ УМУМИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Ўн иккинчи беш йиллиқда Ўзбекистон ССР учун белгилаб берилган топшириқлар 1989 йилги план кўрсаткичларини белгилаш учун йўл-йўриқ бўлди. Шу билан бирга, асосий иқтисодий кўрсаткичлар дастлабки уч йилда йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини қоплаш учун беш йиллик план топшириқларидан юқорироқ қилиб белгиланди.

Ҳосил қилинган миллий даромадни беш йиллик план топшириқларига нисбатан 680 миллион сўмлик кўпайтириш белгиланди, 1988 йилга нисбатан бу даромаднинг ўсиши 6,1 процентни, умумий ҳажми 26,5 миллиард сўмни ташкил этади. Унинг умумий ҳажмида саноатнинг салмоғи 34,3 процентга етади, бу эса ижтимоий ишлаб чиқариш структурасидаги илғор силжишлардан дарак беради.

Жами ижтимоий маҳсулотни эса 5,2 процент кўпайтириб, 55,5 миллиард сўмликка етказиш режалаштирилмоқда. Унинг умумий ҳажмида ҳам саноат ишлаб чиқаришнинг улуши кўпаяди.

Планнинг вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциали самарадорлигини, ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий даражасини оширишга, моддий-техника ресурсларидан янада оқилона фойдаланишга, пировард натижада эса—ишлаб чиқаришнинг тағин ҳам юксакроқ самарали бўлишига эришишга қаратилгани унинг характерли хусусиятидир. Фойдаланадиган **миллий даромад таркибидаги жамғарма фонди**ни 520 миллион сўм миқдорида кўпайтириш белгиланмоқда, бу эса экономиканинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш имконини беради.

Ишлаб чиқаришни ва унинг самарадорлигини режалаштирилган миқдорда ошириш фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, унинг энг илғор соҳаларини илдамроқ ривожлантиришга, янги техника ва технологияларни, тугалланган илмий ишланмаларни жорий этиш миқёсларини кенгайтиришга асосланади.

Планда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси системасидаги етакчи илмий йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг савиясини ошириш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, **республикани ривожлантиришнинг ҳар бир регионга хос туб илмий-техника муаммолари академия фанининг диққат марказига қўйилмоқда.**

Келгуси йилдан бошлаб илмий ташкилотларни тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш фаннинг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлади, бунда тугалланган ишларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш асосий мезонга айланади. Кейинги йилларда катта умид билан тузилган тармоқлараро фан-техника марказлари, афсуски, кутилган натижаларни бермаяпти. Ихтиро чилик ва рационализаторлик иши ҳақида ҳам шу гапни айтиш керак. Республикада бу ишнинг савияси ҳали Иттифоқдаги савиядан орқада қолмоқда, жорий этишда олинган наф эса илмий-тадқиқотлар учун қилинган чиқимларни қопламаяпти.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бюджетдан пул билан таъминлаш учун 75,4 миллион сўм, яъни бу йилгидан 8,9 процент кўп маблағ ажратилади.

Социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш режалари энг аввало **ижтимоий ишлаб чиқаришнинг** юқорироқ **самарадорлигига**, эришишга асосланади. **Ижтимоий меҳнат унумдорлигини** беш йиллик план топшириғида белгиланган 2,4 процент ўрнига келгуси йилда 4,1 процент ошириш планлаштирилган. **Умуман,** республика **халқ хўжалигида фондларнинг самарадорлиги бу** йилга нисбатан 1,2 процент, беш йилликнинг 1989 йил учун белгиланган топшириқларига қараганда эса 5,7 процент ортади. Шу билан бирга, саноат маҳсулоти умумий ўсишининг тўртдан уч қисми ишлаб турган қувватларни интенсивлаш ва уларни кўпроқ ишлатиш ҳисобига таъминланади.

Капитал маблағ самарадорлиги ҳам ортади: ишлаб чиқариш чиқимларининг ҳар сўми ҳисобига миллий даромаднинг ўсиши 30,8 тийинга етади, бу эса беш йиллик план топшириғидан учдан бир ҳиссадан зиёд ортиқдир.

Планда **ресурсларни тежашга** катта эътибор берилган. Ишлаб чиқаришда материал сарфи 1988 йилга нисбатан миллий даромаднинг ҳар сўми ҳисобига беш йиллик топшириқларидан юқорироқ бўлади — 1 сўм 11 тийиндан 1 сўм 09 тийинга пасайтирилади. Миллий даромадни ҳосил қилиш учун сув сарфи ҳар 1 миллион сўм ҳисобига 225 минг куб метр миқдорида камайтирилади.

Шу билан бирга планни тайёрлаш давомида бир қанча сабабларга кўра, иқтисодий ўсишнинг барча мавжуд манбалари ва резервларини тўла-тўкис ишга солишнинг иложи топилмади. Бу аввало ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишга тааллуқлидир. Машинасозлик комплексида, айниқса қишлоқ хўжалиги машинасозлигида, шунингдек қурилиш индустриясида, енгил саноатда ва бошқа баъзи тармоқларда қувватларнинг иш билан таъминланиши 60—70 процентдан ошмаяпти. Шу резервни ишга солиш йўли билангина 450—500 миллион сўмлик маҳсулот олиш мумкин бўлур эди.

(Давоми 3-бетда).

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси

ЎЗБЕКИСТОН ССРнИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1989 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССРнИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1988 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 2-бетда).

5. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ СОЦИАЛ ЙЎНАЛИШИНИ КУЧАЙТИРИШ, АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ

Планнинг **социал соҳага қаратилганлиги**, инсоннинг хилма-хил эҳтиёжларини унинг диққат марказига кўчириш план лойиҳасида асосий ўринни эгаллайди. Истеъмол учун ва социал-маданий қурилиш учун сарфланадиган маблағларнинг салмоғи беш йиллик топшириғига нисбатан кўпайтирилиб, 83 процентга етказилди, умуман мамлакатда эса бу кўрсаткич 81,6 процент миқдорида белгиланган. Бу социал соҳани ривожлантиришга «қолдиқ принципи» ҳақиқатда тугатилишидан далолат беради.

План лойиҳасида маблағларни устун даражада социал соҳага 3 миллиард сўмдан зиёд сарфлаш кўзда тутилган. Бу йилги планга нисбатан мазкур кўрсаткич 9 процент ва беш йиллик топшириқларига нисбатан 2,6 процент кўпайтирилади, қурилишнинг умумий қурилиш ҳажмида ноишлаб чиқариш қурилишлари салмоғи 38, 4 процентни ташкил этади.

Ижтимоий истеъмол фондлари беш йиллик топшириғидан 168 миллион сўмлик ошириб планлаштирилмоқда, уларнинг ҳажми 7,8 миллиард сўмни ташкил этади. Бундай фондларнинг жон бошига ўртача кўрсаткичи беш йиллик план ҳисоб-китобларидаги 372 сўм ўрнига 380,3 сўмни ташкил этади.

Планда аҳоли пул даромадлари ва харажатларининг тўлов қобилияти талаб-эҳтиёжи билан мутаносиблиги таъминланади, аҳоли даромадлари 1988 йилги планга нисбатан 107 процентни ташкил этади, бу эса беш йиллик план даражасига мос келади.

Шу билан бирга, автоном республикада, Бухоро, Сирдарё, Қашқадарё ва Сурхондарё областларида аҳоли даромадлари билан харажатларининг номутаносиблиги сақланиб қолади, бунга эса товарлар ишлаб чиқаришдаги, савдо ва маиший хизмат соҳасини ривожлантиришдаги кескин қолоқлик сабабдир.

Экономикани социал соҳага қаратишни кучайтириш кўрсаткичлари

	Ўлчов бирлиги	1988 йил	1989 йил
Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи	сўм	169,3	172,9
Аввалги йилга нисбатан ўсиш	процент	100,3	102,1
1985 йилга нисбатан ўсиш	процент	103,6	105,8
Колхозчиларнинг ўртача меҳнат ҳақи	ойига сўм	136,0	138,4
Аввалги йилга нисбатан ўсиш	процент	100,7	101,8
1985 йилга нисбатан ўсиш	процент	104,5	106,4
Ижтимоий истеъмол фондлари	млрд. сўм	7,46	7,76
Аввалги йилга нисбатан ўсиш	процент	104,7	104,0
1985 йилга нисбатан ўсиш	процент	114,7	119,3
Чакана товар оборотининг умумий ҳажми	млрд. сўм	14,87	15,64
Аввалги йилга нисбатан ўсиш	процент	101,7	105,2
1985 йилга нисбатан ўсиш	процент	111,8	117,6
Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми	млрд. сўм	1,75*	1,93
Аввалги йилга нисбатан ўсиш	процент	114,8	110,5
1985 йилга нисбатан ўсиш	процент	154,5	170,7
Халқ хўжалигидаги қурилиш-монтаж ишлари умумий ҳажмида социал соҳанинг моддий-техникавий базасини ривожлантиришга қаратилган қурилиш-монтаж ишларининг салмоғи	процент	51,9	53,8

*) таҳмин

Аҳоли ва меҳнат ресурслари ўсишининг юксак суръатлари улардан самарали фойдаланиш борасида мураккаб вазифаларни ўртага қўймоқда. Республика аҳолиси 2,8 процент ўсиб, 20 миллион 404 минг кишига етади. Планда **1989 йилда меҳнат ресурслари жами ўсишини — ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш кўзда тутилади.** Идора қилувчи органларнинг Ўрта Осиё Закавказье ва Шимолий Кавказдаги иттифоқдош ва автоном республикалар аҳолисини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш тўғрисидаги маълум қарори тўлиқ бажарилаётгани йўқ. Масалан, Қашқадарё областида ўтган 2 йил мобайнида иш билан банд бўлмаганлар сони камайиши ўрнига 31 минг киши кўпайди, автоном республикада — 19 минг киши ва Сирдарё областида 8 минг киши кўпайди.

Планнинг социал соҳага кўпроқ қаратилганлиги 1989 йил учун халқ истеъмоли молларини, чакана товар оборотини **ва пулли хизматларни илдам ўстириш** планлаштирилганида ҳам ўз ифодасини топди. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 9,8 процент ошириб планлаштирилмоқда ва бу 10 миллиард 663 миллион сўмни ташкил этади. Бу эса беш йиллик топшириғидан 434 миллион сўмлик ортиқ. Бунда буюмларнинг турлари анча кўпайтирилади ва сифати оширилади. Бу, айниқса муҳимдир, чунки ноозиқ-овқат маҳсулотларининг 40 процентдан кўпроғи ва озиқ-овқат маҳсулотларининг 15 проценти республикага бошқа жойлардан олиб келинади, аммо шундай бўлса ҳам, уларнинг кўпчилигига бўлган талаб-эҳтиёж тўла-тўкис қондирилмаяпти.

Бошқа жойлардан маҳсулот олиб келишни камайтириш мақсадида 1989 йилда тузилган шартномалардан ташқари 100 хилдан зиёд хўжалик-маиший буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мўлжалланади.

Енгил саноат, маҳаллий, мебель саноати тармоқларида, бинокорлик материаллари саноатида истеъмол моллари ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ортиб боради. Иттифоқ қарамоғидаги корхоналарда товарлар ишлаб чиқариш 15,4 процент кўпаяди, аммо юқорида айтиб ўтилганидек, уларнинг имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти.

Қорақалпоғистон АССРда, Қашқадарё ва Сурхондарё областларида эса аҳоли жон бошига товарлар ишлаб чиқариш республика даражасининг 35-45 процентини ташкил этади, аммо бундай тенденция амалий таклифларнинг йўқлиги сабабли 1989 йилда ҳам сақланиб қолади.

Чакана товар обороти 1988 йилги планга нисбатан анча ошириб планлаштирилмоқда ва у 15 миллиард 640 миллион сўмлик миқдорда белгиланган. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда чакана товар обороти салкам 2,3 процент кўпаяди ва 775,2 сўмга етади, бироқ бу иттифоқдаги ўртача кўрсаткичнинг учдан икки қисмига тенгдир, холос.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарларининг кўпгина турларини сотиш анча кўпаяди. Якка тартибдаги уй-жой қурилишини рағбатлантириш мақсадида савдонинг маҳаллий бинокорлик материалларига бўлган эҳтиёжларини амалда батамом қондириш ва аҳолига иморатбоб ёғоч-тахта сотишни кескин кўпайтириш кўзда тутилган: бинокорлик материаллари сотишни 10 процентдан зиёд ошириш планлаштирилмоқда.

Шуни айтиб ўтиш керакки, 1989 йилнинг ўзидаёқ чакана товар обороти планнини товар билан таъминлаш **савдо ташкилотлари коммерция ишнинг даражасига, социалистик омилкорлигига** кўпроқ боғлиқ бўлади. Шундай шароитда Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, матлубот кооперацияси аҳолининг республикада ишлаб чиқарилаётган товарлар билан, шунингдек бошқа иттифоқдош республикалар ўртасида ўзаро манфаатли товар айирбошлаш билан тўла-тўкис таъминлашлари зарур.

Пулли хизматлар ҳажмини 10,5 процент ўстириш кўзда тутилган бўлиб, ҳисоб-китобларга кўра, у салкам 1 миллиард 934 миллион сўмликни ташкил этади. Бу 1989 йилги комплекс программа топшириғидан 192,5 миллион сўмлик кўп ва беш йиллик план топшириғидан 70,5 миллион сўмлик ортиқдир. Шунга қарамай, жон бошига ҳисоблаганда, республикада эришиладиган даража иттифоқдаги ўртача кўрсаткичнинг атиги ярмини ташкил этади, айрим соҳаларда эса бу даража яна ҳам паст.

Шу муносабат билан таъкидлаб ўтиш керакки, **ҳозирча аҳолининг тўлов қобилиятига эга бўлган талаб-эҳтиёжи савдо ва маиший хизмат соҳаси ишининг қарийб бир йиллик ҳажмига баравардир.**

Маиший хизмат ҳажми 26 процент, аҳоли жон бошига эса салкам 23 процент ортади. Қишлоқда маиший хизматни илдам суръатлар билан ривожлантириш кўзда тутилади.

Планнинг социал йўналишининг афзаллиги капитал маблағ структурасида ҳам намоён бўлмоқда.

Республика территориясида пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан социал соҳани мустаҳкамлашга сарфланадиган капитал маблағ 634 миллион сўм ёки беш йиллик план топшириғига нисбатан 26 процент кўпайтирилади. Бу эса барча маблағлар ҳисобидан жами саҳни 8 миллион 320 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириш имконини беради, бу — беш йиллик топшириғидан 1 миллион 464 минг квадрат метр кўпдир, натижада ҳар бир киши ҳисобига уй-жой билан таъминланишни беш йиллик пландаги 10,97 квадрат метр ўрнига 11,3 квадрат метрга етказиш имконияти яратилади.

Бу жараёнда якка тартибдаги уй-жой қурилиши алоҳида ўрин тутади ва уни келгуси йил 36 процент ошириш мўлжалланмоқда, унинг фойдаланишга топширилиадиган жами уй-жойлардаги улуши 50 процентдан ошади, ваҳоланки, умуман мамлакатда бундай улуш 14 процентдан ҳам камроқни ташкил этади.

Шуни эътиборга олиб қурувчиларнинг эҳтиёжлари учун шу йилнинг ўзидаёқ 7,5 минг гектарга яқин ер ажратиб берилди, бу эса бутун 1987 йилдагига нисбатан 1,6 баравар кўпдир. Уй-жой қуриш кооперативлари йўли билан ҳамда корхоналарнинг маблағлари ҳисобидан ҳам кўплаб уй-жойлар фойдаланишга топширилади.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш анча яхшиланади. Бу тармоқни ривожлантириш учун республика шаҳарларига 231 миллион сўм ёки бу йилгидан 24 процент кўп маблағ сарфланади.

Бу маблағлардан аввало қувур ариқлар ва водопровод тармоқлари, иссиқлик таъминоти, канализация ва электр транспорти системалари қурилишини давом эттириш учун фойдаланилади. Давлат агросаноат комитети йўли билан қишлоқларда ҳам шундай иш қилинади. Тошкент метрополитени қурилиши давом эттирилади.

Халқ таълимини ривожлантириш кўрсаткичлари умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш комплекс планига мувофиқ ишлаб чиқилган. Доимий мактабгача тарбия муассасаларидаги болаларнинг сони 70 минг кишига кўпаяди. Шу тариқа боғчалар ва яслилар билан таъминланиш даражаси 37 процентга етказилади, аммо бу кўрсаткич барибир мамлакатда эришилган ўртача кўрсаткичдан 20 пунктдан зиёдроқ камдир. Кундузги умумий таълим мактаблари ўқувчиларининг умумий сони 4,6 миллион кишидан ошади, олий ўқув юртларига 60,6 минг киши, асосан корхоналар ва идоралар билан тузилган шартномалар асосида қабул қилинади, ҳунар-техника билим юртларига 153,5 минг ўқувчи қабул қилинади.

Ҳозирги вақтда республикадаги 28 та болалар уйида 4 мингдан кўпроқ бола тарбияланмоқда, улардан 250 боланинг ота-онаси йўқ. Келгуси йилда улар учун бир неча янги бино қуриш кўзда тутилмоқда, бу биноларнинг қурилиши аҳолида назорат остига олиниши керак.

План лойиҳасида **маданият муассасаларининг** моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш кўзда тутилмоқда. Яна еттита оммавий кутубхона, 31 та клуб муассасаси, 12 та кино қурилмаси ишга туширилади.

Бироқ ҳозир республиканинг клублар билан таъминланиши мамлакатдаги кўрсаткичдан тахминан икки ҳисса кам, шу сабабли биз охирги ўринлардан бирини эгаллаб турибмиз.

Соғлиқни сақлашни ривожлантириш плани замонавий талаблар руҳида алоҳида эътибор билан ишлаб чиқилган бўлиб, республиканинг «Сиҳат-саломатлик» программаси топшириқлари билан боғланган. Беш йиллик план кўрсаткичларидан юқорироқ — ҳар сменада 5 минг бемор ни қабул қиладиган амбулатория-поликлиника муассасаларини ишга туширишни ва ҳар 10 минг аҳоли ҳисобига мазкур муассасалар билан таъминланишни 3,1 процент ошириш мўлжалланмоқда. Касалхоналардаги ўринлар 7200 та кўпайтирилади ва поликлиникаларда беморларни ҳар сменада қабул қилиш 15 минг кишига кўпайтирилади. Шундай бўлса-да, соғлиқни сақлашни яхшилашдек жуда муҳим вазифа ҳозирча замонавий талаблар даражасида ҳал этилаяпти, деб бўлмайди. Бу гап «Тез ёрдам» ишига, айниқса, таллуқлидир. Унинг ихтиёрида 200 тадан кўпроқ станция ва бўлим бўлиб, буларда 1400 врачлик ва фельдшерлик бригадалари ишлаётган бўлишига қарамай, бу соҳадаги иш қониқарли эмас.

Касалхона ва поликлиникалар мутлақо етишмай турган бўлишига қарамай, кейинги 2 йил ичида 53 миллион сўм давлат капитал маблағи ўзлаштирилмай қолди, шу йилнинг 10 ойида эса мазкур объектларни ишга туширишни ва Бухоро областидагина бажарилди, қолган областларнинг ҳаммаси бу планни барбод қилди.

Натижада Ўзбекистон соғлиқни сақлаш объектлари билан таъминланиш жиҳатидан мамлакатда охирги ўринлардан бирида қолмоқда.

Пенсионерларга социал хизмат қиладиган 50 ўринли территориал марказлар, шунингдек кекса гражданларга уйида социал ёрдам берадиган 134 та бўлим ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Оммавий физкультура ва спорт янада ривожланади, спорт иншоотларининг қуввати кўпайтирилади.

Социал соҳа объектларини ишга туширш

	Ўлчов бирлиги	1988 йил План	1989 йил Беш йиллик план бўйича	1989 йил План
Уй-жой бинолари	млн. кв. м	7,39	6,85	8,32
Мактабгача тарбия муассасалари	минг ўрин	86,70	89,98	94,95
Умумий таълим мактаблари	минг ўрин	198,8	191,4	206,5
Етимлар учун интернат-мактаблар	минг ўрин	—	—	0,4
Гўдаклар уйлари	минг ўрин	—	—	0,24
Амбулатория-поликлиника муассасалари сменада қабул қилинадиган	минг бемор	11,68	12,5	12,5
Касалхоналар	минг ўрин	5,18	4,24	5,2
Қариялар ва инвалидлар учун интернат-уйлар	минг ўрин	1,05	0,6	0,75
Клублар	минг ўрин	14,45	13,6	16,6

Кейинги йилларда республиканинг бир қанча регионларида **экология вазияти** жуда кескинлашганлиги муносабати билан план лойиҳасида табиатни муҳофаза қилиш соҳасида кенг тадбирлар белгиланган, бу тадбирларни амалга оширишга давлатнинг 113,4 миллион сўм капитал маблағи сарфланади, бу — 1988 йилги планда кўзда тутилганидан 10 миллион 800 минг сўм кўпдир.

Сув манбаларида ҳар кеча-кундузда 78,3 минг куб метр сувни тозалаб бера оладиган иншоотларни, ҳар кеча-кундузда 1 миллион 700 минг куб метр сувдан қайта фойдаланадиган системаларни, саноат корхоналарида ҳаводаги яроқсиз моддаларни тутиб олиб, зарарсизлантирадиган 980 минг куб метрдан ортиқ қувватга эга бўлган қурилмаларни ишга туширишни мўлжалланмоқда. Деҳқончиликда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик методларини жорий қилиш давом эттирилади.

Бутифосдан фойдаланишдан батамом воз кечилганлиги ва унинг ўрнига зарарли моддалари кам бўлган дефолиантлар ишлатила бошлаганлиги катта ютуқ бўлди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг яқинда қабул қилган қарорига тўла мувофиқ равишда Орол денгизи регионидаги экология ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш, унинг ҳавзасидаги сув ва ер ресурсларини муҳофаза қилишни кучайтириш ишларининг катта программаси планга киритилди.

6. МОДДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Депутат ўртоқлар!

Келгуси йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 26 миллиард сўмликдан ошади ва мамлакатдаги 4 процент ўрнига республикада 5,9 процент кўпаяди. Мана шундай ўсиш шароитида тўрт йил якуни юзасидан беш йиллик план топшириғи даражасига, яъни 21,1 процентга етиб олиш таъминланади. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни («Б» группаси) 9,7 процент, ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни («А» группаси) 4,5 процент кўпайтириш учун мана шундай илдам суръатлар кўзда тутилмоқда.

Машинасозлик комплексига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу соҳада янги машиналар, приборлар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар бажарилиши, умуман маҳсулот ишлаб чиқариш 40,5 процент кўпайтирилиши лозим. Шу билан бирга машинасозликнинг аттестациядан ўтиши лозим бўлган умумий маҳсулот ҳажмида **олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг** улуши умуман саноатдаги 60 процент ўрнига 65—80 процентгача кўпайтирилади.

Маҳсулот сифатини ошириш мақсадида замонавий автомат станоклар ва робот техникаси мавжуд паркидан фойдаланишни анчагина яхшилаш кўзда тутилади. Бироқ республика корхоналарида 900 тага яқин саноат роботи ишга туширилгани йўқ, янги техникада ишлаш учун тайёрланган 2500 мутахассислар эса бошқа соҳаларда фойдаланилмоқда.

Машинасозлик комплексининг кўпчилик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш беш йиллик план даражасида белгиланмоқда. Аммо «Машхлопок» бирлашмаси (ўртоқ Ғуломов), электр техника тармоғининг бир қанча корхоналари давлат буюртмалари **ҳажми кескин камайтирилишига** деярли тайёр эмасликлари маълум бўлиб қолди. Химия машинасозлиги, радиотехника, бошқа бир қанча кичик тармоқларнинг корхоналаридаги лойиҳалар беш йиллик топшириқларидан анча паст даражада тузилган.

Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш кўрсаткичлари СССРнинг энергетика программасига тўла мувофиқ равишда режалаштирилмоқда. **Электр энергия** ҳосил қилиш 57,8 миллиард киловатт-соат ҳажмида ёки 1988 йилги пландан 5,3 процент кўп қилиб белгиланган. **Газ** қазиб чиқариш 39,7 миллиард куб метрга етади ва беш йиллик топшириқларидан 1,5 миллиард куб метр кўпаяди. **Нефть** қазиб олиш, қайта ишлаш беш йиллик план топшириқларидан ошириб белгиланмоқда. 1989 йилда бу йилги планга нисбатан 12,5 процент кўп ёки 6 миллион 635 минг тонна **кўмир** қазиб чиқарилади. Бироқ, Ангрен ҳавзасини реконструкция қилиш орқада қолаётганлиги сабабли беш йиллик пландан қолоқлик 1989 йил охирига бориб 2 миллион тоннадан ошади, шу сабабли мамлакатнинг бошқа регионларидан кўмир ташиб келтиришни кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Қора металлар прокатини ишлаб чиқариш 12,6 процент кўпайиб, 1 миллион 70 минг тоннага етади. 1 миллион 35 минг тонна пўлат эритиб олинади. **Рангли металлургияни** беш йилликнинг 4 йили учун белгиланганидан кўра ортиқроқ суръатлар билан ривожлантириш мўлжалланмоқда.

Химия комплексининг корхоналари янада жадал ривожланади, бу соҳадаги ишлаб чиқариш ҳажми 6,1 процент кўпаяди, ўсиш эса интенсив омиллар ҳисобига салкам 100 миллион сўмликни ташкил этади.

Планда **агросаноат комплексининг** структурасини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш мўлжалланмоқда. Шунга мувофиқ равишда **пахта толаси етиштириш давлат буюртмаси** 1 миллион 710 минг тонна ҳажмида белгиланди. Бу буюртма областлар бўйича қуйидагича тақсимланади: Қорақалпоғистон АССР — 116 минг тонна, Андижон области — 167 минг тонна, Бухоро области — 142,3 минг тонна, Қашқадарё области — 172,7 минг тонна, Наманган области 133,9 минг тонна, Самарқанд области — 186,4 минг тонна, Сурхондарё области — 152 минг тонна, Сирдарё области — 231,6 минг тонна, Тошкент области — 121,3 минг тонна, Фарғона области — 171,8 минг тонна, Хоразм области — 115 минг тонна. Бу кўрсаткичлар республика ерларининг пахтачилик билан банд бўлишини 72 процентдан 68 процентгача камайтириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш соҳасидаги аҳволни анча яхшилаш имконини беради.

Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш беш йиллик планга оид ҳисоб-китоблардан 2 баравардан зиёд кўпроқ, яъни салкам 9 процент оширилади. Бироқ асосан аҳолининг ўзи етиштирган маҳсулотлар ҳисобига аҳоли жон бошига истеъмол қилиш бирмунча кўпайса ҳам, республикада бу маҳсулотларни истеъмол қилишнинг умумий даражаси ҳали ҳам илмий асосланган нормалардан анча кам бўлади.

Планда **агросаноат комплексинингқайта ишлаш тармоқларини** барқарор ривожлантириш белгиланган.

Кондитер саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш 201 минг тоннага етади ва бир йил ичида 9,5 процент кўпаяди. Қиём-мармелад ва кўплаб талаб қилинаётган бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўли билан бошқа республикалардан шундай маҳсулотлар келтириш кескин камайтирилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нобудгарчилигини камайтириш мақсадида ҳаммаси бўлиб 100 минг тонна маҳсулот сақланадиган омборлар ва 1100 тоннали музхоналар қуриш белгиланди.

Планда **инвестиция сиёсати** соҳасида катта силжишларни таъминлаш юзасидан изчил чоралар кўриш кўзда тутилган. Капитал маблағларнинг умумий ҳажми қарийб 8 миллиард сўм миқдорида ёки 1988 йил планига нисбатан 6 процент кўп қилиб белгиланган.

Капитал маблағ сарфлаш планини социал соҳага бириб юбориш умуман кучайтирилиши билан бирга ишлаб чиқариш соҳасига капитал маблағ сарфлаш 4 процент ортади. Саноат жадал суръатлар билан ривожлантирилади: шу мақсад учун ажратилган маблағларнинг улуши беш йиллик планда 1989 йил учун белгиланган 41,2 процент ўрнига 45,5 процентгача ортади.

Агросаноат комплексига катта маблағ сарфланади. Пул билан таъминланишнинг ҳамма манбалари ҳисобидан бу соҳага 3 миллиард 607 миллион сўм ёки шу маблағлар умумий ҳажмининг 42,9 проценти сарфланади. Шу билан бирга ишлаб чиқариш инвестицияларининг ярмидан кўпроғи ирригация-мелиорация қурилишига тўғри келади, бу қурилиш суғориладиган ерларнинг самарадорлигини оширишга, маблағларни биринчи галда эски экинзорларни реконструкция қилиш ва сифат жиҳатидан яхшилашга сарфланади. Мелиорация соҳасидаги ишлар ҳажмининг 70 проценти шу соҳага тўғри келади.

Ишлаб турган корхоналарни **реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш** ишлаб чиқаришга берилаётган капитал маблағлар структурасида катта салмоққа эга бўлади — бу ишларга 1 миллиард 700 миллион сўмга яқин ёки ишлаб чиқариш объектлари қурилишига ажратилган барча маблағнинг беш йиллик планда белгиланган 39 проценти ўрнига 47 проценти берилади. Саноат маҳсулотини кўпайтиришнинг тўртдан уч қисми мана шу тадбирлар ҳисобига олинади.

Чала қурилишларни камайтириш мақсадида янги бошланадиган ишлаб чиқариш объектлари қурилишларининг миқдори 1988 йилдаги 378 тадан 336 тага келтирилади ёки 11 процент қисқартирилади.

Қурилиш ташкилотлари ва бинокорлик материаллари саноати базасини ривожлантириш кўзда тутилган, бу ишга 1988 йилга нисбатан 15 процент кўп, яъни 395 миллион сўм сарфланади.

Транспорт комплекси янада ривож топади. Темирйўл ва ҳаво транспортида, умумий фойдаланишдаги автобусларда пассажирлар ташиш ҳажми ортади. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлигига транспорт паркининг структурасини такомиллаштириш, дизель ва газ баллонли машиналарнинг салмоғини ошириш кўзда тутилмоқда.

Алоқа корхоналарининг даромадларини асосан шаҳар ва қишлоқлардаги телефон шохобчасини кенгайтириш ҳисобига 6 процент кўпайтириш планлаштирилмоқда.

Республиканинг минерал хом ашё базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида катта ҳажмдаги **геология-разведка ишлари** планлаштирилмоқда. Фойдали қазилма конларини, нефть ва газ конларини қидиришни давом эттириш учун давлат бюджетидан 192 миллион сўм сарфланади. Бу соҳага ажратиладиган капитал маблағ ҳажми 121 миллион сўмни ташкил этади, шундан 76 процентдан кўпроғи нефть-газ конларини разведка мақсадида чуқур пармалаш учун ишлатилади.

ТЕРРИТОРИАЛ ПЛАНЛАШТИРИШНИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

1989 йилда **территориал планлаштиришни ва ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни** такомиллаштириш, республика областлари ва районларини ривожлантириш юзасидан комплекс тадбирларни амалга ошириш давом эттирилади.

Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм областларида аҳоли жон бошига саноат товар маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг таққослама даражаси оширилади, шу тариқа мазкур областларнинг саноат потенциалини янада бараварлаштириб олишга эришилади. Бироқ кўпгина ижроия комитетларининг раҳбарлари қўшимча маблағ сўраб олиш билан бирга уларнинг ўзлаштирилишини етарли равишда таъмин этмаяптилар. Шу йилнинг 10 ойи ичида Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё область ижроия комитетларига ажратилган давлат капитал маблағларининг ўзлаштирилиши планга нисбатан 90 процент атрофидагина бўлди.

Кичик ва ўртача шаҳарларда, шаҳар посёлкаларида ва қишлоқ районларининг марказларида 55 та **кичикроқ корхона, филиал ва цех қуриш** янада ривожлантирилади.

Республиканинг **ташқи иқтисодий алоқа имкониятларини** янада ривожлантириш белгиланди, чет элларга маҳсулот юбориш кўпайтирилади. Чегара атрофидаги савдо учун янги имкониятлар яратилади. Давлат буюртмасига мувофиқ чет элларга маҳсулот юбориш билан бирга чет эллик шериклар билан ҳамкорликнинг янги усулларини ривожлантириш, аввало қўшма корхоналар барпо этиш ва бевосита алоқаларни ривожлантириш тадбирлари ҳам планга киритилган. Биринчи марта республиканинг «Ўзбекинторг» хўжалик ҳисобидаги бирлашмаси орқали чет элларга маҳсулот юбориш плани тузилди.

7. ПЛАН ИНТИЗОМИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР ВА УНГА РИОЯ ЭТИШ ТАЛАБЛАРИНИНГ ОШИБ БОРАЁТГАНЛИГИ

Депутат ўртоқлар!

План сифатига берилаётган асосий баҳо шундан иборатки, лойиҳанинг асосий кўрсаткичлари беш йиллик топшириқларининг бажарилишини, бир қанча соҳаларда эса ошириб бажарилишини таъминлайди.

Планнинг тиғиз топшириқларини бажариш учун тармоқ ва территориал-бошқарув органларининг иш **услуби ва методларини** тубдан такомиллаштириш тақозо этилади. Бу соҳадаги иш планни тузиш даврида ҳам, уни амалга ошириш давомида ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириш резерварларини кун сайин тинимсиз қидиришга қаратилиши керак. Ҳозирги пайтда **сифат жиҳатидан янги мазмунга эга бўлиб турган план интизоми** аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам юксак бўлади. Бироқ, кўпгина хўжалик бўғинлари ҳали ҳам эски сийқа усулларни давом эттириб, қандай қилиб бўлмасин енгилроқ план белгиланишига ва уни ошириб бажариш орқали дабдабали муваффақиятларга эришишга интилмоқдалар.

Таъбир жоиз бўлса, турғунлик даври иш услубидаги эркалик ўрнига айрим раҳбарларда эндиликда ҳиссиётга, мақтанчоқликка берилиш ва ҳатто обрў-эътибор гадоси бўлиб қолиш аломатлари пайдо бўлмоқда. Ўртоқ М. С. Горбачев Орёл шаҳрида таъкидлаганидек, «биз эски ёндашувларни ўзгартириш, фикрлар ва ҳаракатларни янгилаш пайти келганлигини бутун мамлакатга айтишимиз керак».

Бундай ҳодисалар турғунлик даврининг мероси сифатида яхши таниш бўлганлиги учун ҳам биз бу ҳақда қанчалик аччиқ бўлмасин рўйи-рост ва очиқ ойдин гапирмоқдамиз. Токи қуёшли Ўзбекистоннинг осмони мусаффо бўлиб бораётган ҳозирги бир пайтда яна у иллатларнинг қора булутлари билан қопланмаслиги, бундай ҳодисалар энди ҳеч қачон такрорланмаслиги учун бир жону бир тан бўлиб ҳаракат қилишимиз керак. Айни эски ёндашувларни янги шаклга киритиш йўлидаги уринишлар оқибатида бир қанча тармоқлар ва йўналишларда беш йиллик топшириқлар даражасига чиқиб олишни таъминлашнинг иложи бўлмади. Чунончи, маҳсулот етказиб бериш юзасидан олинган шартнома мажбуриятлари ҳали ҳам бажарилмаяпти. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқаришнинг ҳар 1 гектаридан маҳсулот олиш бор-йўғи 2 процент кўпайди. Бунинг устига, Фарғона водийси областларида, Самарқанд ва Сурхондарё областларида бу ерларнинг самарадорлиги ҳатто камайиб кетди. Бу

(Давоми 4-бетда).

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси

ЎЗБЕКИСТОН ССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1989 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1988 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 2- ва 3-бетларда).

республика Давлат агросаноат комитетидаги ишларнинг аҳволи бу йил бирмунча яхшиланган бўлсада, умуман КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССРдаги агросаноат комплексининг табиий-иқтисодий имкониятларидан қониқарсиз фойдаланилаётгани тўғрисидаги маълум қарорида ўртага қўйилган вазифалар етарли даражада ҳал этилмаётганлигининг бевосита далилидир. Баъзи область раҳбарларининг яроқсиз иш услуби ва методлари қуйидаги мисолда яққол кўринади.

Ҳозир республикада аҳолини гўшт ва сут билан таъминлашдан ҳам ўткирроқ муаммо йўқ. Бироқ кейнги 5 йил ичида четдан келтирилган 231 минг бош зотдор ғунажиннинг бешдан бир қисми сўйиб юборилди, 4 мингга яқини эса нобуд бўлди. Шу тариқа сигирлар подасини янгилаб олиш, гўшт ва сут етиштириши кўпайтириш имконияти қўлдан бой берилди. 7 йил мобайнида жамоат секторидаги зотдор моллар атиги 6 процент кўпайганини, ҳар уч хўжаликдан бирида сигирлардан соғиб олинаётган сут йилига 2000 килограммга ҳам етмаётганлигини фақат шу билан изоҳлаш мумкин. Озиқовқат программасини ҳал этишга бундай муносабатда бўлишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Ем-хашакни ортиқча сарфлашнинг солиштирма миқдори анча кўп бўлишига қарамай, қорамолларнинг суткалик ўртача семириши илғор хўжаликлардаги 800—900 грамм ўрнига салкам 300 граммни ва чўчқаларнинг семириши 230—240 граммни ташкил этмоқда, холос. Бу кўрсаткич Автоном Республикада, Хоразм, Сирдарё, Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарё областларида айниқса паст.

Аҳолини чорва мол билан таъминлаш катта резервдир: Ҳозир совхоз ишчилари ва колхозчилар оилаларининг 20 процентида ҳеч қандай чорва йўқ, 25 процентида қорамол, учдан бир қисмида сигир, ярмисида қўй боқилмаяпти. Чорвасизларда лоақал бир бошдан қорамол бўлганида эди, йилига 58 минг тонна гўшт ва 860 минг тонна сут қўшимча равишда олинган бўлур эди. Айни вақтда экинзорларнинг атиги 3 процентига эга бўлган аҳолининг шахсий хўжаликлари қишлоқ хўжалигида ҳосил қилинаётган ялпи маҳсулотнинг қарийб чорак қисмини ва миллий даромаднинг учдан бир қисмидан кўпроғини, гўштнинг 50 процентини, сутнинг 64 процентини, сабзавотнинг 44 процентини бермоқда. Бинобарин, аҳолининг имкониятларидан самаралироқ фойдаланиш керак.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги каби йирик министрликнинг иш услуби ҳам план интизомига нисбатан қўйилаётган катта талабларга етарли баҳо берилмаётганидан, ишлаб чиқаришни интенсивлашга янгича ёндашилмаётганлигидан далолат беради. Аҳолини хилма-хил истеъмол моллари билан таъминлаши лозим бўлган бу министрликдаги аҳвол тобора мушкуллашиб бормоқда. Болалар ва кексалар учун кийим-кечак ишлаб чиқаришдек нозик масалани олайлик. Бу йил савдо ташкилотларининг бундай товарларга берилган талабномалари 74—86 процент қондирилган бўлса, 1989 йилда бу кўрсаткич деярли икки ҳисса камайиб кетади.

Шундай бир шароитда ҳамма жойда планни камайтириш масаласини қўйиб келаётган министрлик раҳбарларининг позициясини тушуниб бўлмайди.

Министрлик раҳбарлари тармоқнинг резервлари ва имкониятларини чуқур ва холисона таҳлил этишлари керак. Чунки ип газлама саноатининг ишлаб чиқариш потенциалидан тўла-тўкис фойдаланилган тақдирда қўшимча равишда 132 миллион сўмлик маҳсулот олиш мумкин эди, ваҳолонки, ҳозир ип газлама саноатининг қувватларидан 70 процент фойдаланилмоқда.

Маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг раҳбарлари ўз территорияларидаги хўжаликнинг ҳолати учун ҳамиша ҳам тўла-тўкис масъулиятни охиригача англамаётганликлари план лойиҳаси устида олиб борилган иш жараёнида яққол аниқланди. Регионал хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш усули жорий этилгач, уларнинг масъулияти янада ортажагини бир карра ҳис этишлари лозим.

Фарғона, Самарқанд областларидан ва Тошкент шаҳридан ташқари республиканинг деярли барча регионлари бюджетларида харажатлар даромадлардан ошиб кетаётганлигини бизнинг ҳисоб-китобларимиз аниқ кўрсатиб берди.

Шундай бўлса ҳам деярли ҳамма областлар пахта ва гўшт, бошқа турдаги маҳсулотлар етиштириш ҳамда харид қилишнинг 1989 йилги планини камайтиришни астойдил талаб қилиб, айни бир вақтда давлат маблағлари ҳисобидан марказлаштирилган капитал маблағларни анча кўпайтиришни талаб қилдилар.

Масалани бу тарзда қўйиш қайта қуриш талабларига мутлақо зид бўлиб, тайёргга айёрлик ва истеъмолчилик сарқитлари давом этиб келаётганидан дарак беради. Бундай ёндашув мақбул эмаслигини, унинг мутлақо хато эканлигини тушуниш қийин эмас. Шу муносабат билан Ленининнинг ўзларини маъмуриятчи деб ҳис этаётган коммунистлар «қўлларига берилган тийиннни эҳтиёт қилиш ҳақида ғамхўрлик қилмайдилар ва уни 2 тийин қилишга интилмайдилар, лекин миллиард ва ҳатто триллион совет пулларига планлар тузадилар. Биз ана шу иллатга қарши кураш олиб борамиз» (45-том, 19-бет), деб афсусланиб айтган сўзларини эслатиб ўтиш ўринлидир. Айрим раҳбарлар умумреспублика озиқовқат муаммоларини ҳал этишда ўз областларининг иштирокини камайтиришга уринаётганликлари сабабли ҳозир ҳам бу масала жуда ўткир бўлиб турибди. Бу раҳбарлар ўз областларига умумиттифоқ ва республика фондларидан кўп миқдорда картошка ва сут, дон ва ёрма, қанд-шакар, ун, кондитер маҳсулотлари ва шу каби бошқа маҳсулотлар юборилаётганини унутиб қўймоқдалар.

Шу жиҳатдан олганда Хоразм областида қилинаётган ишдан ўрнак олса арзийди. Бу областда ижара ва оила пудрати тез ривожланмоқда, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кўпгина корхоналарни қуриш, якка тартибдаги қурилиш ҳажмини кўпайтириш, аҳолини мамлакатнинг бошқа районларида ўзлари тайёрлаган ёғоч ҳисобига материаллар билан таъминлашни яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Бироқ, афсуски, ҳамма жойда ҳам ишга ана шундай ёндашилаётгани йўқ. Ҳатто, маҳаллий активларга тўғри йўл-йўриқ бериш учун областларга юборилган айрим раҳбарлар ҳам маҳаллийчилик кайфиятига берилиб, гўшт ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда харид қилиш ҳажмини камайтириш тўғрисидаги талабларни йил сайин зўр бериб ўртага қўйиб келмоқдалар.

Депутат ўртоқлар!

Экономикадаги ишларнинг аҳволи ва ўтиш даврининг талаблари республиканинг план органлари ва бошқа иқтисодий органлари олдига масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Биз экономикадаги чуқур жараёнларни таҳлил этиш савиясини қатъиян оширишни, планлаштиришнинг иқтисодий шакллари ва методларини билимдонлик билан фаол ишлашни, ишлаб чиқаришни ўстириш резервлари ва манбаларини аниқлашни, истиқболдаги тараққиёт йўналишларини асослашга бутун диққат-эътиборни қаратишни Госпланнинг вазифаси деб биламиз.

Областларда план-иқтисодий бошқармалар ташкил этилиши муносабати билан биз область ижроия комитетлари билан биргаликда область план-иқтисодий бошқармаларининг янги шароитларда ишлаш формаларини кучайтиришимиз, план негизини сусайтирмай, балки кучайтиришимиз, бутун диққат-эътиборни областларни янада привожлантириш муаммоларига қаратишимиз лозим. Тошкент, Фарғона область ижроия комитетлари бу соҳада ижобий намуна кўрсатмоқдалар. Сурхондарё областида ҳам бу соҳадаги ишлар бошлаб юборилди, аммо бир вақтлар Тошкент шаҳар ижроия комитетининг узоқ муддатли планлаштириш соҳасида тутган юксак мавқеи энди асоссиз равишда бой бериб қўйилмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси иқтисодчи кадрлар тайёрлашни кескин яхшилашни, тармоқларнинг ва территориал органларнинг барча раҳбарларига иқтисодий тафаккурни сингдиришни қатъий талаб қилади.

Ҳозир, моддий-техника таъминоти системаси тубдан ўзгариб бораётган бир пайтда Госснаб органлари зиммасига алоҳида масъулият тушади. Республикага ажратилган планли фондларнинг анчагина қисми реализация бўлмай қолганлиги, бу эса корхоналарни жуда оғир аҳволга солиб қўйганлиги мазкур органларнинг ишида катта камчиликлар борлигидан дарак беради. Ишлаб чиқариш бўлинмалари хом ашё етказиб берувчилар билан бевосита алоқаларни эндигина пухта йўлга қўйяётган, территориал органлар ҳали мустаҳкамланмаган, ихтисослаштирилган бошқармалар эса тугатиб юборилган бир шароитда Госснаб бутун диққат-эътиборни инструкция қоидаларини ҳар хил йўсинда талқин этишга қаратмасдан, балки республикани ресурслар билан бир маромда таъминлаш масалаларини ҳал этишга бошчилик қилиши лозим.

Совет, хўжалик, план органлари ишни бугунги кун вазифалари позицияларидан туриб тубдан қайта қуришлари, энг ўткир социал ва иқтисодий муаммоларни айниқса XIII беш йиллик арафасида ҳал этиш зарурлигига зўр эътибор беришлари, ўртоқ М. С. Горбачевнинг Ўзбекистонда бўлган вақтида республика тараққиётини жадаллаштириш тўғрисида берган кўрсатмаларини амалга оширишга яқиндан киришишлари лозим.

Ўзларингизга маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукумати республиканинг мамлакат яхлит халқ хўжалик комплекси билан чамбарчас боғлиқлигига асосланиб, Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида ва территориал органларнинг барча раҳбарларига иқтисодий тафаккурни сингдиришни қатъий талаб қилади.

Ҳозир, моддий-техника таъминоти системаси тубдан ўзгариб бораётган бир пайтда Госснаб органлари зиммасига алоҳида масъулият тушади. Республикага ажратилган планли фондларнинг анчагина қисми реализация бўлмай қолганлиги, бу эса корхоналарни жуда оғир аҳволга солиб қўйганлиги мазкур органларнинг ишида катта камчиликлар борлигидан дарак беради. Ишлаб чиқариш бўлинмалари хом ашё етказиб берувчилар билан бевосита алоқаларни эндигина пухта йўлга қўйяётган, территориал органлар ҳали мустаҳкамланмаган, ихтисослаштирилган бошқармалар эса тугатиб юборилган бир шароитда Госснаб бутун диққат-эътиборни инструкция қоидаларини ҳар хил йўсинда талқин этишга қаратмасдан, балки республикани ресурслар билан бир маромда таъминлаш масалаларини ҳал этишга бошчилик қилиши лозим.

Ўзларингизга маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукумати республиканинг мамлакат яхлит халқ хўжалик комплекси билан чамбарчас боғлиқлигига асосланиб, Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида берган кўрсатмаларини амалга оширишга яқиндан киришишлари лозим.

Ўзларингизга маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукумати республиканинг мамлакат яхлит халқ хўжалик комплекси билан чамбарчас боғлиқлигига асосланиб, Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989—1995 йилларга мўлжалланган муфассал программасини ишлаб чиқдилар. Бу программада экономикада чуқур структура силжишларини амалга ошириш, ўзимизнинг регионал шароитларимиз ва ресурсларимиздан янада тўлатўкис фойдаланиш, экономиканинг ўсиш суръатларини кескин, тахминан икки ҳисса ошириш кўзда тутилган. Мана шулар асосида турмуш даражасини оширишнинг, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг мустаҳкам моддий негизи бўлмиш мамлакат яхлит халқ хўжалик комплексига республиканинг ҳиссасини кўпайтиришнинг пишиқ-пухта негизини яратиш белгиланмоқда.

Депутат ўртоқлар!

1989 йил мана шу кенг миқёсли программани амалга оширишнинг биринчи босқичи бўлиб қолади, шунинг учун ҳам бу йилга беш йиллик топшириқларини бажаришда, республикани келгуси йилларда барқарор ва дадил ривожлантириш учун мустаҳкам шарт-шароит яратишда алоҳида роль ажратиб берилмоқда. Долзарб муаммоларнинг муҳимлиги ва ўткирлиги бу вазифага иқтисодий тус бахш этибгина қолмай, сиёсий тус ҳам бахш этади, шу сабабли мазкур вазифанинг бажарилиши Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг қарорларига амалий жавоб. КПСС XXVII съезди кўрсатмаларини амалга ошириш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

Эътиборингиз учун ташаккур.

СССР Қонунлари лойиҳалари— умумхалқ муҳокамасида

ХАЛҚ УЧУН, ХАЛҚ БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШИБ

Шу кунларда матбуот саҳифалари, радио ва телевиденеда, Советлар сессиялари, меҳнат коллективлари, жамоатчилик ташкилотлари ва ўқув юртларида СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ҳамда «СССР халқ депутатларини сайлаш ҳақида»ги Қонунлар лойиҳалари зўр манфаатдорлик ва қизиқиш билан муҳокама қилинмоқда. Газета редакциясига меҳнаткашлардан ана шу ҳужжатларни қўллаб-қувватлаётганликлари ва маъқуллаётганликлари, уни ҳаётимизни янада демократиялаш, Советларга ҳақиқий ҳокимиятни қайтариб беришга йўналтирилган муҳим сиёсий ва ташкилотчилик тадбири деб баҳолаётганликлари ҳақида кўплаб хатхабарлар келмоқда. Айни вақтда меҳнаткашлар ҳужжатларнинг айрим ўринларига аниқлик киритиш, уни янада қатъийлаштириш, айрим модда ва қоидаларни конкретлаштиришни кўзлаб фикр-мулоҳазалар ҳам айтмоқдалар.

Таклиф этилган ўзгартишлар моҳияти тушуниб етилмаётгани, муҳокама қилинаётган масалалар доирасидан четга чиқиб кетиш ҳоллари бўлаётганини кўрсатувчи хат-хабарлар ҳам бор.

«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири С. Муҳиддинов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Советлар иши бўлимининг мудири, юридик фанлари кандидати О. Ҳ. Олимжонов билан учрашиб, газета редакциясига келаётган хатларда тилга олинаётган бир қатор масала ва сўровлар муносабати билан айрим саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

— Омон Ҳамидович, маълумки, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида эълон қилинган Қонунлар лойиҳалари бўйича гражданларнинг таклифларини ўрганиш ва умумлаштириш учун тузилган ишчи группаси сизнинг тасарруфингизда иш олиб бормоқда. Ушбу қонунлар лойиҳаларига нималар асос қилиб олинган ва унинг муҳокамаси республикамизда қандай ўтмоқда?

— Муҳокама этилаётган ҳужжатларнинг асосий ғоялари КПСС XXVII съезди, Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида ўртага қўйилган эди. Кўзда тутилаётган ўзгартишлар давлатимизнинг сиёсий негизи бўлган Советларнинг ваколати ҳамда имкониятларини анча кенгайтириш, унинг меҳнаткашлар иродаси ифодачиси сифатидаги аҳамиятини оширишга имкон беради. Ўзгаришлар эскирган маъмурий-буйруқбозлик методига барҳам бериш, чинакам демократия йўналишидан бориш, сиёсий сусткашликдан қутулиш, давлат аппаратини халқ манфаатига бўйсундириш учун ҳам зарурдир. Умумхалқ муҳокамасига қўйилган СССР Қонунлари лойиҳалари асосида ҳам ана шу мазмун ётади.

Республикамизда лойиҳалар муҳокамаси қандай бораётганлиги ҳақида тўхталишни истардим. У олдинги йиллардагидан кескин фарқ қилиб, ортиқча дабдабаларсиз ва шов-шувларсиз ўтмоқда. Ҳуқуқшунослар, совет органлари ходимлари, депутатлар, Советлар активлари муҳокамага катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Қонунлар лойиҳалари Андижон ва Самарқанд областлари, бир қатор шаҳар ва район Советлари сессиялари, доимий комиссиялар мажлисларида муҳокама қилинди. Билдирилган барча фикр-мулоҳазалар ва таклифлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ишчи группаси томонидан чуқур ўрганилмоқда, системага солинмоқда ва умумлаштирилмоқда. У ҳар беш кунда СССР Олий Совети Президиумига мунтазам жўнатилиб турибди.

— Ишчи группасига тушаётган мурожаатлар кўпроқ қайси йўналишда эканлигини гапириб берсангиз?

— Бўлиб ўтаётган йиғилишлар, келаётган кўп сонли хатлар меҳнаткашлар, умуман Қонунлар лойиҳалари йўл-йўриқларини қўллаб-қувватлаётганликларини, уни қайта қуриш ғоясини амалга ошириш йўлида муҳим қадам, деб ҳисоблаётганликларини кўрсатмоқда. Шу билан бирга лойиҳаларнинг айрим ўринларини янада аниқроқ қилиш, айрим боб ва моддаларни конкретлаштириш, бир хил қоидаларнинг ифодаларидаги ҳар хилликларни бартараф этиш ҳақида кўплаб таклифлар айтилмоқда. Бу фикр-мулоҳазалар зарур бўлиб, ҳужжатларни қатъий якунлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлади.

— Газета редакциясига келаётган айрим таклифлар мўлжалланаётган ўзгартишларнинг мақсади ва аҳамиятини ҳали тўлиқ тасаввур қилмаётган кишилар ҳам бор эканлигини кўрсатмоқда. Шу муносабат билан кўзда тутилаётган асосий ўзгартишлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Бундай хатлар — Олий Совет Президиумига, республика маҳаллий Советларига ҳам келиб турибди. Аввало, сиёсий системани қайта қуришни амалдаги СССР Конституциясининг айрим қоидаларини ўзгартирмасдан туриб бошлаш мумкин эмаслигини таъкидламоқчиман. Умумхалқ муҳокамасига қўйилган Қонунлар лойиҳаларидаги Конституциянинг биринчи навбатда, бевосита давлат ҳокимияти ва бошқарув ташкилотлари ва унинг фаолияти, шунингдек суд органлари ислоҳотига оид қоидаларини ўзгартиришга йўналтирилгандир. Ҳозиргача уларда Конституциянинг жамиятимиз иқтисодий системаси, гражданларнинг ҳуқуқи, эркинлиги ва бурчлари, миллий-давлат қурилиши ва бошқа айрим масалалар ҳақидаги қоидалари қамраб олинган эмас. Бугунги кунда қайта қуриш жараёнида келиб чиқадиган жамиятнинг янги ижтимоий-сиёсий тузилишини ва ундаги ижтимоий муносабатларни мукаммал равишда ифодалаш қийин. Жамиятимизнинг олға ривожланиб боришига қараб бу жараёнлар ҳам тегишли конституцион баҳосини олади. Бир сўз билан айтганда, бу мураккаб, узоқ давом этадиган жараён бўлиб, жамиятимизда таркиб топган ижтимоий муносабатларни акс эттиради.

— Ҳозирдаёқ Конституцияга қандай принципиал янги қоидалар киритиш мўлжалланмоқда.

— Халқ депутатлари Советлари, айниқса унинг юқори бўғинлари ишини қайта қуриш бу тадбирлар марказида турибди.

Аввало мутлақо янги ташкилотлар — СССР Халқ депутатлари съезди, иттифоқдош ва автоном республикалар халқ депутатлари съездлари ташкил этилади.

СССР халқ депутатлари съезди давлат ҳокимиятининг олий органидир. Унинг депутатлари мамлакатимиз барча аҳолиси миллий-территориал бирлиги, жамоатчилик ташкилотлари вакилларидир. Съезд мамлакатимиз ҳаётининг энг йирик масалаларини ошкора, эркин ва ишчанлиқ билан муҳокама қилади. У ССР Иттифоқи тасарруфидаги барча масалаларни кўриб чиқишга ҳуқуқлидир. Конституцияга оид муҳим масалаларни, СССРнинг ички ва ташқи сиёсати — асосий йўналишларини белгилаш, давлатнинг истиқболга мўлжалланган планлари ҳамда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш бутуниттифоқ программаларини тасдиқлашни бевосита унинг ихтиёрига бериш мўлжалланмоқда.

Съезд СССР Олий Советини, унинг Раиси ва биринчи ўринбосарини, конституцион назорат комитетини сайлайди, СССР Олий Совети давлат ҳокимиятининг доимий ҳаракатдаги Қонун чиқарувчи, бошқарувчи ва назорат этувчи орган бўлиши мўлжалланмоқда.

— Мумкин бўлса, СССР Олий Советининг бу функциялари нималардан иборат эканлигини шарҳлаб берсангиз?

— Қонун чиқариш ишларининг масъулияти СССР Олий Совети, иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларига ўтиши принципиал янги қадамдир. Бу билан ижтимоий муносабатларни асосан Олий Совет Президиумлари фармонлари, Министрлар Совети қарорлари, идораларнинг кўрсатмалари билан тартибга солинишига, Қонунларнинг эса ҳокимиятнинг ваколатли органлари акти сифатида давлатнинг қонунчилиқ фаолиятида чекланиб қўйилиш ҳолларига барҳам бериш кўзда тутилмоқда.

Асосий вазифа — давлатда қонунлар ҳукмронлигини қарор топтиришдир. Бу бевосита СССР, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунлари билан бошқариладиган ижтимоий муносабатлар доирасини кенгайтиришни кўзда тутади. Қонунлар кўпаяберади. Олий Совет ССР Иттифоқи тасарруфида бўлган халқ хўжалиги ва социал-маданий қурилишни бошқариш, бюджет-молия системаси, меҳнатга ҳақ тўлаш ва нарх белгилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш, гражданларнинг конституцион ҳуқуқлари, эркинлик ва мажбуриятларини амалга ошириш, бошқа муносабатларни қонунлар орқали бошқаришни амалга оширади. Олий Совет СССРнинг барча территориясида қонун билан бошқариш ва Қонун чиқариш асосларининг бирлигини таъминлайди.

Юқорида таъкидланганидек, СССР Олий Совети давлат ҳокимиятининг фақат қонун чиқарувчи органи бўлиб қолмай, бошқарувчи ва назорат этувчи органдир. Унинг бошқарувчилик вазифаси аввало иқтисодий ва социал ривожланишни планлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини йўналтириш, миллий ва миллатлараро муносабатларни ривожлантириш муаммолари бўйича қарорлар қабул қилишда акс этади. Бу вазифа муҳим бўлган кадрлар масаласи — СССР Министрлар Совети Раиси, СССР Бош прокурори, СССР давлат бош арбитри ва бошқа қатор мансабдор шахсларни тайинлашда ҳам амалга оширилади. Зарур бўлган тақдирда халқаро шартнома мажбуриятларини бажариш лозим бўлганда СССР Қуролли Кучлари контингентидан фойдаланиш, мудофаа соҳасида ҳамда давлат хавфсизлигини таъминлашда асосий тадбирларни белгилаш ҳақида ҳам фақат СССР Олий Совети қарор қабул қилади.

СССР Олий Советининг назорат ваколати ҳам кенг. Унга ўзи ташкил этган ёки сайлаган органлар, шунингдек, тайинланган мансабдор шахслар ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш, СССР Министрлар Советининг, шунингдек иттифоқдош республикалар ҳукуматларининг Конституция ва СССР Қонунларига мувофиқ келмаган қарор ва кўрсатмаларини бекор қилиш ҳуқуқи берилади.

— Бундан кейин ҳам СССР Олий Советининг икки палатали системаси сақланиб қоладими? Агар сақланиб қолса, унинг статуси ўзгармайдими?

— СССР Олий Совети СССР халқ депутатлари съездида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. У аввалгидек сон ва ҳуқуқ жиҳатдан тенг — Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети палаталарига эга бўлади.

Иттифоқ Совети территориал сайлов округлари ва жамоатчилик ташкилотларидан сайланган, тегишли округларда яшаб турган ёки ишлаётган депутатлардан сайланади. Миллатлар Совети тегишли республикалар ёки миллий тузилмалар территориясида яшаб турган ёки ишлаётган миллий-территориал сайлов округлари депутатларидан ва жамоатчилик ташкилотлари депутатларидан сайланади. Халқ депутатлари съезди томонидан йилига ҳар икки палата составининг бешдан бир қисми депутатлари Олий Советдаги бутун ваколати муддатида хизмат ва ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан озод этилади. Олий Советнинг ваколат доираси кенгайиши унинг фаолиятида ана шу иш тартибини тақозо этади. Олий Совет тўхтовсиз иш олиб борадиган орган эканлигини таъкидламоқчиман. Депутатлар муҳим давлат ишларини ўрганадилар ва уни нафақат умумий мажлисларда, бошқача қилиб айтганда, Олий Совет сессиялари ҳамда унинг палаталаридагина эмас, балки доимий ва бошқа комиссиялар, комитетларда ҳам муҳокама қиладилар, сайловчилар ҳузурига борадилар.

— Лойиҳада Олий Советга ҳисобдор бўлган СССР Олий Совети Президиуми СССР давлат ҳокимияти Олий органининг ташкилотчилик маркази бўлиши кўзда тутилади. Эндиликда унинг вазифалари қандай бўлади? Барча қонун чиқариш функциялари ва кадрлар масаласини ҳал этиш олдинги Президиумдан Олий Советга ўтиб кетади-ку?

— Ҳозир амалдаги Президиумга нисбатан у янги орган бўлиб, Халқ депутатлари съезди ва Олий Советнинг самарали ишлашини таъминлашга даъват этилган. Янги президиум СССР Олий Совети сессиясини чақиради, съезд мажлислари, СССР Олий Совети сессияларига тайёргарликни ташкил этади, Олий Совет доимий комиссиялари палата ва комитетлар фаолиятини мувофиқлаштиради, СССР халқ депутатларига ўз ваколатларини адо этишда ёрдам кўрсатади. Шунингдек, бошқа бир қатор масалаларни ҳал этади. Масалан, Олий Совет Президиуми ССР Иттифоқ мудофааси манфаатини кўзлаб аниқ жойларда ёки бутун мамлакат бўйлаб зарур бўлганда бошқарувнинг алоҳида усулларини жорий этиш билан ҳарбий ёки муваққат ҳолат эълон қилиши мумкин.

— Бу органга кимлар киради, у қандай тузилади?

— СССР Олий Совети Президиуми сайланмайдиган, балки тузиладиган орган бўлади, деб фикрланмоқда. Унинг составига мансабига қараб СССР Олий Совети Раиси, Раиснинг биринчи ўринбосари, Раиснинг ўн бешта ўринбосари — иттифоқдош республикалар Олий Советлари раислари, палаталар раислари, Халқ контроли комитетининг раиси, СССР Олий Совети палатаси доимий комиссиялари ва комитетлари раислари киради.

СССР Олий Совети Президиумини СССР Олий Совети Раиси бошқаради. У Совет давлатининг энг юқори лавозими эгаси бўлади. Съезд иши, СССР Олий Совети ва Олий Совет Президиумига умумий раҳбарлик қилади, Мудофаа кенгашини бошқаради, бошқа бир қатор муҳим вазифаларни ҳал этади. Раис Съездга, Олий Советга ички ва ташқи сиёсат, СССР мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги масалаларини доклад қилади, мамлакат ички ва халқаро муносабатларда ССР Иттифоқи номидан иш кўради.

Шунингдек қишлоқ ва посёлка Советларидан ташқари халқ депутатлари, маҳаллий Советларида ҳам президиумлар тузиш мўлжалланмоқда. Уни Советларнинг раислари бошқаради. Президиумлар ва маҳаллий Советлар раислари Советлар, депутатлар ишини ташкил этиш билан шуғулланади.

— СССР Министрлар Совети составига кирган ва маълум лавозимни эгаллаган кишилар бир вақтнинг ўзида СССР халқ депутати бўлмаслиги кўзда тутилмоқда. Бу янгилик қандай мулоҳазаларга кўра киритилаётир?

— Чиндан ҳам Министрлар Совети раисидан ташқари СССР Ҳукумати составига кирадиган ҳамда давлат ҳокимиятининг юқори органига ҳисобдор бўлган ССР Иттифоқи идоралари раҳбарлари, СССР Бош прокурори ва СССР Прокуратураси коллегияси аъзолари, СССР Олий суди раиси ва аъзолари, СССР Бош давлат арбитри ва давлат арбитрлари, Конституцион назорат комитети аъзолари, бошқа давлат органлари раҳбарлари бир вақтнинг ўзида СССР халқ депутати бўлмаслиги ҳақида тегишли тартиб ўрнатиш мўлжалланмоқда. Бундай принципнинг киритилиши қонун қабул қилувчи, ижро этувчи ва суд маъмурияти ўртасида вазифалар ҳамда масъулиятни аниқ ва изчил тақсимлаш учун зарур шартдир. Бу эса социалистик ҳуқуқий давлатни ташкил этишнинг тамал тоши ҳисобланади. Халқ депутатлари Советлари томонидан сайланган ёки тайинланган мансабдор шахсларнинг ўз лавозимини кетма-кет икки муддатдан кўпроқ эгаллаб туриш имкониятини чеклаш ҳақидаги таклиф хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, ҳокимиятни бир киши қўлида ортиқча марказлашувининг олдини олишга қаратилган муайян шарт-шароит эканлигини қайд этмоқчиман.

— Сиз юқоридаги депутатларнинг доимий комиссияларда ишлаши СССР Олий Совети фаолияти усулларидан бири бўлади, деб таъкидладингиз. Уларнинг роли қандай қилиб ошади, бу борада нималар мўлжалланмоқда?

— Доимий комиссияларни ташкил этиш ва унинг фаолиятига кўп янгиликлар киритилмоқда. Доимий комиссияларнинг Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишларини, шунингдек халқ хўжалиги, миллатлараро, кадрлар ва бошқа вазифаларни ҳал этишда ваколатини кенгайтириш белгиланаётир. Масалан, мансабдор шахсларни СССР Министрлар Совети составига сайлаш ва тайинлаш фақат СССР Олий Совети палаталари тегишли доимий комиссиялари хулосаси бўлган тақдирдагина амалга оширилади. Доимий комиссиялар билан бирга палаталар томонидан тенг ҳуқуқлилик асосида СССР Олий Советининг комитетлари таъсис қилинади.

— Совет ҳокимиятининг юқори органи структурасида биринчи марта конституцион назорат комитети ташкил этилади. Унинг составига кимлар киради, унинг вазифаси нима?

— Конституцион назорат комитети принципиал жиҳатдан янги органдир. Унинг асосий вазифаси барча давлат органлари ва жамоатчилиқ ташкилотлари фаолиятида СССР Конституцияси нормалари изчил амалга оширилишини таъминлашдир. Бундай вазифа комитет составини (унга сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар киради), шунингдек, унинг ваколатини белгилаб беради. Масалан, у Конституцияга хилоф равишда қабул қилинган ҳуқуқий бир ёқлама кўрсатма ёки қарор ижро этилишини тўхтатиш ҳақида ўз хулосаларини юборади.

— СССРнинг юқори бошқарув ва одил судлов органлари фаолиятига оид ўзгаришларнинг моҳияти нимада?

— Лойиҳада СССР Министрлар Совети СССР Халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети олдида масъулиятли ва ҳисоботлидир, деб ёзилган. Ҳукуматнинг юқори ваколатли органлар билан бундай алоқада эканлиги СССР Министрлар Совети Раисини тайинлаш хусусиятларини белгилаб берди. Тайинлаш Олий Совет томонидан амалга оширилади ва СССР Халқ депутатлари съездида тасдиқланади. Халқ контроли комитети ва Олий суд, Бош прокурор ва Бош давлат арбитрига нисбатан ҳам ана шу принципни қўлланиш тавсия этилмоқда.

Судлов органлари фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган ўзгартишлар гражданлар, жамият ва давлат манфаатларини ишончли муҳофаза қилишга даъват этилган. Суд ислоҳотининг асосий вазифаси суднинг обрў-эътибори ва мустақиллигини кучайтириш, суд органларини тузиш механизмини ўзгартириш, судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолати ва демократик имкониятларини кенгайтиришдир. Барча даражадаги судьялар 10 йил муддат билан сайланади. Бу билан суд органларини анча мустаҳкамлаш таъминланади. Шубҳасиз, айни вақтда ишлаб чиқилаётган СССРда судьяларнинг статуси ҳақидаги қонун ҳам судьяларнинг обрў-эътиборини оширишда муайян аҳамиятга эга бўлади.

ДЕМОКРАТИЯЛАШ, ИСЛОҲОТЛАР ВА ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДАН

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1989 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1987 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР молия министри депутат Й. И. МАМАТИСАЕВ доклади

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Мамлакатимиз халқ хўжалиги ва бошқарувни қайта қуриш, социал-иқтисодий тараққиётни янада жадаллаштиришнинг, сиёсий системани ислоҳ қилишнинг, чинакам халқ ҳокимияти органлари бўлмиш Советлар ролини кучайтиришнинг масъулиятли босқичига қадам қўйди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республиканинг 1989 йилги Давлат бюджети лойиҳасини атрофлича кўриб чиқиб, сизларнинг муҳокамангизга ва тасдиғингизга тақдим этади.

Ўзбекистон ССРнинг 1989 йилги Давлат бюджети лойиҳаси КПСС XXVII съездининг, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг ва унинг кўрсатмаларини рўёбга чиқариш борасидаги амалий ишлар йўлини белгилаб берган КПСС Марказий Комитети 1988 йил июль Пленумининг йўл-йўриқларига асосан ишлаб чиқилган.

Бюджет лойиҳаси республика халқ хўжалигининг молиявий аҳволини чуқур таҳлил этиш асосида ва молия-кредит системасини такомиллаштиришга, молияни соғломлаштириш ҳамда пул муомаласини барқарор қилишга қаратилган йўлни изчиллик билан ўтказа бориш талабларини эътиборга олиб тузилган. Лойиҳада тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитида халқ хўжалиги барча тармоқларидаги бирлашмалар ва корхоналарнинг ишлаши учун шарт-шароитни вужудга келтириш кўзда тутилади.

Партиямизнинг экономикани қайта қуришга қаратилган йўлини амалга ошириш борасидаги изчил ишлар халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида ижобий силжишларга эришишга муайян даражада кўмаклашди. Кейинги 12 йил мобайнида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарамоғидаги хўжаликлар бўйича фойда олиш плани 1987 йилда биринчи марта бажарилди. Бу йил ҳам фойда олиш плани бажарилмоқда. Ўтган бир ярим йил даврида фойда олиш планини бажармаган корхоналар сони деярли икки баравар камайди. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон ССРнинг шу йилги Давлат бюджети, Қорақалпоғистон автоном республикасининг, барча областлар ва Тошкент шаҳрининг бюджетлари бажарилишига ҳам ижобий таъсир ўтказмоқда.

Аммо республикамиз халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи, унинг бундан кейинги ривожи шундан далолат бермоқдаки, халқ хўжалиги тармоқларида мавжуд бўлган резервлар ва имкониятлар ҳали тўла-тўкис сафарбар этилмаяпти. Кўпгина бирлашмалар ва корхоналар тузилган шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб беришни таъминламаяптилар, моддий ресурслар ортиқча сарфланишига йўл қўймоқдалар, нобудгарчиликларни, унумсиз харажатларни секинлик билан камайтирмоқдалар. Ўзбекистон ССР Олий Совети план-бюджет ва бошқа доимий комиссияларининг 1988 йилги бюджет юзасидан молиявий-хўжалик фаолиятидаги камчиликларни бартараф этишга доир тавсиялари ҳамма жойда ҳам бажариляпти, деб бўлмайди. Натижада республикамиздаги молиявий аҳвол ҳамон кескинлигича қолмоқда.

Депутат ўртоқлар!

1989 йилги Давлат бюджетининг лойиҳасида республика экономикасидаги сифат силжишлари реал акс эттирилган, планларимизнинг бош мақсади, аҳолининг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини яна ҳам тўлароқ қондиришга, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган планларнинг социал йўналиши ўз ифодасини топган.

Лойиҳада халқ хўжалигининг тармоқларида, аввало, уларнинг асосий бўғини — корхоналар ва бирлашмаларда тўла хўжалик ҳисоби ҳамда ўзини-ўзи пул билан таъминлаш принципларидан кенгроқ фойдаланиш ҳисобига олинган. Асосан иқтисодий ўсиш, ресурсларни фаол тежаш, ишлаб чиқариш ва социал ривожланиш омилларини таъминлаш лозим бўлган фан-техника тараққиётининг ҳал қилувчи йўналишлари бюджет маблағи билан таъминланиши кўзда тутилади. Қорақалпоғистон АССР, республика областларининг ўз территорияларини пул билан ўзи таъминлаши учун уларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ва масъулиятини оширишга қаратилган йўл ўтказилмоқда.

Ўзбекистон ССРнинг 1989 йилда республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг асосий кўрсаткичларига мувофиқ тузилган келгуси йилги Давлат бюджети лойиҳаси даромадлар ва харажатлар бўйича 9994,8 миллион сўм миқдорида ёки Ўзбекистон ССР Олий Совети 1988 йил учун тасдиқлаган бюджетга нисбатан 10,3 процент ошириб белгиланмоқда.

Республикамизнинг 1989 йилги Давлат бюджети лойиҳаси даромадлар ва харажатлар бўйича жуда тиғиз қилиб мувофиқлаштирилган. Бунга сабаб шуки, 1985 йилдан бошлаб республикада план ва бюджетда кўзда тутилган тадбирларни таъминлаш харажатлари даромадларнинг ўсишига нисбатан илдам суръатлар билан ортиб бормоқда. Республика бюджетининг даромадлари 1985—1989 йилларда 1,4 процент кўпаядиган бўлса, харажатлар 26,1 процент ошади. Мана шу ва бошқа сабаблар натижасида республика Давлат бюджетида камомад сезилмоқда. Уни қоплаш ва тенглаштириш учун 1985 йилдан буён Иттифоқ бюджетидан ҳар йили дотация ажратилиб берилмоқда. Келгуси 1989 йилги лойиҳада дотация 1985 йилга нисбатан 5 баравардан зиёд ортади.

Бюджетнинг камомадига, биринчидан, молиявий интизомни бузиш, мавжуд товар-материал, меҳнат ва пул ресурсларидан нораціонал, самарасиз фойдаланилганлиги, кўпгина бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар хўжалик ҳисоби талабларига риоя этмаганликлари таъсир қилди. Натижада республика Давлат бюджетининг молиявий базаси секинлик билан ва пастроқ даражада ривожланди.

Республикамиз экономикасининг ўтган икки беш йиллиқдаги ривожланиш якунларини таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, республика халқ хўжалигида ишлаб чиқариш планларини бажаришдаги кўрсаткичлар нисбатан дуруст бўлса-да, молиявий кескинлик йил сайин кучайиб борди. Бу ҳол агросаноат комплекси, қайта ишлаш ва қурилиш тармоқларида, айниқса, сезиларли бўлди.

Кўпгина корхоналар фойда олиш планларини бажармаслиги, зарар кўриб ишлаётганлиги, пландан ортиқча харажатларга йўл қўйилиши сабабли республикадаги хўжаликларнинг талайгина қисми ўз оборот маблағларидан маҳрум бўлдилар. 1976 йилнинг 1 январигача ўз оборот маблағлари белгиланган нормага нисбатан атиги 5 процент миқдорида етишмаган бўлса, 1986 йилнинг 1 январига келиб бундай маблағлар энди 40 процентдан кўпроқ етишмас эди.

Шундай аҳволда оборотнинг актив қисмидан ўз оборот маблағларини планда кўзда тутилмаган мақсадларга жалб этиш 1986 йилнинг 1 январига нормативнинг 60 процентини ташкил этди. Буларнинг ҳаммаси бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар анчагина қисмининг молиявий жиҳатдан доимий қийинчиликларга дучор бўлишига олиб келди. Улар ҳатто ўз оборот маблағларини тўлдириш учун ҳам, банкдан кредитлар олиб, уларни ўз вақтида қайтара олмайдилар ва маҳсулот етказиб берувчилар билан нормал ҳисоб-китоб юрита олмайдилар. Ҳозир маҳсулот етказиб берувчиларга қарз 2,2 миллиард сўмни ва банк ссудалари бўйича қарз эса 970 миллион сўмни ташкил этади. Хуллас, ишлар қилинди, планлар бажарилди-ю, шунга қарамасдан қарзлар кўпайиб борди, ишлаб чиқариш самарадорлиги секинлик билан ўсди.

Иккинчидан — ички ликвидбозликка қарши чора-тадбирлар ўтказилиши муносабати билан олинмай қоладиган даромадларни халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг турларини янгилаш ва сифатини ошириш сурўатларини жадаллаштириш, халқ истеъмоли моллари етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятларга қатъий риоя этиш ҳозир шундай моллар ишлаб чиқараётган барча корхоналар учун белгиловчи мезон бўлиб қолиши керак.

Бюджетнинг хусусиятлари тўғрисида гапирганда шуни ҳам назарда тутиш керакки, келгуси йилдан бошлаб оборот солиғининг 30 процентигача бўлган ўсиши енгил саноат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун меҳнат коллективларини рағбатлантиришда, шунингдек, нопрофиль корхоналарда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган қувватларни яратишда фойдаланишга рухсат берилди.

Фойда — хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичи ва хўжалик ҳисоби талабларини мустаҳкамлаш манбаидир. Республика халқ хўжалиги барча тармоқларидаги корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар бўйича фойдани ўстириш 10,7 процент миқдорида лойиҳалаштирилган.

Умуман фойданинг 60 процентидан кўпроғи бирлашмалар билан корхоналар ихтиёрида қолади, фойдадан бюджетга тўловлари эса ўтган йилга нисбатан 4,5 процент камайтирилади. Ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва иқтисодий рағбатлиришни таъминлаш, хўжалик ҳисоби принципларини жуда тўлиқ жорий этиш учун аниқ имкониятларни яратиш, молиявий аҳволни яхшилаш мақсадида шундай қилинди.

Республикани молиявий соғломлаштириш программасини амалга ошириш ҳозирдаёқ ўз самарасини кўрсатмоқда. Баъзи молиявий кўрсаткичларни яхшилаш тенденцияси намоён бўлиб қолди. Аммо бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари янгича хўжалик юритиш усулларини жорий этишда яна ҳам зўр ғайрат ва собитқадамлик билан фаолият кўрсатганлари тақдирда натижалар яна ҳам салмоқлироқ бўлиши мумкин эди. Республика Давлат агросаноат комитети (Антонов, Умаров), Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети (Турсунов), Давлат қурилиш комитети (Темкин), Енгил саноат министрлигининг (Таймазов) кўпгина коллективларида хўжасизликка ва исроф-гарчиликка қарши кураш ҳамон қониқарсиз олиб борилмоқда. Унумсиз харажатлар ва нобудгарчиликлар ҳали ҳам юқори даражада қолмоқда, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш давом этмоқда, натижада мазкур тармоқларнинг кўпгина корхоналари ва ташкилотлари паст рентабеллидир, 772 та коллектив эса зарар кўриб ишламоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси халқ хўжалигида рентабеллик пастлиги сабабли вужудга келган аҳволнинг кескинлигига асло етарли баҳо берилмаётганлигидан далолат бериб турибдики, булар туб иқтисодий ислоҳот талабларига мутлақо зид бўлиб, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтишга тўсқинлик қилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика халқ хўжалиги бир қанча тармоқларидаги корхоналар ва ташкилотларнинг зарар кўриб ишлашини туғатиш чоралари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, зарар кўраётган ҳамда паст рентабелли корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар, муассасаларнинг ишини синчиклаб текшириб чиқишни ва зарар кўришни асосан шу йил охиригача туғатиш чораларини амалга оширишни талаб қилди. Ишда зарар кўришни бартараф эта олмайдиган барча корхоналар ва ташкилотларни аниқлаш, уларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам меҳнат коллективлари билан бирлаштиришга, корхоналарни ижарага бериш ёки уларни туғатишга доир тавсиялар ишлаб чиқишни таъминлаш таклиф қилинди.

Шуни қайд этиб ўтиш зарурки, план ва бюджет лойиҳасида кўзда тутилган тадбирларни пул билан таъминлаш учун уларни амалга оширишда давомида қўшимча 500 миллион сўмдан кўпроқ маблағни сафарбар этиш талаб қилинади. Молиявий натижалар юзасидан план топшириқлари бажарилишини таъминлаш планда кўзда тутилган зарар кўрувчи корхоналарни камайтириш ҳисобига 70 миллион сўмдан кўпроқ маблағни сафарбар қилиш имконини беради.

Министрликлар ва идораларнинг 1989 йилги молиявий планларида ҳамда маҳаллий Советлар бюджетларининг даромадларида ички моддий ва пул ресурсларини 335 миллион сўм ҳажмида сафарбар этиш топшириқлари белгиланган. Уларни бажариш учун ҳар бир бирлашмада, корхона ва ташкилотда таҳлилий ҳамда иқтисодий ишларни кучайтириш, резервларни аниқлаш ва танг жойларни туғатишга доир таклифларни тайёрлаш зарур. Асосий ва оборот фондларини инвентаризация қилиш, уларнинг ишлаб чиқариш оборотида самарали қатнашиши даражасини аниқлаш, бунда товар-моддий бойликларнинг нормативдан ташқари запасларини камайтириш йўлларини кўриб чиқиш, ресурсларни сарфлашда реал тежамкорликка эришиш керак бўлади.

Бу соҳада республика Агросаноат ва Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетлари ҳамда Енгил саноат министрлиги бу ишларни тўла амалга ошириш учун тадбирий чоралар кўриб чиқишлари зарур.

Депутат ўртоқлар!

1989 йилда меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий талаб-эҳтиёжларини тобора тўлиқроқ қондириш йўлида янги катта қадам қўйилади.

1989 йилги Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг харажатлари қуйидаги йўналишларда планлаштирилмоқда:

Халқ хўжалигига сарфланадиган умумий маблағ — бюджетдан бериладиган маблағлар, корхоналарнинг ўз маблағлари ва банк кредитлари шу йилга нисбатан 22,1 процент ортади ва 10890,4 миллион сўмни ташкил этади. Шу маблағнинг 4389,4 миллион сўми бюджет маблағлари бўлиб, бу маблағлар республика Олий Совети 1988 йил учун тасдиқлаганига қараганда 636 миллион сўм ёки 17,2 процент кўпдир.

План ва бюджетда экономиканинг етакчи тармоғи-саноатга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу тармоққа сарфланадиган маблағлар халқ хўжалиги билан аҳолининг турмуш даражасини анча ошириш имконини беради. Барча манбалар ҳисобидан капитал қурилишни маблағ билан таъминлашнинг умумий ҳажми 3 миллиард 990 миллион 600 минг сўм миқдорида белгиланади. Бу ишга бюджетдан 1 миллиард 931 миллион 200 минг сўм сарфлаш режалаштирилмоқда.

Келгуси йил шароитларига мувофиқ капитал маблағ сарфлаш сиёсатининг бир қанча принципиал хусусиятлари бор. Ресурсларни имкони борича кўпроқ марказлаштириш, айни бир вақтда қурилаётган объектларни кескин қисқартириш ва чала қурилишларни камайтириш вазифаси қўйилмоқда. Ҳолбуки, ҳозир 3 миллиард 650 миллион сўмликдан кўпроқ ҳажмдаги қурилишлар чала ётганини таъкидлаб ўтмоқ керак. Неча юз миллион сўмлик беҳуда банд бўлиб ётган моддий бойликлар ва меҳнат сарфи халқ хўжалиги оборотида қатнашмаяпти.

Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш министрликларида чала ётган қурилишлар йиллик капитал маблағ ҳажмидан 25—65 процент, собиқ Бинокорлик материаллари саноати ҳамда Мебель ва ёғочсозлик саноати министрликларида эса уч баравардан зиёд ошиб кетди.

Капитал қурилишдаги асбоб-ускуналар ва материалларнинг нормативдан ортиқча запасларини анча қисқартириш мақсадида бюджет лойиҳасида ички ресурсларни ишга солиш топшириғи белгиланган, бу топшириқнинг бажарилиши капитал қурилишни пул билан нормал таъминлаш имконини беради. Капитал қурилишга ажратилган пул маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини чамалаб кўриб, улардан фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, социал соҳани ривожлантириш сурўатларини ошириш каби комплекс программаларни бажариш мақсадида фойдаланиш лозимлиги эътиборга олинди.

Уй-жой муаммосини ҳал этиш социал программанинг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Партиямиз 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки шахсий уй-жой билан таъминлаш эришиш вазифасини ўртага қўйди.

Турар жой муаммосини ҳал этиш эса уй-жой-коммунал хўжалигининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, унинг барча ташкилотлари рентабеллигини таъминлаш заруратини келтириб чиқаради.

1989 йилда **уй-жой-коммунал хўжалиги** эҳтиёжлари учун бюджетнинг ўзидан 427 миллион 400 минг сўм ажратиш режаси тузилмоқда. Бир қанча хўжаликлар — иссиқлик таъминоти, электр транспорти ва шу кабилар учун қилинадиган харажатлар даромадлардан ошиб кетаётганлиги сабабли улар нинг фаолиятидан кўриладиган зарарнинг ўрнини қоплаш учун бюджетдан 39 миллион сўм маблағ ажратиш мўлжалланган. Бюджетдан ва фойдадан идораларга ва маҳаллий Советларга қарашли уй-жой фондини сақлаш ва капитал ремонт қилиш харажатларини қоплаш учун анча маблағ сарфланади. Шуни айтиш кифоя қиладики, республикада ҳар квадрат метр уй-жой фондини капитал ремонт қилиш чиқимлари йилига 3 сўмдан ошади. Бу эса квартира ҳақи ставкасидан салкам икки баравар кўпдир.

Савдо соҳасида ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишда уларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, унумсиз харажатлар ва исрофгарчиликларни камайтириш, ресурсларнинг сақланишини таъминлаш, улардан оператив ва оқилона фойдаланиш соҳасида аниқравшан чора-тадбирлар белгиланмоқда. Даромадларнинг 90 процентидан кўпроғи ёки бошқа тармоқларга нисбатан анча кўп қисми уларнинг ўз ихтиёрида қолдирилмоқда.

Пулли хизматлар кўрсатиш асосий иши бўлмаган меҳнат коллективларининг манфаатдорлигини имкони борича кучайтириш мақсадида хизмат кўрсатиш туфайли олинадиган фойданинг ўсган қисми ходимларни рағбатлантириш, моддий-техника базасини кенгайтириш учун ва аҳолига пулли хизматни кенгайтиришга оид бошқа тадбирлар учун шу коллективларнинг ихтиёрида қолдирилади.

Пул муомаласини мустаҳкамлаш масалаларида бу тармоқларга муҳим роль ажратиб берилаётганлиги партиямизнинг социал программасининг таркибий қисми ва иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли ривожланишдаги муҳим шартидир.

1989 йилги пул муомаласи соҳасидаги топшириқларга келганда, улар ҳаддан ташқари тиғиз қилиб белгиланганини тан олмоқ керак. Аҳолининг пул даромадлари билан харажатларини тўла тенглаштириш кўзда тутилган, бунинг маъноси шуки, муомаладаги пул миқдори билан аҳолига сотиладиган мол ва кўрсатиладиган хизматлар миқдори ўртасидаги тенгликни таъминлаш керак. Бунинг учун бозорни сифатли ва харидорларга ёқадиган моллар билан таъминлаш лозим. Муомалага ортиқча пул чиқармай ишламоқ учун ҳар бир шаҳар ва райондаги халқ депутатлари Советлари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва пулли хизматлар кўрсатиш планларини бажариш чораларини кўришлари керак.

Меҳнат унумдорлигини оширишда иш ҳақининг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришдан иборат асосий мақсадни кўзлаб, иш ҳақи фондининг сарфланишини барча поғоналарда доимо назорат қилиб туриш зарур.

Бу йил янги тариф ставкалари ва окладлари жорий этилган бўлса ҳам, баъзи тармоқларда бу тадбирлардан тўзуқроқ самара олинмади, ҳозирча меҳнат унумдорлигини оширишга эришилмади.

Депутат ўртоқлар!

Партиямиз билан ҳукуматимиз совет халқининг социал эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш, ҳар томонлама қамров топган, маънавий бой шахсни вояга етказиш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар. Бу ғамхўрлик социал-маданий тадбирларга ажратиладиган маблағ йил сайин кўпайиб бораётганлигида ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон ССР 1989 йилги Давлат бюджетининг лойиҳасида бу ишларга 5 миллиард 378 миллион 800 минг сўм сарфлаш режалаштирилмоқда. Бу маблағ республика Давлат бюджети жами ҳажмининг қарийб 54 процентига тенг келади.

Халқ таълимига ва маданиятга бюджет лойиҳасида 2 миллиард 951 миллион 900 минг сўм сарфлаш кўзда тутилган. Шундан 53 миллион сўмдан кўпроғи олий мактабни қайта қуриш тадбирларининг биринчи босқичини ўтказишга, ўрта ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг моддий таъминоти янги нормаларини жорий қилишга сарфланади.

Партия билан давлатимиз медицина хизматининг сифатини тубдан яхшилаш ҳақида муттасил ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. 1989 йилги бюджетда **соғлиқни сақлашни пул билан таъминлаш** учун 1 миллиард 296 миллион 700 минг сўм сарфлаш ёки бу харажатларни 11,3 процент ошириш белгиланган.

Бир қанча шифохоналарда ва болалар санаторийларида 1989 йилдан бошлаб беморларнинг овқатланиши учун қилинадиган харажат нормалари оширилади. Медицина асбоб-ускуналарини сотиб олиш учун бюджетда ажратилган маблағ кўзда тутилган. Соғлиқни сақлаш ходимларининг иш ҳақини ошириш учун 55 миллион сўмга яқин пул сарфланади.

Физкультура харажатларини 19 процент кўпайтириш планлаштирилмоқда.

Социал таъминот ва социал страхование системаси совет кишиларининг фаровонлигини узлуксиз ошириш тадбирларини кўзлайди. Бу мақсадлар учун 1989 йилда бюджетдан қилинадиган харажатлар 1 миллиард 122 миллион 900 минг сўмни ташкил этади, бу маблағнинг анчагина қисми ишламайдиган пенсионерларга пенсия тўлаш учун ажратилади.

1989 йилда республикада 145 та социал ёрдам бўлими ишлайди. Улар 11 минг 600 ёлғиз, кекса ва меҳнатга лаёқатсиз гражданларга хизмат қилади.

Бироқ ҳисобот маълумотлари, текшириш ва ўрганиш материаллари ҳамма жойда ҳам социал соҳага ажратилган маблағдан самарали фойдаланилмаётганини кўрсатиб турибди. Республика соғлиқни сақлаш ва халқ таълими муассасалари фойдали ва тўйимлироқ маҳсулотларни етарли миқдорда олмаяптилар, натижада овқатнинг калорияси пасаймоқда.

Қорақалпоғистон АССР, Самарқанд ва Сирдарё областларининг мактабгача тарбия муассасаларининг кўпчилигида бу йил соғлиқни сақлаш тадбирлари яхши ташкил этилмаганлиги сабабли овқатланиш учун ҳақиқатда сарфланган маблағ нормадан камроқ бўлди.

Ўзбекистон ССРнинг 1989 йилги Давлат бюджети лойиҳасида **бошқарув органларини пул билан таъминлашга** бюджет харажатлари умумий ҳажмининг 0,9 проценти миқдорида маблағ ажратиш мўлжалланган.

Республикада бошқаришнинг ташкилий структураларини қайта қуриш, раҳбарликнинг иқтисодий усулларини кенгайтириш, социал-иқтисодий ривожланишга комплекс ёндашишни таъминлаш соҳасида катта иш қилинди.

Бошқарувнинг бош схемасини жорий этиш умуман республикада бошқарув аппаратининг сонини 21 минг кишидан зиёдроқ қисқартириш ва уларнинг 38 миллион сўмдан кўпроқ иш ҳақи фондини тежаш имконини беради. Хўжалик эҳтиёжларига ва командировка харажатларига ишлатиладиган маблағни қисқартириш йўли билан бюджетнинг анчагина маблағи тежаб қолинади. Бу иш бундан кейин ҳам давом эттирилади.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезднинг қарорларига мувофиқ 1989 йилги план ва бюджетда Қорақалпоғистон автоном республикасида, барча областларда ва Тошкент шаҳрида экономика ва маданиятни, халқ фаровонлигини муттасил ошириш юзасидан янги тадбирлар белгиланган.

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри бюджетларининг лойиҳалари Ўзбекистон ССРнинг 1989 йилги Давлат бюджетига жами 3 миллиард 960 миллион 500 минг сўм миқдорида, яъни Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1988 йил учун тасдиқлаб қўйганига нисбатан 5,4 процент кўп қилиб киритилган, шу жумладан:

	(миллион сўм)
Қорақалпоғистон АССР	330,5
Андижон области	321,0
Бухоро области	233,0
Қашқадарё области	272,6
Наманган области	270,1
Самарқанд области	476,9
Сурхондарё области	232,7
Сирдарё области	303,3
Тошкент области	372,5
Фарғона области	376,3
Хоразм области	199,4
Тошкент шаҳри	572,2

Республиканинг Давлат бюджети умумий харажатларида маҳаллий бюджетларнинг харажатлари 39,6 процентни ташкил қилади.

Халқ депутатлари Советларининг ҳуқуқлари кенгайтирилганлиги, илгари Иттифоқ ва республика бюджетларига тушадиган даромадларнинг, шунингдек, агросаноат комплекси тўловларининг бир қисми уларга бириктириб қўйилганлиги маҳаллий бюджетларнинг ҳажмлари кўпайишига имкон берди. Буларнинг ҳаммаси эса, ўз навбатида марказ билан маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга кўмаклашади.

1989 йилда Қорақалпоғистон АССР бюджетига 93,3 миллион сўм, Сирдарё области бюджетига 38,1 миллион сўм дотация берилади.

Буларда социал-маданий тадбирларни пул билан таъминлаш харажатлари кўпайганлиги, агросаноат комплексини пул билан таъминлаш уларга топширилганлиги ва ўз даромадлари етишмаслиги сабабли қўшимча маблағ бериладиган бўлди. Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Андижон каби областлар бюджетларининг харажатлари ўз даромадлари билан атиги 15-18 процент қопланади, холос, қолган қисми Умумиттифоқ солиқлари ва даромадларидан кўзда тутилган ажратмалар ҳисобига қопланади.

Шунинг учун ҳам халқ депутатлари Советлари ўзларининг даромад манбаларини қидириб топиш ва кўпайтириш билан доимо шуғулланишлари керак. Ҳолбуки, ҳамма жойда ҳам маҳаллий органларнинг корхоналар иши натижаларидан моддий манфаатдорлиги ва қарамлигини ошириш юзасидан лозим бўлган чора-тадбирлар амалга оширилмаяпти.

Ҳозир ҳаёт регионлардаги молиявий ишларни соғломлаштириш тадбирларини қатъият билан амалга ошириш заруратини тақозо этмоқда, чунки маблағларни юқори органлардан олиш эмас, балки ишлаб топиш принципи, тайёрга айёрлик эмас, балки хўжалик ишларига ошқинлик билан ёндашиш принципи тобора кўпроқ даражада амалий тарзда бажарилиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, Советлар маблағни ўзлари ишлаб топган даромадлари миқдоридагина сарфлашлари керак бўлади. Бу ўринда гап регионларни хўжалик ҳисоби принципларига ўтказиш ва уларнинг Умумиттифоқ программаларини ҳал этишга қўшадиган ҳиссасини аниқ белгилаб қўйиш ҳақида бормоқда.

Ҳозирги вақтда эса территориялар, тармоқлар ва корхоналарнинг молиявий ўзаро муносабатлари системасини пухта йўлга қўйиш ва текшириш соҳасидаги ишлар ўтказилмоқда. Келгуси йилдан бошлаб мамлакатимизнинг бир қанча регионларида бюджетлар янгича шароитда тажриба тарзида тузиладиган бўлади. Бу тажрибанинг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир Совет ўз бюджетини иқтисодий нормативлар ва молиявий нормалар асосида мустақил равишда тузади. Ўн учинчи беш йилликдан бошлаб барча иттифоқдош республикалар ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари ўз бюджетларини узоқ муддатли барқарор нормативлар асосида тузишга ўтадилар.

Мана шу механизм тўлатўкис ишлай бошлаши учун регионларнинг янги шароитда, яъни бюджет харажатларини тўла қоплаш учун ўз даромадлари талаб қилинадиган шароитда ишлайдиган бўлишини кўзлаб молиявий асосни вужудга келтириш имконини берадиган хўжалик ҳисоби базасини ҳозирнинг ўзидаёқ мустаҳкамлаш зарур.

Депутат ўртоқлар!

Ўзбекистон ССРнинг 1987 йилги бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳам сизнинг муҳокамангиз ва тасдиғингиз учун ҳавола этилади. 1987 йилги республика бюджети даромадлар бўйича 10 миллиард 163 миллион 804 минг сўм миқдорида ижро этилди ёки 103,7 процент қилиб бажарилди ва харажатлар бўйича 9 миллиард 570 миллион 229 минг сўм миқдорида ижро этилди ёки 97,7 процент қилиб бажарилди, даромадлар харажатлардан 593 миллион 575 минг сўм ортиқ бўлди.

Депутат ўртоқлар!

1989 йилги бюджет жуда тиғиз қилиб тузилган. Уни даромадлар ва харажатлар бўйича бажариш учун хўжалик органлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, министрликлар, идоралар барча мавжуд резервларни сафарбар этишлари, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада кўпроқ ўстиришлари, иқтисодий кўрсаткичлар ва ўзларининг Давлат бюджети олдидаги мажбуриятлари бажарилишини таъминлашлари керак.

Бу ерда бизлар ҳам ўз вазифаларимизни сезиб турибмиз. Молия ва банк органлари, республика министрликлари ҳамда идораларининг иқтисодчи хизматлари ҳозирги экономикани бошқариш услубларини ўзлаштира бориб, корхоналар билан шерикчилик муносабатларини ривожлантириб, молия-кредит системасини қайта қуришда янги сифат силжишларини ҳамда халқ хўжалигини ҳақиқий хўжалик ҳисобига ўтказишни амалга ошира бориб, белгиланган планларни ва Давлат бюджетини бажаришга ўз ҳиссаларини қўшишлари керак.

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПЛАН-БЮДЖЕТ ВА БОШҚА ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ҚЎШИМЧА ДОКЛАДИ

Докладчи — План-бюджет комиссиясининг раиси депутат Ш. ҲОЖИМУРОТОВ

Депутат ўртоқлар! КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларига мувофиқ совет системасини ислоҳ қилиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссиялари ишидаги баъзи янгича ёндашувларни келтириб чиқарди.

Шу йил депутатлар икки марта, август ва октябрь ойларида мутахассисларнинг катта группаси — олимлар, экономистлар билан биргаликда план ва бюджет кўрсаткичларини, халқ хўжалигида қайта қуришнинг қандай бораётганлигини батафсил анализ қилиб чиқиш учун анча узоқ муддатга тўпландилар.

Келгуси йил планида унинг социал йўналишини кучайтиришга, одамларнинг турмуш даражасини оширишга ёрдам берадиган мавжуд резервлар ва имкониятлардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилди.

Депутатлар 1989 йилга мўлжалланган план лойиҳасини қўшимча суратда анча ишлаш, энг аввало унинг бир қанча кўрсаткичларини беш йиллик топшириқлари даражасига етказиш, айрим номутаносибликларни бартараф этиш зарур деб айтдилар. Комиссияларнинг мажлисларида план органларининг фаолиятида катта камчиликлар борлиги кўрсатиб ўтилди, улар иттифоққа бўйсунадиган ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарининг, маҳаллий Советларнинг планни бажаришни ташкил этиш соҳасидаги фаолиятини ҳали бўш уйғунлаштирмоқда. Айниқса социал проблемаларни ҳал қилишда маҳкамачилик нуқтаи назаридан ёндашишга қарши курашда етарли принципиаллик кўрсатмаётир.

Комиссияларнинг хулосалари ўз вақтида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига маълум қилинди, улар ҳақида республика ҳукуматига ахборот берилди. Улар ЎзССР Госпланига план лойиҳасини яна бир бор пухта ишлашни топширдилар.

План-бюджет ва бошқа доимий комиссияларнинг тавсияларини ҳисобга олиб, республика Госплани ишлаб чиқариш қувватларидан ва моддий ресурслардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига саноат маҳсулоти ҳажмини 298 миллион сўмлик кўпайтириш ва тўрт йиллик сумма бўйича беш йиллик топшириқлари даражасига чиқиб олишга муваффақ бўлди. Қўшимча суратда ишлаш қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ялпи ҳажмини 170 миллион сўмлик, автомобиль транспортида юк ташиш ҳажмини 20 миллион тонна, халқ истеъмоли моллларини 264 миллион сўмлик, чакана товар оборотини 180 миллион сўмлик кўпайтириш имконини берди. Бу эса миллий даромад ҳосил қилишни 362 миллион сўмлик ошириш имконини берди. Кўринаётган турибдики, бир қанча масалалар юзасидан ижобий ечимлар топилди.

1989 йил плани лойиҳаси юксак, лекин мутлақо реал марраларни қўлга киритишга қаратилган, унинг энг муҳим хусусияти аҳолининг социал эҳтиёжларини қондириш томонига кескин бурилиш юборишдан иборатдир. Фойдаланиладиган миллий даромадда истеъмол фондини 941 миллион сўм, ёки 5 процент кўпайтириш мўлжалланмоқда, бу ҳол маориф, соғлиқни сақлашга, маданият муассасаларини ривожлантиришга кўпроқ маблағ ажратиш имконини беради.

Сессия муҳокамасига тақдим этилган Ўзбекистон ССРнинг 1989 йилги давлат бюджети, доимий комиссияларнинг фикрича, планда белгиланган тадбирларни маблағ билан таъминлайди.

Лекин келгуси йилнинг плани бошқа хусусиятларга ҳам эга. Аввало шуни таъкидлаш керакки, план анча тиғиз қилиб тузилган ва шу сабабли уни муваффақиятли бажариш учун хўжалик юритишнинг янги системаси афзалликларидан максимал даражада фойдаланишга ва ижара пудратини жорий этишга асосланган янгича ёндашувларни излаш талаб қилинади.

Шу муносабат билан депутатлар фикрича муҳим аҳамиятга эга бўлган баъзи проблемалар устида қисқача тўхталиб ўтишга рухсат бергайсиз.

Тайёргарлик комиссиялари меҳнат коллективларининг тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитидаги ишининг дастлабки якунларини эътибор билан анализ қилиб чиқдилар. Ана шу принциплар асосида республикада ҳозир 2170 дан ортиқ корхона ва ташкилот ишламоқда. Уларга ишлаб чиқариш ҳажмларининг бошқаларга қараганда юқори суръатлар билан ўсиши, фойда олиш планларини ошириб бажариш хосдир.

Шу билан бирга тасдиқланган беш йиллик план доирасида ташкил топган нормативларни белгилашнинг мавжуд практикаси, корхоналар ишлаб топган фойданинг кўпчилик қисми министрликлар ва бюджет фойдасига олиб қўйилиши, нарх белгилашда йўл қўйилган жиддий хатолар хўжалик юритишнинг янги усуллари имкониятларини анча чегаралаб қўймоқда, янада юқорироқ натижаларга эришишга халақит бермоқда.

1989 йил плани асосий кўрсаткичлари бўйича тайёргарлик комиссиясининг аъзолари моддий-техника таъминоти системасида вужудга келган секинлашиш механизмини катта ташвиш билан кўрсатиб ўтдилар. Кўпгина ҳолларда корхоналар фақат шартномалардагина эмас, балки давлат буюртмасида ҳам кўзда тутилган маҳсулотни чиқариш учун хом ашёни, комплектловчи буюмларни гарантияланган тарзда олиш имкониятларидан маҳрумдирлар. ЎзССР Госснаби органлари ишида бир қатор муҳим масалалар пухта ишлаб чиқилмаганлиги туфайли улгуржи савдо жуда секин ривожланмоқда, унинг ҳажми бутун республика бўйича ҳали ҳам 4—5 процентдан ошмайди. Бунинг натижасида таъминотнинг «карточка» системаси ҳозирча батамом сақланиб қолмоқда.

Маълумки, 1989 йил 1 январидан бошлаб ҳамма корхоналар тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтади. Шу сабабли бунга пухта тайёргарлик кўриш шу куннинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. Хўжалик ҳисобини жорий этиш йўлидаги ҳамма тўсиқларни олиб ташлаш учун янги шароитда ишлаш сабоқларини ҳисобга олиш зарур.

Доимий комиссиялар хўжалик ҳисобининг самарали формаси бўлган ижара пудратини анча кенг жорий этишни тавсия қиладилар.

Комиссияларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш комплекс программаси қандай бажарилаётганлигига алоҳида эътибор берилди. Енгил саноатнинг бир қанча асосий буюмлари бўйича республика аҳолисининг оқилона эҳтиёжлари 30—60 процент қондирилмоқда. Программада белгиланган топшириқлардан ЎзССР Енгил саноат министрлигининг эмас, балки умумиттифоқ қарамоғидаги кўпгина корхоналар ҳам жиддий орқада қолмоқдалар. Бу ҳол аҳоли эҳтиёжларини қондирилмаслигига ва таъминланмаслигига, аҳоли даромадлари билан харажатларининг ўсишидаги номутаносибликка, экономикада пулнинг қадрсизланиши жараёнлари юз беришига олиб келмоқда.

Саноат комиссияси бозорни товарлар билан таъминлаб туришдаги вазиятни, Енгил саноат министрлиги программасининг хом ашё ресурслари билан таъминланганлигини (очиқ айтиш керакки, у мутлақо етарли эмас) шунингдек корхоналарнинг ички резервларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, енгил саноат бўйича жуда ҳам тиғиз бўлган планга рози бўлишга қарор қилди. Масалан, депутатлар ускуналар самарадорлигини 0,1 процент оширишнинг ўзигина қўшимча суратда 200 миллион сўмлик товарлар олиш имконини берган бўлур эди, деб кўрсатдилар. Енгил саноат министрлиги бу масалаларни Госплан билан яқин ҳамкорликда, республика маҳаллий Советларининг ёрдамида ҳал қилиши керак.

Комиссия «А» группаси корхоналарида товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга хўжалик юритишнинг янги прогрессив формаларини жорий этиш ёрдам беради деб ҳисоблайди. Мана шу долзарб вазифани ҳал қилишга корхоналар билан маҳаллий Советлар ўртасида бир томондан товарлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва иккинчи томондан, Советларнинг меҳнат коллективлари илгари сураётган масалаларни ҳал қилиши юзасидан ўзаро мажбуриятлар олишни назарда тутувчи шартнома муносабатларини жорий этиш кўп жиҳатдан ёрдам берган бўлур эди.

Депутатларнинг фикрича, ЎзССР Госплани ва Госснаби «А» группаси корхоналарида товарлар ишлаб чиқаришни яхшироқ координация қилишлари, кооперация моддий-техника таъминоти масалаларини оператив ҳал қилишлари керак.

Шу билан бирга комиссиялар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети комплекс программа топшириқларнинг бажарилишини контрол қилишни кучайтириши керак, деб ҳисоблайдилар. Халқ хўжалик комплекси тармоқларида қайта қуришнинг борини ҳукумат томонидан мана шу ғоят муҳим социал проблеманинг ҳал қилиниши билан чамбарчас боғлаб баҳоланиши керак.

Айрим министрликлар, корхоналарнинг ўз идоравий манфаатларини меҳнаткашлар ҳисобига қондириш йўлидаги уринишлари алоҳида эътиборга лойиқ. Депутатлар ихтиёридаги материаллар шундан далолат бериб турибдики, масалан, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги бир қанча товар группалари бўйича, шу жумладан болалар ассортиментидаги товарлар бўйича кўп жиҳатдан план ҳажмларининг кўпайишига уларнинг натурал ҳолида ишлаб чиқариш суръатларини ошириш ҳисобига эмас, балки нархларни ошириш ҳисобига эришмоқда. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Икки йилдан камроқ вақт мобайнида ўғил болалар пальтолари 8 сўм 55 тийин, ўқувчилар формаси 2 сўм 60 тийин қимматлашди, 1985 йилдагига қараганда эркаклар костюмларининг ўртача нархи 8 сўм, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси эркаклар енгил пальтосининг нархи 11 сўмга ошди ва ҳоказо. Бунда улар сифатини яхшилашда алоҳида ўзгаришлар бўлгани йўқ.

Комиссиялар кооператив ҳаракатига ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятига раҳбарликни тубдан яхшилаш керак деб ҳисоблайдилар. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари кооперативлар ташкил этишга янада конкретроқ раҳбарлик қилишлари, товарлар ва хизматларга бўлган тақчилликни камайтиришга кўмаклашаётган кооперативларга бутун чоралар билан ёрдам беришлари керак. Республика ҳукумати аҳолини барча зарур нарсалар билан таъминлашда қўшимча қийинчиликлар туғдирмаслик учун кооперативларни улгуржи корхоналар орқали моддий ресурслар билан таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қилиши керак.

Депутатлар Озиқ-овқат программасининг бажарилишини қараб чиқиб, экономиканинг аграр секторида янги иқтисодий муносабатлар, коллектив пудратнинг турли формалари, шу жумладан ижара пудрати ривожланиши туфайли очилаётган катта-катта имкониятларни таъкидлаб кўрсатдилар, пахта экиладиган майдонларнинг бир мунча қисқартирилиши алмашлаб экишни жорий этиш, озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун реал шароитлар яратади.

Ҳозир республика аҳолисининг картошкага бўлган эҳтиёжи 60 процент миқдоридагина таъминланмоқда, ўзи ишлаб чиқариш ҳисобига эса аҳоли жон бошига нормадаги 45 килограмм ўрнига фақат 19 килограмм картошка олинмоқда. Комиссиялар республика Госпланига ва Давлат агросаноат комитетига республика областларида мана шу қимматли экин майдонларини кенгайтириш имкониятларини излаб топиш соҳасидаги ишни давом эттиришни тавсия қилдилар.

Депутат ўртоқлар! Ушбу сессияга тайёргарлик жараёнида комиссияларда Ўзбекистон ССР Уй-жой программасини бажариш қандай бораётганлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди. Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ҳамда уй-жой коммунал хўжалиги комиссиялари қурилиш конвейери ишида ҳозирча керакли маромга эришилгани йўқ, деб ҳисоблайдилар. Уй-жой программасида кўзда тутилган топшириқларгина эмас, балки уй-жойлар қуриш планлари ҳам бажарилмаётир. Бундай аҳволнинг муҳим сабабларидан бири шуки, ажратилган фондлар охиригача реализация қилинмаганлиги ва асосий қурилиш материаллари етказиб берилмаганлиги бўлди. План баланслаштирилмаганлиги сақланиб қолмоқда. 1989 йилда уй-жой қурилишига ажратиладиган маблағни 124 миллион сўм ёки 7,5 процент кўпайтириш мўлжалланмоқда. Корхоналарнинг ўз маблағи ҳисобига ҳам, хўжалик усули билан ҳам қурилиш ҳажмлари анча ошади. Бироқ бу ҳажмлар зарур ресурслар билан тўла таъминланган эмас. Ҳозирнинг ўзидаёқ цемент, ғишт, трубалар, шифер ва ҳоказолар етишмаётир.

Уй-жой қурилишини жадаллаштириш ҳар бир корхона, ташкилот, халқ депутатлари маҳаллий Советининг энг устун вазифаларидан бири бўлиб қолиши керак. Республика Госплани, Госснаби планнинг моддий-техника ресурслари билан тўла балансли бўлишини таъминлашлари, Давлат қурилиш комитети эса ўзига қарашли корхоналарнинг янада уйғун ишлашини таъминлаши зарур. Министрликлар, идоралар, маҳаллий Советлар қурилиш индустрияси корхоналари қувватларидан фойдаланишни яхшилаш тўғрисида, маҳаллий бинокорлик материаллари, шу жумладан ғишт, оҳак, инерт материаллар ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак. Мана шу вазифаларни ҳал қилишга маҳаллий саноат, колхозлар, совхозлар, маҳаллий хом ашё ва саноат ишлаб чиқариши чиқиндиларини қайта ишловчи кооперативлар анча активроқ жалб қилиниши керак. Бизнинг республикамизда уй-жойларнинг қарийб ярмини якка тартибда уй қурувчилар кучи билан барпо этиш мўлжалланган. Шу сабабли Госплан, Давлат министрлиги, Ўзбекбирлашув, маҳаллий Советлар қурилиш учун зарур материаллар етарли миқдорда сотувда бўлиши учун чоралар кўришлари керак.

Доимий комиссиялар планнинг транспорт ва алоқага доир қисмини ҳар томонлама қараб чиқдилар. Уларнинг фикрича, Госплан ҳамда Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлиги юк ташиш ҳажмини янада ошириш резервларини етарлича ҳисобга олмаганлар. Бунинг натижасида план кўрсаткичлари беш йиллик топшириқларидан орқада қолмоқда, автомобиль паркининг анчагина қисми бекор туриб қолиши хавфи бор, бу эса ҳосил қилинган миллий даромаднинг ҳажмига салбий таъсир кўрсатади. Шу йил бошидан эътиборан ҳар куни автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлиги системасида 5 минг юк автомобили (жами автомобилларнинг 17,1 проценти), 3,8 минг автобус (22,5 процент), 2 минг енгил такси (21,2 процент) ишламай бекор турди. Транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа комиссияси ёнилғи етишмаслиги туфайли бекор турган автомобиль паркининг бир қисмини газ ва газ конденсати каби ёнилғи турларини самарали жорий этиш йўли билан ишга солишни, корхоналар, кооперативлар ва аҳолига хизмат кўрсатишни кенгайтириш имкониятларидан кенгроқ фойдаланишни тавсия қилди.

Депутатлар республика шаҳарларида ва йирик саноат марказларида пассажир ташишни ташкил этиш даражаси пастлигича қолиб келаётганига Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлигининг эътиборини қаратдилар. Бу ҳол корхоналарнинг бир маромда ишлашига ёмон таъсир кўрсатмоқда, иккинчи ва учинчи сменаларни ташкил этишга тўсқинлик қилмоқда.

Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг пассажирлар ташиш маданиятини ошириш юзасидан кўрилаётган чоралар ҳақидаги ҳисоботини тинглаб ва ана шу масала юзасидан бир йил аввал Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг махсус қарори қабул қилинганлигини эътиборга олиб, депутатлар сессия қатнашчиларига шуни маълум қилишни зарур деб ҳисоблайдиларки, Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг раҳбарлари бу қарорни бажариш учун зарур чоралар кўрилишини таъминламадилар. Билет сотишда, чайқовчилик фактларига барҳам беришда, вокзаллар ва поездларда хизмат кўрсатиш маданиятини оширишда яхшиланиш томонига сезиларли ўзгаришлар юз бергани йўқ. Бир қанча коллективлардаги маънавий-ахлоқий вазият ғайриқонуний ҳаракатларга қарши курашда тартиб ўрнатиш чораларига қаршилик кўрсатаётган уюшган группалар бор деб тахмин қилишга имкон беради.

Комиссиялар Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси ва Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги бўлиб ўтган муҳокамадан зарур хулосалар чиқариб олиши керак деб ҳисоблайдилар.

Депутат ўртоқлар! Юқорида айтиб ўтилганидек, 1989 йил плани лойиҳасида социал йўналишни кучайтириш томон сезиларли қадам ташланди, бироқ кўпгина идоралар ноишлаб чиқариш соҳасини планлаштиришнинг қолдиқ принципидан сусткашлик билан ва истаристамас воз кечмоқдалар. Афсуски, бу ишда республика Госпланининг ташкилотчилик роли етарли намоён бўлмаётир. 1989 йилда 62 минг ўринли мактабгача тарбия муассасаларини ишга тушириш мўлжалланмоқдаки, натижада таъминланиш даражаси 1986 йилдаги 34 процент ўрнига 37 процентни ташкил этади. Яъни, аҳоли сонининг ўсиши ҳисобга олинса, 1986 йил даражасида қолади. Госплан социал масалалар бўйича тайёргарлик комиссиясининг 1989 йилдан бошлаб мактаблар қурилишини камида 275 минг ўрин ҳажмида планлаштириш ҳақидаги тавсиясини эътиборга олмади. Планда эса атиги 202 минг ўрин назарда тутилган бўлиб, бу мутлақо етарли эмас. Тайёргарлик комиссиясида қилинган батафсил таҳлил шуни кўрсатдики, масалан Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети келгуси йил планига 30 минг ўрнига камида 40 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 71 минг ўрнига 75 минг ўринли мактаблар қурилишини киритиш имконига эга. Депутатлар, Давлат агросаноат комитетининг капитал маблағлари ҳажмида соғлиқни сақлашга ажратиладиган маблағлар бор-йўғи 2 процентни ташкил этишига ҳам рози бўла олмайдилар. Комиссиялар Олий Советдан Госплан ва Давлат агросаноат комитетига ушбу сессия давомида бу масалага яна бир бор эътибор беришни топширишни сўрайдилар.

Республика давлат бюджетининг шу йилнинг ўтган даврида бажарилишини таҳлил қилиш бир қанча министрликлар ва маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг ажратилган маблағларни ўзлаштирмаганликларини кўрсатди. План-бюджет комиссияси Халқ таълими министрлиги, Маданият министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг эътиборини бюджет маблағларини овқатланиш, дори-дармонлар, инвентарь ва ускуналар сотиб олиш, мактабларни капитал ремонт қилиш моддалари бўйича ўзлаштириш таъминланмаганлигига қаратади.

Депутат ўртоқлар! Доимий комиссиялар киритилган тузатишларни ҳисобга олиб, республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги давлат плани лойиҳасини тасдиқлашни таклиф қиладилар.

Ўзбекистон ССР давлат бюджетини қараб чиқиш натижасида унинг даромадлар қисмини ҳаммаси бўлиб 9,1 миллион сўмлик кўпайтириш имкониятлари аниқланди. Уларни қишлоқ жойлардаги умумий таълим мактабларининг, халқ депутатлари посёлка ва қишлоқ Советларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашга, шаҳарлар, ишчи посёлкалар ва қишлоқ район марказларини ободонлаштиришга ажратиш таклиф қилинади. Ана шу тузатишлар билан комиссиялар Ўзбекистон ССРнинг 1989 йилги давлат бюджетини даромадлар ва харажатлар бўйича 10003,9 миллион сўм қилиб тасдиқлашни таклиф қиладилар.

Доимий комиссиялар 1987 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни қараб чиқдилар ва уни ҳукумат тақдим этган суммада тасдиқлашни таклиф қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТАТИСТИКА КОМИТЕТИ ХАБАР БЕРАДИ

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ РИВОЖЛАНАВЕРСИН

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ ОЛДИДАН

Қишлоқ хўжалиги — Ўзбекистон халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан биридир. Республика пахта ҳосилининг 60 процентини, пилланинг 60 процентдан кўпроғини, қоракўл терининг 30 процентдан ортиғини тайёрлаб бермоқда. Каноп эса фақат бизнинг республикамизда етиштирилмоқда. Ўзбекистон мева, узум ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг баъзи бошқа турларини умумиттифоқ миқёсида етиштириш соҳасида катта ўринни эгаллаб турибди.

Ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги кўп тармоқли соҳадир. Пахта — асосий қишлоқ хўжалик экинидир. 1988 йилда ялпи пахта ҳосили салкам 5290 минг тоннага етди. Пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам ривожланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

(минг тонна)

	1980 й.	1985 й.	1986 й.	1987 й.
Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти (солиштирма нархларда, 1983 й), миллион сўм	10095,3	10215,3	10014,3	10048,8
Пахта ҳосили	5579,0	5381,8	4989,0	4858,4
Дон	2518,3	1541,2	1247,5	1821,9
Шу жумладан шоли	507,2	482,9	424,1	532,5
Картошка	239,0	240,7	308,6	261,5
Сабзавот	2459,1	23 85,6	2491,1	2557,6
Озуқабоп полиз маҳсулотлари	1046,3	790,0	626,0	775,7
Мева ва резавор мева	702,3	633,0	660,1	604,0
Узум	496,6	635,6	695,5	651,9
Гўшт сўйилган вазнда	330,5	386,0	385,8	404,1
Сут	2265,5	2438,8	2505,3	2649,5
Тухум миллион дона	1460,6	1947,7	2042,0	2218,4
Жун (физик вазнда)	20,7	23,5	23,5	24,3

1988 йилнинг 1 январигача республикада 1052 та совхоз, 855 та колхоз ва 137 та хўжаликлараро қишлоқ хўжалик корхонаси бор эди. Республика қишлоқ хўжалигида 200 мингтага яқин трактор, 38 мингта пахта териш машинаси, 11 мингта дон йиғиштириб оладиган комбайн ва бошқа кўплаб техника бор. Қудратли ишлаб чиқариш потенциали вужудга келтирилди. 1988 йилнинг бошларида қишлоқ хўжалигидаги асосий ишлаб чиқариш фондлари 19,4 миллиард сўмга етди. Меҳнатнинг фонд билан таъминланиши ва қуролланиши ўсди, фонд самарадорлиги эса пасаймоқда: 1980 йилга нисбатан фонд самарадорлиги деярли 43 процент камайди. 1987 йилнинг 1 январигача энергетика қувватлари 286,49 минг от кучини ташкил этди.

Республикада зарар кўриб ишлаётган колхоз ва совхозлар ҳамон кўпдир. 1988 йилнинг 1 январигача 291 та шундай колхоз ва совхоз бор эди. Чорвачилик ҳамон зарар кўрмоқда.

Агар 1980 йилда колхозларда чорвачилик кўраётган зарар 3 процентни, совхозларда 4,5 процентни ташкил этган бўлса, 1987 йилда бундай зарар колхозларда 6,6 ва совхозларда 5 процентни ташкил этди.

Ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили давомида ўн биринчи беш йиллик мобайнидаги ўртача йиллик даражага нисбатан деҳқончилик асосий маҳсулотлари етиштириш камайди. Чунончи, пахта етиштириш 235,3 минг тонна ёки 4,6 процент, дон 915,5 минг тонна, озуқабоп полиз маҳсулотлари 229,4 минг тонна камайди. Ўтган беш йилликдагига нисбатан камроқ шоли, картошка ва мева етиштирилди. Асосий қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ҳамон паст даражада қолмоқда. Ўн иккинчи беш йиллик давомида пахта, дон, шоли, картошка, сабзавот, озуқабоп полиз маҳсулотлари, мева ва узумнинг ўртача йиллик ҳосилдорлиги пасайди.

Республикада чорвачилик суст суръатлар билан ривожланмоқда, маҳсулот етиштириш даражаси озиқ-овқат программаси топшириқларига мос келмаяпти ва аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган ўсиб бораётган талабини таъминламаяпти. Моллар яхши семиртирилмаётганлиги, вазни паст кондициялардаги қора моллар реализация қилинаётганлиги, озуқа билан яхши таъминланмаганлиги, озуқанинг сифати яхши эмаслиги ва балансланмаганлиги кам ғўшт етиштиришга сабаб бўлмоқда. 1988 йилнинг 1 ноябригача ҳар бош қорамол ҳисобига ҳисоблаганда барча озуқа 1987 йилнинг худди шу давридаги 9,7 центнерга нисбатан, 9,3 центнер озуқа бирлигини ташкил этди.

Кейинги йилларда республикада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш муттасил кўпаймоқда. Чунончи, 1987 йилда 1980 йилдагига нисбатан гўшт тайёрлаш 58 процент, консерва тайёрлаш 56 процент, қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти 36 процент, мол ёғи 28 процент, ўсимлик мойи 24 процент, колбаса маҳсулотлари 15 процент кўпайди. 1988 йилда ҳам бир қанча озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кўпаймоқда.

Айни пайтда республика аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда ўсишга эришиш билан бирга ўртача иттифоқ даражасидан анча орқада қолмоқда: СССРда Ўзбекистон ССР аҳолисининг солиштирма салмоғи салкам 7 процент бўлгани ҳолда гўшт, қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти етиштириш 2 процентни, мол ёғи 1 процентни, консерва 5 процентни, кондитер маҳсулотлари 4 процентни, ташкил этмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон аҳоли жон бошига ёғли пишлоқ етиштириш бўйича сўнгги ўринни, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари етиштириш бўйича охиридан олдинги ўринни, гўшт етиштириш бўйича 13-ўринни, консерва етиштириш бўйича 11-ўринни эгаллаб турибди.

Мирзакалон Исмоилий туғилган куннинг 80 йиллигига

Иброҳим РАҲИМ
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЗАҲМАТДАН ЗАР ТОПГАН АДИБ

Қадимги Ўш шаҳрининг марказида, машҳур «Сулаймон тоғи»нинг биқинида, шундоққина сой соҳилида замонавий тикувчилик фабрикаси қад кўтарибди. Фабриканинг кўркам биносига тўрт томондан мажнунтоллар яшил кокил ташлаб турибди. «Фабрика биносини қадимги шарқ шаҳарларига хос чинорлар билан ўрасалар яхши бўлмасмиди», дегимиз келди. Ўшлик ҳамроҳларимизнинг бири ўзича тушунтира кетди: Қадимда бу жойнинг номи «Мажнунтол» доб аталган. Мирзакалон Исмоилий шу кўчада туғилган, Кенг ва ёруғ залга йиғилган ўзбек, қирғиз чевар қиз-жувон китобхонларнинг байналминал адабий кечасида ҳам адиб ҳақида илиқ гаплар бўлди.

Бундан йигирма йил илгари, адибнинг олтмиш йиллик тўйи Ўшдан бошланганди. У вақтда бўлғуси адиб туғилган уй бутун бўлиб, у юрган кўчалар мажнунтоллар қуршовида турган эди. Адиб киндик қони тўкилган жойларга суқланиб боқди-да, ўйланиб қолди. «Хўш?» деб сўрадим. «Яна йигирма йилдан кейин ҳам шу тупроқни кўзга суртгим келяпти», деди катта умид билан, Унинг бу орзуси ушалишига уч йил етмай қолди. Аммо унинг дўстлари адиб юрган йўлларни зиёрат қилиб қайтдилар.

Онадан жуда эрта етим қолган ва Ўшдаги етимхонада тарбияланаётган ўн уч яшар Мирзакалон бир гуруҳ иқтидорли болалар қаторида Тошкентдаги Ўлка ўзбек эрлар билим юртига юборилади. У хотин-қизлар озодлигига бағишлаб пьеса ёзди. «Саккизинчи март — хотин-қизлар озодлиги», деб аталмиш драмани ёш муаллифнинг ўзи саҳнага қўйди ва ундаги бош ролларни ҳам ўзи ижро этди. Ниҳоят, пьеса 1927 йилда Абдулла Қодирий таҳрири остида босилиб чиқди. Бундан руҳланган Мирзакалон жаҳон ва рус адабиёти классикларининг асарларини мириқиб ўқишга киришди. Ана ўша вақтда ўзига ёққан дурдоналарни ўзбек тилига таржима қилишга киришиб жасорат кўрсатди, бу соҳада ижодий ютуқларга эришди.

Очиғини айтиш керак: дунё классик дурдоналарини ўзбек тилига ўгиришда Мирзакалоннинг хизматлари, айниқса катта. У таржима қилган китоблар аслида ўзбек тилида ёзилгандай ўқилади. Ёзувчи қаламига мансуб асарлар эса ўзбек насрини бойитди.

Мирзакалон Исмоилий кечирган умр ва фаолият даврини тўрт фаслга ажратгим келади. Урушдан аввалги таржимонлик фасли, фронтдаги фаолияти, урушдан кейинги яна икки фасли... Ёш ўзбек китобхонлари Мирзакалон туфайли Лев Николаевич Толстойнинг «Тирилиш», «Анна Каренина» асарларини ўзбек тилида ўқий бошладилар. Комсомол ёшлар орасида ҳам таржимон Мирзакалон машҳур эди. Чунки улар Жюль Вернинг «Сирли орол» асарини қанчалик қизиқиб ўқисалар, Войничнинг ўз тилидаги «Сўна» китобини қўлма-қўл олиб юрардилар.

Унинг қаламидан ўтган икки юз бадиий таржима орасида М. Лермонтовдан А. Чеховгача, М. Горькийдан Н. Погодингача, В. Шекспирдан тортиб М. Шолоховгача бўлган ажойиб авторларнинг дурдоналари бор.

М. Исмоилий ҳаёти ва фаолиятининг иккинчи даври Улуғ Ватан уруши фронтларида ўтди. Ўз она тили, рус тилини яхши билган Мирзакалон немис тилини ҳам тезда эгаллаб олди. Бу эса унинг фронт газетасидаги ишида жуда қўл келди. Мирзакалон Исмоилий фронт газетаси саҳифаларида кичик-кичик таржима асарлар чоп эттириш билан бир қаторда, ўзининг жанговар лавҳа ва очеркларини ҳам бостириб турди. Шу вақт ичида у фронт қаҳрамонлари ҳақида юздан ортиқ очерклар ёзди, сараларини жамлаб китоб хонларга «Озод инсон ҳақида қўшиқ» китобини тақдим этди. Улуғ Ватан уруши даврида бошланган публицистик фаолияти урушдан кейинги йилларда ҳам давом этди ва бу соҳада катта муваффақиятларга эришди. Ёзувчи шахсга сажда қилиш даврининг туҳматига учраб 1949-1954 йиллари озодликдан маҳрум этилди. Ана шундай оғир шароитда ҳам ижод қилишда давом этди.

Иродали инсон, захматкаш ёзувчи темир панжара ичида, чироқнинг хира ёғдусида «Фарғона тонг отгунча» романини бошлади. Романда ёзувчи ўз халқнинг бой тарихини ва урф-одатини, улуғ инқилобгача бўлган аянчли ҳаётини қаламга олди. Адиб бу ҳақда катта эпопея-трилогия яратмоққа бел боғлаганда, афсуски, маррага етолмади, унинг икки китобини ёзиб улгурди, холос. Лекин шу чала қолган трилогия ҳам ўзбек халқининг улуғ инқилобгача кечган ҳаётини бирмунча мукаммал тасвирлаган нодир асарлардан бўлиб қолди. «Фарғона тонг отгунча» романининг китобхонлар жавонидан муносиб ўрин олганини ва қўлма-қўл ўқилаётганини кўриб қувондик.

Маданиятимизнинг ҳамма соҳасида ишлаб, газета редакциялари-ю китоб нашриётлари, театр ва кино санъати соҳаларида жонбозлик кўрсатган адиб ҳаётимизнинг ҳамма қирраларини яхши ўрганиб, кўзи пишган, чархлангани учун ўз ҳаёт тажрибаларини ўқувчилари билан баҳам кўрди. Одоб-ахлоқ мавзусида бир қатор манзур асарлар ёзди. «Бизнинг роман», «Ўзингдан кўр» қиссалари ана шундай асарлар эди. Адиб ёшлар тарбияси муаммоларини ҳам ўз эътиборида тутди. Унинг «Инсон ҳусни», «Одамийлик қиссаси», «Қизлар дафтарига» сингари асарлари ёш авлодга заҳматкаш адибдан адабий ёдгорлик бўлиб қолди. Ёзувчининг ўзбек адабий тилини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси ҳам маданий меросимизнинг бойлиги ҳисобланади. У фронтдаги жанговар ишлари учун «Қизил Юлдуз» ордени ва бир неча жанговар медаллар билан тақдирланган, умрининг охирига келиб, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвонига сазовор бўлганди. Энг муҳими, Мирзакалон Исмоилий миннатдор китобхонларнинг меҳр-муҳаббати ва чин ҳурматини қозонган эди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган куннинг 100 йиллиги олдидан

Саҳифа № 6

Ҳурматли газетхон!

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг фанга маълум автобиографияси жуда қисқа. Мен уни архивдаги ҳужжатлар, кундалик дафтаридаги қайдлар, асарларидан парчалар билан тўлдириб, эътиборингизга ҳавола қилдим.

Профессор Лазиз ҚАЮМОВ.

Ҳамза: ҲАЁТ ТАРИХИ

ФАРҒОНА

(1924—1926)

«1924 йил сентябридан Фарғона маориф қўмитаси қарамоғиндаги онг-билим шўъба муовини тайин бўлуб, бир томондан Фарғона сайёр труппаси ташкил этдим».

«Виставкаларға иштирок этувчи артистларнинг театрални рол тақсимоти жадвали:

Тартиб нечанчи ким ролинда исм, фамилия рақам парда

1. Туҳматчилар жазоси I Фотима ролинда Маруса
2. —»—«— I Акбарали ролинда Оқилуф
3. —»—«— I Қосимжон ролинда Қориюф
4. —»—«— II Домла ролинда Шарифиф
5. —»—«— II Султон —»— Обиджон
6. —»—«— II Элликбоши Аъзамхўжа
7. —»—«— II Старшийға Баратов
8. —»—«— II Қоровулға Ҳаваскор (Юнусиф)

1. «Топилған нарса»да I Тешабой ролинда Оқилуф
2. —»—«—» I Ойниса —»— Маруса
3. —»—«— I Ёш йигит —»— Обиджон
4. —»—«— I Эски олучида Қориюф
5. —»—«— I Аробакашда Аъзамхўжа
1. «Лошман»да I Саидхон ролинда Қориюф
2. —»—«— I Мирзабой —»— Аъзамхўжа
3. —»—»— I Рохия —»— Фахринисо
4. —»—«— I Фозилжон —»— Обиджон
5. —»—«— I Расулжон —»— Юнусиф
6. —»—«— I Маҳмуджон Баратов
7. —»—«— I Аҳмаджон Алихонтўра
8. —»—«— I Қодиржон Ҳаваскор
1. «Лошман»да II Саидхон Қориюф
2. —»—«— II Санобар Маруса
3. —»—«— II Аёз Обиджон
4. —»—«— II Икки қоровул Аъзамхўжа
1. «Лошман»да III Қўрбоши Шарифиф
2. —»—«— III Мақсуд Аъзамхўжа
3. —»—«— III Раҳмонбой Қорийиф
4. —»—«— III Қосимжон Баратуф
5. —»—«— III Аёз Обиджон
6. —»—«— III Толиб Юнусиф
1. «Лошман»да IV Қўрбоши Шарифиф
2. —»—«— IV Толиб Юнусиф
3. —»—«— IV Аёз Обиджон
4. —»—«— IV Мансур Ўжи Рауфиф
5. —»—«— IV Ҳасанбой Оқилуф ё Умариф
6. —»—«— IV Акработчи Ҳаваскор
7. —»—«— IV Мирзабой Аъзамхўжа
8. —»—«— IV Роҳия Фахринисо
9. —»—«— IV Ҳоким Султон
10. —»—«— IV Икки мирза Ҳаваскор
1. «Қармоқ» I 1-овчи Обиджон
2. —»—«— II-овчи Шарифиф
3. —»—«— III-овчи Юнусиф
4. —»—«— I IV-овчи Баратуф
5. —»—«— IҚўнтур (контр—Л. Қ.) Аъзамхўжа
6. —»—« I Шўро Қорийиф
1. «Бой ила хизматчи» I Хол Аъзамхўжа
2. —»—«— I Комилбой Обиджон
3. —»—«— I Жарчилар Бутун артист

Ҳамза тузган артистлар союзи ҳақидаги қўлёзма лойиҳа

1. Артист союзи расмият билан очилувин тасдиқ этув.
а) союз учун обшежит, отдел ўрунлари берув.
б) артист союз учун печат ва бланкаларга йўл берув.

2. Артист союзиндин музофот ва марказларигача ҳар бир маҳкама ва қурултойларгача вакил қабул этулувн тасдиқ этув.

4. Мактаб, газета ва журналдан бошқа онг-билимгa доир сайил, қизил чойхона, қироатхона, кечалар каби хизматларни Союз артист орқали ўткарувга тасдиқ этув.

Ахтор: газета, журнал ва хусусий таъминоти орқали чиқарувга ҳақли этилсин.

5. Ёлғуз «Санойи нафиса, яъни артистлиқ»ғина эмас, бутун музофот ва ҳар бир артист ташкилот раҳбари саналуб, оқшом-театр, кундуз деҳқон, қасаба, камбағал, партия, шўро, кооператив, суд каби бир ташкилотни йўлга қўювга хизматини тасдиқ этув.

6. Саҳна ишларини тамомила Артист союзиға берилувин тасдиқ этув.

7. Артист союз бюджетин ўзина топшурулуб қисинтирлиқ ерларинда моддий ва маънавий ёрдам.

8. Артист союз аъзоларин умумий солдат-аскарий вазифа умумий мобилизациядан афв этилувин тасдиқ этув.

Ахтор: Артист союзиға музофотда топилғон муҳим кишиларни музофот маркази орқали, Туркистон вилоятинда топилғонларин марказ орқали садо бирлик (бир оғиздан) олуб берувин қабул этилсин.

9. Артист союзнинг маънавий кучларда қўшни чет жумҳуриятлардан маънавий эҳтиёжларинда воситачилик этув.

10. Союз артистнинг талабларинда ёрдамда бўлув.

11. Союз артистнинг ҳар бир қовонда ва тартибот ва программаларни тасдиқ этув.

12. Союз артистнинг шу талабномаларини Марказдан тасдиқ этдируб берув.

1924 й.»

«Музофот онг-билим шўъбаси тарафиндан, об (область) труппанинг организатори бўлувим билан қаршумға чиққон муҳим эҳтиёжларни билдирувни тейиш топаман.

...Ҳаммадан муҳим, яъни, труппанинг ҳаёт момот масаласи бўлғон нарсаси, албатта, пьеса масаласи эканлиги маълумингиздир. Табиий бизга маълум пьеса оз, бор бўлганида, бир нечта қотдан ўйналуб модадин тушкандир... Онг-билим шўъбасига мурожаат эткан эдим. Музофот ижроқўмиға ҳавола этди. Мана шунинг учун мен сизга мурожаат этарга мажбурмен. Тезроқ шу пьеса масаласин ҳал қилганда труппа аъзоларин тўплашимиз керак, токи ҳаволар бузулмай музофотни бир-икки айланса керак.

«Ушбу шаҳодатнома бериладур, биродар Ҳамза Ниёзийға, мазкур биродар 29-нчи октябрдан Қизил байрамнинг Қизил майдонини Ваҳмадёр даҳасини тартибли даражада олиб бормоққа ҳақли комиссия бўлиб тайинланадур. Ушбу кундан бошлаб 2-нчи ноябргача мазкур бўйнига юкланган вазифасини ўткарар деб, ушбу шаҳодатнома тегишли имзо, муҳр ила тайин этиладур, деб

Масъул котиб:
Ташкилот мудири:
Иш бошқарувчиси:»

«1924 й. 31-нчи август якшанба кун соат 2 да тўбонда исмлари ёзилмиш ўртоқларимиз узрсиз ўлароқ фақирхонамизга қўноқ мажлисина ташриф этилувларини қатъий ўтинаман.

Ҳамза Ниёзий. 1926».

№	исм фамилия	қаердан
1.	Маҳсумов-Каминский	обкомдан
2.	Алихўжайиф	—»—«—
3.	Ўрозбоюф	облсуддан
4.	Ҳўжаюф	Скобелдан
5.	Мавлонбекуф	Уезкомдан
6.	Эрмуҳамадуф	Облсоюздан
7.	Ҳожибоюф	Облэкономдан
8.	Анваруф	Обқўшчи
9.	Сайдалиюф	Обфин
10.	Жўраюф	Обкомдан
11.	Бинхассон	ГПУдан
12.	Зоҳируф	Ҳайъати таҳририя
13.	Мироқилуф	—»—«—
14.	Алиюф	
15.	Ортиқуф	
16.	Зиёюф	
17.	Аҳмадхонуф	маорифдан
18.	Ҳайдаруф	
19.	Шаруфуф	
20.	Қориюф	
21.	Усмонуф	
22.	Саид Усмон	Қайнардан

«Фарғона музофотининг Марғилон туманига қарашли Аввалкентдаги деҳқонларнинг расмий кушод ҳамда 11 (моддадан иборат) муҳит ижодға исм қўймоқ учун 1926 йилнинг 17 апрелиға Шўро ҳукуматини чини билан танилғонлиғин амалда кўрсатиш ва бошқа кентларга маданий ва ижтимоий рақобот ясаш (мусобақа қилиш) йўли билан 1925 йилнинг сентябридан бошлаб, 26 йилнинг 15 апрель ойиғача ўзаро уюшма кучлари билан ишланиб ҳозирланғон мана шу пастда кўрсатиладурған 11 ишга расмий кушод билан бирликда юқориғи доирамизда ўтурган қимматлик ўртоқларимиз исмлари билан исм бериш зиёфатига чақирамиз:

1. 800 таноб ер 70 хўжалик сув ичадурган янги боғланган Тожикия қора сувиға.
2. 52 сажен узунлиғида ишланган Тожикия — Ўзбекияни боғлаған кўпрукка.
3. Сиёсий онг-билимнинг ёзлик қизил чойхонасига.
4. Қўшчи ёзлиқ қизил чойхонасиға.
5. Артель чойхонасига.
6. Комсомол чойхонасига.
7. Инқилоб хотираси учун солунган дарвозага.
8. Инқилоб хотираси учун солинган нотиқлар минбарига.
9. Ҳайкал бўстончасига.
10. Париж коммуна боқчасига.
11. Олти дона очилган деҳқонлар артелига.

Мана шу тарихий кўчаларни ҳар бирига от қўюш муносабати билан деҳқонларни руҳларин кўтариш учун чақирилғон азизларимизни ташриф этувларин ўтунуб қоламиз.

1. Ўрта Осиё вакили ўртоқ Зелинский.

2. Қизил Ўзбекистон Марказидан ўртоқ Охунбобоев билан Акмал Икромовни.

3. Фарғона музофот обкомидан ўртоқ Каримов, музофот ижроқўмидан Алихўжаев, Обзем отделдан Шодиевани, Марғилон туманидан Ашуров, Алихўжаев, Қодирий, А. Тожи, Жамолхон, Бобоев; Туман қўшчидан Абдуваҳҳобхўжа, Орифжон ака; хлопкомдан С. Асомий, Х. Содиқов, Ашур Муҳаммадов, Шодмонов; агитпропдан Эгамбердиев ва бошқа маҳкама бошлуқлари бўлғон ўртоқларимизни бирликда чақирамиз...

Союзбирликдан Чаркев ва Аминжон ўртоқлар. Шунинг билан бирликда «Деҳқон газетаси» мухбири ўртоқ Пўлодхон Зуҳурийни махсус чақирамиз.

17 апрель 1926 й».

«1927 йил сентябрига қадар отпуска олған сўнг (1912 йилдан 1925 йилгача олган истироҳатим шул), марказ маориф ваколатига бориб, ишдан чарчағаним ҳамда табиатимдаги композиторликни ўсдириши ҳамда бугунга қадар йиғилган материалларни йўқолғанидан қолғанларини радлаш ҳамда ўзимнинг асарларимни тўплаш хусусинда аризалар бериб, ўзимни бўшатдим.

1925 йил 10 август ойинда бўшалгандан бери Фарғона туманининг Аввал қишлоғида маҳаллага раҳбарлик, қизил чойхона, кўпрук, мана шунга ўхшаш қишлоқ хўжалиги, рўзғори, маданий сиёсий онгларига таллуқли бўлган хизматда давом этиб келмоқдаман.

Қишлоқда турушдан мақсадим: қишлоқ рўзғори, табиат бойлиги билан танишув билан бирликда қишлоқ турмушидан саҳналарга пьеса ҳозирламоқдир.

Мана меним ҳозирги қисқа таржимайи ҳолим. Кенгроқ таржимайи ҳолим ҳақинда баъзи журналлардан мактуб орқали сўрамоқдадурлар. Баъзиларин журналдан кўриш мумкин бўлғандек, яқинларда ўртачагина бу ҳақда ўзим бир роман ёзмоқ ўйиндадурман.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.
1926 йил, 25 август».

ҚЎҚОН

(1926—1928)

«Қизил Ўзбекистон жумҳуриятининг 5-ҳайъат анжуман шўросиға ариза,

Тақрибан 20 йиллардан бери йўқсул халқнинг инқилоби маорифи ва адабиёти йўлида бор кучимизда таёниб, матбуот саҳифаларидан ташқари (50)лаб ёзилғон жузвий асарларимиз шоҳидлиғи билан ўтаб келган хизматларимизи тақдир этиб, 26-нчи йилнинг февраль ойларинда бўлгон анжумани шўро ўлтурмушмасининг учунчисида Сўфизода билан менга умурлик маош берилишига қарор қилинғон эди. Шу кундан эътиборан, балки мен (Ҳакимзода) ўн уч ойдан бери икки ердан маош олиб бир ўрунда хизмат қилишни ёзувчилик сифатларимизга ярашмас билиб, қишлоқ деҳқонлари оммаси ичинда, жойи келса қўл-оёқ кучи билан ҳам ишлаб келмоқда эдик. Бугунга қадар маошимизни шул фенсия устидан рўзғор сотиш ва маълум деҳқон фондларидан қарздор бўлуш билан давом этиб келди.

Бугун 28-нчи февралдин олишимизга ишонилғон маошларимизни 24-нчи августдан берилиши бизни маъюс қилиш билан бирликда, маълум маҳкамалардан бўлгон ҳужжатлик қарзларимиз қошинда жавобгарлик қонунларига тиз букуб қолишга мажбур қилди. Чунки, унга етарлик моддий кучимизни қолмағони бутун ўлкамизни элиға оп-очиқдур. Энди адолатлик Шўро ҳукуматимизнинг 5-анжуман шўро ҳайъатларидин ўтинар эдик, синиқ гавдаларимизи кўтариш, қаршумиздаги ичкиташқи қора кучлар олдида юзимизи ёритиш учун 28-нчи февралдин бўлгон қарордин эътиборан маошимизи берилишига, ёҳуд маълум маҳкамалардан қандай қонуний бир йўл билан бўлса ҳам ҳужжатлик қарзларимизи жавобгарлиғидин танилгон ёзувчиларингизи қутқорилишиға бир ёрдам қилмасангиз, оилавий ҳаётимиз тафриб этилиб, фано аҳволларга қолғусидир.

Ҳамза Ҳакимзода 1926—2—9»

«Қизил Ўзбекистон Марказ Ижроқум раиси ўртоқ Охунбобо ўғилларига ариза

26-нчи йилнинг июль ойларида Фарғона туман қўшчисидан кузда деҳқонлардан ёки Марказий нафақадан тўлаш шарти билан 250 сўм қарз олгон эдим...

Хоҳ Марказдан, хоҳ Маориф қўмиссариятиданми, мен китоб ҳозирлаб бериш шартлари биланми, бошқа ёрдамлар биланми, ҳар ҳолда мени шул ташвишдан қутқазишга энг сўнгги ёрдамларингизни сўраб қоламан.

Ҳамза Ҳакимзода, Фарғона вилоят шаҳри Хўқанд. 1926 й. 1-декабрь. (Хатнинг чап қиррғида Охунбобоев имзолаган қуйидаги резолюция бор:

«Ўртоқ Раҳимийга: Ўртоқ Ҳамза Ҳакимзодани аризасини сизнинг ихтиёрингизга ҳавола қилинди, ўқуб кўруб фикрингизни айтмоқингиз учун (имзо) 13. XII—26».

Ўртоқ Раҳимий қуйидагича резолюция қўйган: «Ўртоқ Қорабековга! Ҳамза Ҳакимзодага давлат нашриётига мурожаат қилуб, китоб ёзиш тўғрисинда сўзлашишни тавсия қилуб қоғоз ёзинг (имзо) 20—XII—26».

«Фарғона округ Учкипрофсоюз қошидаги ҳаваскор ўзбек труппаси томонидан талабнома:

Биз ҳаваскорлар тўдаси... темир йўл ишчиларини «Санойи нафиса» воситаси билан олдимиздаги инқилоб кўрсатган бирликка чақирмоқ учун тўпланиб, шул хизматга ҳозирланғонбиз. Лекин биринчи томондан ўзимиз ҳам ақлимизга яраша илмий кучдан ёш, ҳам заиф бўлуш билан бирга юрғузадиган ишимизни моддий томонининг ортуқ даражада қуп-қуруқ бўлиши бизни гоят оқсатуб келмақдадур. Хусусан, бизга раҳбардан ташқари саҳналарда тажриба кўрган консерт бўлимларимизда бошчи ашулачимиз ва зўр ролларда иштирок этадиган, ҳамда режиссоримизга муовин бўлурлик бир одам, ҳам хоним ролини ўйнаб туриш(га) бир ўзбек хотини билан, лоақал уч нафар четдан кирувчилар бўлмағонда труппамиз бош идорангиз куткан вазифаларни мукаммал ўтаёлмаслиғи уч мартаба қуюлгон театримизда очуқ қурулди. Мана шунга бир қанча тубанда кўрсатилган, тажрибада кўрулган шароитларни кўрсатиб сўраймиз. Бизга тезлик билан шул кўрсатилган тилакларни вужудга чиқариш учун бош идораларимиэ ёрдам қилсунлар эди.

1 — Бизим ўзбек турмушига доир пьесаларни ўйнамоқ учун ҳар хил ўзбек кийимлари ва рўзғор асбоблари керак бўлуб турадир. Булар клубда бирор дона бўлса ҳам топилмайди. Артистлар бўлса ҳаваскор бўлиши билан бирга қўл учида кун курувчи бўлғонликдан иқтисодлари кўтармайди. Чет кишилар пулсиз бермайди. Ҳар театрда ижарага олса давлатнинг иқтисодий режасига қатта зарар бўлғусидур, мана шу сабабларга эътибор этиб, бир қатор мазкур кийим ва асбобларни ҳозирламоқ учун энг озида юз сўм ақча берилсун эди.

2 — Консертларимизда хор бошлиқ вазифаларин ўтоқчи, ҳам катта ролларда иштирок этиш билан бирга режиссоримизга хасталик ва шунга ўхшаш табиий ва ғайри табиий ҳодисалар тушкан чоқларда ишимиз тўхталмасун учун муовинлик ва операларда иштирок этувчи икки нафар артист ва хонимлар ролида иштирок этиш учун, лоақал бир дона ўзбек хотин билан уч кишига темир йўлдан қандай хизмат билан таъмин этилиш чорасин кўрулсун.

Маълумки, бизнинг тўдамиз ҳаваскор бўлғонликдан ойлик бера олмайди. Бекорга ундай ишчилар иштирок этмайди. Бундай муҳим кучлар бўлмағонда бизни тўдамиз иши кучсиз бир тўда бўлуб ҳеч бир қандай кучлик натижа чиқмайди. Мана шуларни назари эътиборга олиб, тезликда уч ўртоққа темир йўлдан иш бериш йўли билан таъмин чораси кўрулсун.

3 — Бизим Ўзбекистон ҳозир ёзувчиларга ғоят камбағал, саҳна материаллари чекдан таш(қари) кучсиз бўлиш билан бирга халқимиз, хусусан, бизнинг темир йўл рабочийлари саҳна томошасидан ғоят бебаҳра қолғондурлар. Буларни саҳнага жалб қилиш, қизиқдириш учун бизга янги-янги кулгилик драмалар, музикалик оперетталар ва опералар, янги хор ва ашулалардан ишни бошлашга тўғри келадур. Мана шунинг учун бундай нарсаларни Марказ нашриётидан ғоят кам учратурмиз. Бизга буни ишлаб чиқарувчилар билан келишиб, топишга тўғри келиши ҳаммага маълумдир. Шунинг учун бундай асарларга клубимиз ёрдам қилсун ёки труппани шундай моддий эҳтиёжларин кўтариш, таъмин этиш учун хоҳ клубимизда, хоҳ тайёргарлик кўруб, қайси бир жойларда бўлмасун пуллик кечалар театрлар қўюш учун ижозат ва ёрдам кўрсатулсун. Ул вақтда биз ҳамма эҳтиёжларимизни секин-аста ўтаб кўзлаган тилагимизга оқсамай ета олурмиз.

1927 й.»

«Ўзбекистон марказий ижроия қўмитасиға ариза

Инқилоб киргандан бери туни-куни ишлаб келган бўлсам ҳам отпуска, курорт деган каби давлат ҳисобидаги жисмоний, балким, руҳий тарбиялардан мутлақо фойдалангоним йўқ. 25-нчи йилнинг сентябрь ойида бир ой истироҳатга жавоб берилган бўлса ҳам моддий томондан бир пуллик ёрдам берилган эмасдур. Йигирма бешинчи йилнинг сентябридан бўён агарчи устдан ишсиз кўрулсам ҳам ҳукуматнинг берган нафақасини бўшқа ишни ўзимга эф кўрмай қишлоқ хўжалиқлари, ер ислоҳоти, пастки шўролар тузмаси, хотинлар озодлиги мана шунга ўхшаш муҳим хизматларда ҳормай толмай ёлғуз берилган нафақани ўзи билан маошланиб, хизмат қилиб келиб турганлиғим ҳаммаларингизга маълумдир.

Эндиликда, кўзда, юракда, мияда, танада кучсизлик, оёғимда ревматизм (эрқунсо) хасталиклари билан оғриб кундан-кун заифлашмоқдаман. Бир ёгдан ўзим ҳеч бир маҳкамаларга боғлиқ бир хизматда бўлмоғоним, нафақа (75) дан бошқа ҳеч бир қандай топишим бўлмағонга 4 жон, ҳавли ижора, хизматчига тўлаш билан (75) сўмни ҳеч бир кифоя қилмагани устига саломатлиғимни ҳимоят қилиш учун ўз ҳисобимдан бериб курортдан фойдаланиш мумкин бўлмоғон амри маҳоллардандур.

Мана шу юқорида кўрсатилган узрларни, агарчи давлат кутган даражада бир хизматга лойиқ киши бўлмасам ҳам ўзларининг халқ шоири деб, берган баҳоларини назари эътиборга олиб қандай чоралар билан бўлмасун бу йилғи курортда бирор ўрунлардан фойдалантиришга ёрдамларини сўраб қолурмен.

24 май 1927 йил.»

«Фарғона округ ижроия қўмитасиға.

Ариза: 25-нчи йилда Ғишт кўприкдаги Мавлон кулолнинг ўғли Юсуфжоннинг ҳовлисини бир минг бир юз сўмга олгон эдим. Ақчани бўлса хизматчи бўлғонликдан топканда оз-оздан бериш шарти қилинғон эди. Шул 25-нчи йилнинг март ойида 80 сўмга ремонт 530 сўм расписклик пул борлиғи, 610 сўм тўлаганман. Ўзингизга маълум июнь ойида ер ислоҳотига тарихий материал тўплаш муносабати билан қишлоққа кетсам, кўюб кетган кишимни зўрлиқ билан ҳайдаб 27 ойдан бери ниспий суратда ҳовлимни идора қилиб, ҳовлимни ўз монополиясига ҳам пулдан, ҳам ҳовли ижорадан эксплатася қилиб келади.

Ҳовлини йўқлиғидан 75 сўм ўзингизга маълум бўлган нафақани 12 сўмини жой ижорага, 15 сўмчасини хизматчига беруб, қолғонини учма-уч зиндалик қилиб келадур эдим. Бугун нафақамиз ҳам қандай сабабларандур 50 сўмга тушуб, жой ижора 4 жонни нафақасига мутлоқо етишмай қолди. Пулимни сўрасам, ҳовлини сотканда бераман, — дейди. Ҳовлини сўрасам — ижора қўйганман, — деди. Қопчик сўрасам, — ўзинг қилиб ол, — дейди. Валҳосил 27 ойдан бери кўп сарсон қилди. Муддаолари маҳалла балоҳўрлари билан 3 йилга тўлғазиб 610 сўмга куйдуруш экан... Сиздан охирги утунчим билан сўрайман тегишли жойларга қатъий бирон чора кўриш учун ёрдам қилсангиз» деб (имзо) Ҳамза Ҳакимзода 9 июль 1927 йил».

ШОҲИМАРДОН

(1928—1929)

«Қизил Ўзбекистон Марказий Ижроия қўмитасиға Ҳамза Ҳакимзодадан Ариза

Бундан аввалги аризамда берилган ваъдангизга биноан янги шаҳардан бериладурган бино (хона жой) ҳақида тегишлик ўринга буйруғингизни сўрайман. (имзо) Ҳакимзода Ниёзий», 28 йил 27 июнь, шаҳри Шоҳимардон».

«Қизил Ўзбекистон Марказий ижтимоий таъминот қўмиссариятига

АРИЗА

Инқилобнинг ўн йиллик даврида ҳеч бир истироҳат ва даволов ўрунлардан фойдаланмай, туни-куни ишлаб келдим. 2-нчи йил шуни назарда тутуб Марказ ижроқўм маслаҳати билан дўқтурлар кўрсатишича Шапронга ўрун берилган бўлса ҳам, маҳаллий округжкомларимиз ўн йиллик Октябрь хотира мажлисларининг бошланиш сифати билан боролмай қолдиқ. Бу йил шуни назарда тутуб Маориф қўмиссарияти юз сўм ёрдам қилди, оилалар борса маблаг кифоя қилмаслиги маълумдур. Шунинг учун бултурғи ўрундан фойдасиз қолғонимни эътибор этиб, сиздан ҳам бирор ёрдам бўлишини кутар эдим».

МАКТУБ

«Ўртоқ Ҳатам ўғлига!

Кўп вақтда ёшлик қилишингиз хафа қилди. Жумладан, бири 8-нчи сон (Охунбобоев) қаторини бермагансиз. Ҳолбуки, энг зарури шул эди. Ундан кейин Шўролар активлари билан бирлигда бўлган бир қарор бор эди. Ул қарор Шоҳимардонни қизил истироҳат (гоҳ) га айлантириш учун 15—16 номерлик иш режаси, чунончи, телефон, телеграм, электр, дом деҳқон, отхона, аравахона солиш, шунга ўхшашларни кўрсатиб чиқарилгон қарор бор эди. Мактабхонада бўлгон оилавий кружок умумийси ҳам шунда қарор қилиб, комиссия сайланган эди, мана шулар ҳам...

3-нчи январь пайшанба куни соат кундуз иккига ҳозирлайсиз. Ундан сўнг Комилни қўлидан Охунбобоевга ёзилган қарорларни бирлигини йиғиштириб жўнатасиз. Чунки бизга берган қарорларни бир хилин ҳеч ўқиб бўлмайди. Ёки ишонур эсангиз, 10-нчи августдан бўлгон Ижроқўм, Қўшқўм қарорини бутун юбориб, Ижроқўм муъовини Комилдан юборамиз, бўлмаса бизнинг Округга борганимиздан ҳеч фойда йўқ...

Биз мунда чувалуб ётмайлик. Ҳалиги ларни юбориб кўя қолинг. Чунки мана шул қоғазга ёзилган алоқа ва қарорлар ҳеч ўқурлик эмас. Бир дона китобча ўз асаримдан артелларга ёдгор юбордим.

Ҳакимзода 1928 й».

Мажлис протоколи:

«...Эшитилди: 1906 йилда туғилган иттифоқ аъзоларини қизил аскарлик мактабида тарбиялаш хусусида Депара ер-ўрмон иттифоқининг 24/IX даги 734 сон кўрсатуви ҳам (уни) амалга ошируб ҳақинда ўртоқ Ҳакимзоданинг маърузаси.

Қарор: бу ҳақда ўртоқ Ҳакимзоданинг кенг равишда тушунтириб, қилгон маърузасини тинглаб, қуйидаги қарорга келинди:

а) Биз батрак ишчилар мамлакатимизни ички ва ташқи душманлардан мудофаа этмоққа доим тайёргарликда бўлиб, қизил аскарлик мактаби тарбиясини олмоққа ҳавасманд бўлсак-да, ҳозирча чақирилган курс уставига ёшларимиз тўғри келмаганлигига таассуфимизни билдирамиз.

б) Биз батраклар ароларимизда бўлгон союз аъзолари ўртоқларимиз бўлгон: 1. Эркабой Холдор ўғли П. Камол Жамол ўғилларини чақирилган курсга бормоққа, ўз хоҳишлари билан шу мажлисда курсга бормоқларини талаб этганлари хусусида бу ўртоқларимизга бутун Шоҳимардон йўқсиллари томонидан ташаккуримизни билдириш билан, бу ўртоқларимизи онгли ва сиёсий билимлардан хабардор бўлиб келмоқлари учун қизил аскар курсига юбормоқни Депара ер-ўрмон иттифоқидан сўраб қоламиз.

П. Эшитилди: хотин-қизлар озодлиги хусусида ўртоқ Ҳакимзода маъруза қилди.

Қарор: ўртоқ Ҳакимзоданинг маърузасини эшитиб, тубандаги қарорга келамиз: Асрлардан бери асорат занжирда боғланиб, қоронғу дунёда ва эрлари зулмида эзилиб ётқон оилаларимизга мумкин қадар янги маданият усулларида тарбия беришимиз билан жамоа активлари орасида давом этиб турғон оилавий турмуш ҳақидаги мажлисларга оилаларимиз билан иштирок этиб ва оилаларимизни озодликка чиқариш ваъдаларимизни билдирамиз...

1928 йил 7 октябрь».

«Ўртоқлар: Комилжон, Қори ака, Фаҳруддин, Усмонжон, Зиё Саид, Нурмат, Аъзамжон, ҳаммангизга қайноқ саломдан кейин!

Бандаларингизни атала дейсизми, қирмоч дейсизми! Бе субут ёки сайёҳ дейсизми?

Инқилоб олдидаги йўқолишга маҳкум бўлуб турғон бундай улуғ фалокатларни эски сирларини сақлаб қолиш — саҳна хизматчиларига қандай қийматлиғи обчиқдир. Қизиқ жойларини оғизма-оғизга қуюб, қуюқ жойларидан бир чўмучгина юбораман. Тезликда амалга оширишни сўраб қоламан.

Мана шу билан бирликда масалани ост-усти очуқроқ бўлсин учун сандан айрилишгандан бу ёнги ўтган мажлис ва қарорларни ва уларнинг олдида бўлгон тўсқунликларни тасвир этилган комиссия исми билан мендан тузулган фикрларни «Дарёдан бир чимдим» қўпол мақолачам билан қўшуб юбордим. Зерикмасдан мутолаа қилиб, мақолани (охири бор) қинғир-қийшиқ ерларини безаб, иложи бўлса қўшимчалар қўшуб, олдиндаги сонлардан бирига узатишга ёрдамингизни сўрайман.

Кичкина изоҳ:

...Ўзинг кўрган дастурхони силлиқ Исмоил Мутаввалли ва унинг марказдан тортиб мойлаган кекирталари билан очуқдан-очуқ курашмоқ жаям қийинларни мушкули эди. Бир оқшом ҳамма барабар бизникида бўлғонда сўзлаган эдим. Энди нима қилишга? Ноилож олдимда бўладурғон ҳужумларни кўзда тутуб Исмоил бошлиқ зўр бандаларини қўлга олиб, ўз қўллари билан калитни топшуртуруш, бир ёқдан ораларида бўлгон бир қисм камбағалбатракларни ташвиқот билан қўлга олиш, бир ёқдан маҳаллий ҳукумат ва деҳқон батракларни ҳозирлаб ташкил ҳолига келтириш, бир ёқдан оилавий кружокни очиб ўстириш... Хуллас, ўзингга маълум бўлгон шароитларни тайёрлаш орқасида юқори қўйида бўлгон тўсқинчиларни оғзига ковшар қўйиш билан аранг мана шу холга келтира олдим.

Хусусан, мани мақсадим мозорни битиришда деҳқон ва рабочий оммасини ҳукуматдан шубҳалантирмаслик, ўз шароитлари билан матбуотлаштириш, мезон эмас, Октябрь байрамиғача ҳозирлар, байрамда қаторлар расмларини олдириб журналларга бостириш, бунинг борасида Ўзбекистонимизда бўлгон 300 дан ортиқ мозоратни ўз қўллари билан муҳалло қилишни бирдан-бир яроқли чора топган эдим. Нима қиламан ҳамма томоним қоронғу, марказ узоқдир... Депарадан сўнг чоқда райкомдан ўртоқ Исахўжаев юборилган жонли вакилимиз билан сўзлашгандан сўнг фақат қолган бу кунгача юборилган алоқаларни бирор донаси, ҳатто 8 нчи қарор ҳам Райкомга хўжазодалар томонидан кўрсатилмай, Водилдаги—Водилда, Депарадагиси папкаларда чириб битган. Иш бир-бирига келиб битай деганда, Исмоил Мутаввалли 5-10 иғвогарларни тўплаб, йўқ бўҳтонлар билан Фарғона округ Сиёсий идорасига ариза бериб, Фарғона шаҳар шўъбасига 20 октябрга охири чақиртирдилар. Хайрият, Депара райкоми хабарлашиб, ҳақиқат ўз йўлини топгандай бўлди. Неки, аввал йўл билан борганда бошимга кўп ҳодисалар тушмоғи аниқ эди. Амал қайда десанг, ўзлари ривоят қилиб беришларидадир. Энди зоҳирда иғвогарлар ҳам уюшиб тавфиқ келиб турсалар ҳам, қарорларда кўрсатилган Исмоил Мутаваллининг ёнидагилари билан бирликда ҳамон маҳкамаларда изғишиб юрганлари англашилади. Ҳар ҳолда, умримда кўрилмаган тухмат-тўполон билан суякка тегузган пичоғимни гулдастаси синмасун эди. Ул иғвогарларни тегишли чораларини кўрмасликлари яна бир зарба бермай қолмас, деб ҳали ўйлайман.

Ҳозирча ишлар битганнамо... Октябрь байрамига зўр ҳозирлик боради. Расмлар олинса «Ер юзи» журналига ҳам «Қизил Ўзбекистон»га юборсам керак. Ҳар ҳолда сендан маним тилагим, ҳайъат таҳририга ўзинг ҳамма ишлардан бир мақола чиқариб изидан қўйсанг, деб сўрайман.

Яна бир илтимосим, мунда Абдуллажон Ҳатам ўғли исмли (ҳозир Ижроқўм саркотиби) комсомол ячейка раиси бор. Шуни мухбирликка берган аризасини қабулга ўтказиш чорасини кўрсанг, токим мунда қизиқ ҳодисаларни ёзиб тура олади. Бирор дона мактуб билан хатларни олганинг билдирмас эсанг почталардан ҳам гумонсираб қолдук! Ёзгин, эсингдан чиқарма!

Дўстинг Ҳакимзода».

Ҳамза бошчилигида Шоҳимардон меҳнаткашлари вакилларидан иборат ҳурофотга қарши кураш комиссияси 1928 йил 7 ноябрда расмга тушганлар. Фотораснинг орқасида қуйидаги мазмунда автограф бор:

«Шоҳимардон ҳурофоти ўн биринчи Октябрь Социалистик революциясига юз фоиз битирилди.

Ўн бир йиллик Октябрь социалистик революцияси байрами учун олға!

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий».

«Ўзбекистон Шўролар Жумҳурияти, Халқ Комиссарлар Шўроси Ўзбекистоннинг маданий ва хўжалик фронтларида фаол курашчи ва адиб ўртоқ Ҳамза Ҳакимзоданинг Шоҳимардонда бой унсурлар қўлида ўлдирилганлигига таъзия билдиради». («Қизил Ўзбекистон», 1929 йил, 28 март).

18 кун давом этган суд 1929 йил, 20 июнда 9 кишини отиб ўлдиришга ва мол-мулкларини мусодара қилишга, тўрт кишини ўн йилдан қаттиқ ажратилмали ҳолда қамоққа ва беш йил ҳуқуқдан маҳрум қилишга, уч кишини беш йил қамоққа ва уч йилдан ҳуқуқдан маҳрум қилишга, бир кишини уч йил қамоққа, ўн етти кишини ижтимоий хавфли деб топиб Ўзбекистон ва Фарғона округидан сургун қилишга ҳукм қилди.

«Отилишга ҳукм бўлгонлардан тўрт киши: Хуррам Холиқ ўғли, Жалолхўжа Камолхўжа ўғли, Ҳидоятхўжа Дадахўжа ўғли ва Ориф Охунхўжа ўғиллари мамлакатимиз учун зарарли қуртлар бўлгони учун Марказий Ижроқўм мана шу тўрт кишини устидан чиқарилгон ҳукмни маъқуллади. Қолгон беш киши юқоридаги Шўро душманлари бўлгон шайх ва хўжаларнинг алдовига берилиб оломонга аралашиб қолиб, қораланганликларини назарга олиб, ҳукмни ўн йил қамоқ, қамоқдан чиққанидан кейин бир йил ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан ўзгартирди.

6 нчи июлда ҳукм ижро қилинди».

(Янги Фарғона», 1929 йил 7 июль).

Тузувчидан: Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳаёти ва фаолиятига оид кўпгина ҳужжатлар ЎзФА Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг ўзбек совет ёзувчилари архивида сақланмоқда. Институт илмий ходимлари Сафо Зуфаров, Саидбек Ҳасанов, Тўхтамурод Зуфаров ва Раҳима Шарафиддинова уларни бир неча йил давомида араб алифбосидаги эски ёзувдан ҳозирги жорий ёзувга ўтказиб, илмий тавсифлаб чиқдилар. Ҳозир бу улкан иш нашрга тайёр

• *Бугун—Ракета қўшинлари ва артиллерия куни*

ВАТАННИНГ ЗИРҲЛИ ҚАЛҚОНИ

Совет артиллерия ва ракета қўшинлари жанговар йўли ва тараққиёти она-Ватанимиз совет халқининг тинч меҳнатини ҳимоя қилиш учун ташкил этилган унинг Қуролли Кучлари қаҳрамонона тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Гражданлар уруши йилларида оқ гвардиячилар ва чет эл босқинчиларини тор-мор этишда артиллерячиларимиз зўр мардлик ва жасорат кўрсатдилар. Улуғ Ватан урушида артиллерия ҳужум жангларида ҳам, совет қўшинларининг мудофаа жангларида ҳам катта куч бўлиб хизмат қилди. Ўз шиддатли ўти билан муҳим жангларда Улуғ Ғалабамизни таъминлашга катта ҳисса қўшди.

Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати империалистик доиралар томонидан бошланган «совуқ уруш» шароитида халқимизнинг бугун куч-қудратини АҚШнинг атом қуроли монополиясини йўқ қилишга сафарбар этди. Совет Қуролли Кучлари ракета-ядро қуролига эга бўлиши ҳарбий ишда революция бўлди. Доимо жанговар ҳолатда турадиган қўшинлар — стратегик мақсадлардаги ракета қўшинлари ташкил этилди. Улар узлуксиз жанговар навбатчилик қилмоқдалар. Қуруқликдаги қўшинлар, ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари, авиация ва флот ракета қуроли билан қуролланган.

СССР ва АҚШ ўртасидаги ҳарбий стратегик тенгликка эришилганлиги зўр тарихий воқеа бўлди.

КПСС XXVII съезди томонидан ишлаб чиқилган ва олға сурилган янги ташқи сиёсий концепция, янги сиёсий тафаккур СССР ва АҚШ ўртасида ўрта ва кичик олисликдаги ракеталарни йўқ қилиш тўғриси даги Шартномаларда ўз ифодасини топди. Ядросиз дунё учун кураш муқаддимаси ана шу Шартномадан бошланди. Ҳозирги кунда СССР ва АҚШ олдида стратегик ҳужум қуролларини 50 процент қисқартириш тўғрисида шартнома тузиш вазифаси турибди.

КПСС XXVII съезди, партия Марказий Комитети Пленумлари, XIX Бутииттифоқ партия конференцияси қарорларида Совет Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишга қаратилган юксак талаблар қўйилган. Шонли ракетачилар ва артиллерячилар Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқулламоқдалар. Қайта қуриш уларнинг кундалик меҳнатида давом этмоқда. Ҳар бир жангчининг намунали устав тартибларига, ҳарбий интизомга жиддий риоя этиш, ишониб топширилган техника ва қуролни эгаллаш учун масъулият ҳисси ошмоқда. Ана шу қоидалар ракета қўшинлари ва артиллерия қўшинларида йил бошидан давом этаётган социалистик мусобақанинг қоидаларидир. Эришилган юксак натижалар — улар ўз ватанпарварлик бурчларини бажаришга шай ҳолда турганликларидан далолат беради.

ЭРКАТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Наманган районидаги «Ленинград» колхози эркатойларининг қувончи чексиз. Улар учун янги болалар боғчаси қуриб, фойдаланишга топширилди. Янги масканга «Камалак» номи берилди.

Хўжаликда социал-маданий-маиший объектлар қурилиши ўзига хос план асосида олиб борилаётир. Колхозчилар учун якка тартибда уй-жойлар қуриляпти. «Камалак» болалар боғчаси тартиб бўйича эркатойларнинг учинчи масканидир. Тўртинчи боғчанинг қурилиши бошлаб юборилди.

Янги болалар масканининг ўзига хос томонлари бор. Бу ерда машғулотлар рус тилида олиб борилади. Сув ҳавзаси, табиат ошуфталигига чорлайдиган теплица ҳам қурилган. Автошаҳарчада эса машғулотлар ўтказилади.



СУРАТЛАРДА: 1. Педагог А. Трофимова катта группа тарбияланувчилари билан машғулот пайтида. 2. Теплица ишчиси А. Мамажонов ниҳолларни парваришламоқда. 3. Методист С. Козлова автошаҳарчада тарбияланувчилар билан.

В. Молгачев фотолари.

• ИНСОН ВА ҚОНУН

● 1946 йилдан буён Ўзгариш станциясида маргимуш препарати ортилган вагон турар эди. Фақат ҳозиргина ана шу маргимуш аниқланиб, хавфсиз жойга олиб кетилди ва кўмиб ташланди. Наманган областининг Косонсой районида водопровод йўқ, одамлар ариқдан сув ичадилар. Андижон областининг Балиқчи районида 1983 йилда тақиқланган ДДТ пестицидининг миқдори йўл қўйиш мумкин бўлган нормадан икки минг баравардан ҳам кўпроқ...

Ўзбекистон ССР прокуратураси коллегиясининг мажлисида ана шу ва шунга ўхшаш ғоят нохуш фактлар тилга олинди. Мазкур мажлисда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги Қонуннинг бажарилиши устидан прокурор назорати практикаси биринчи марта кўриб чиқилди. Экология муаммоларини ҳал этишда прокуратуранинг роли қандай? Бу саволга республика прокурори Дмитрий Александрович Усатов шундай жавоб берди:

— Узоқ вақтдан буён экология назаримиздан четда қолиб келди. Муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш тўғрисида қонунлар бор-у, аммо уларнинг ижроси устидан назорат йўқ эди. Муассасалар талон-торож қилган табиат эгасиз ва ҳуқуқий ҳимоясиз бўлиб қолди.

— Экология ҳақида ғамхўрликнинг иқтисодий омиллари ҳозиргача ҳам йўқ. Ҳуқуқий воситалар бор. Уларни қўллашнинг мураккаблиги нимада?

— Аввало, тажрибанинг йўқлигида. Тўғри, ўтган йили табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларнинг бажарилиши 650 марта текшириб кўрилди. Зарарни қоплаш учун 225,6 минг сўмлик 36 та даъво тақдим этилди. Судлар шундан 11 минг сўмлик 28 та даъвони қондирди. Ўша йили атроф-муҳит булғангани тўғрисидаги тўртта жиноий иш текширилди. Бу йил ана шундай ишлар қўзғатилгани йўқ.

Тилга олинган чоралар етарлими, улар нечоғли самара бермоқда? Коллегиямизда гап ана шу хусусда борди. Областлардан, Қорақалпоғистон АССРдан прокурорларни таклиф этдик. Атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш республика инспекцияси, Ўзбекистон Гидрометеорология маркази ва Соғлиқни сақлаш министрлиги, «Ўзсельхозхимия» ахборотини ўргандик. Мутахассисларнинг фикрини эшитдик.

— Бу экологик вазиятни идора этишга биринчи бор уриниш бўлса керак?

— Ҳа. Айни вақтда кўп нарсаларни бой бериб қўйдик, лоақал Балиқчи районидаги ДДТ воқеасини олайлик. Ўзбекистон Гидрометеорология бошқармасининг Андижон прокуратурасига юборган хабари ҳам ташвишлидир: ахир, заҳарланган участкада қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирилмоқда! Область агросаноат комитети раисини огоҳлантириш билан бирга чекланилди. Буни қарангки, уддабурон химизаторларнинг хатти-ҳаракатида «ёмон ният бўлмаган экан». Наҳотки, шундай «жимжимадор» ибора оқибатида одамларнинг соғлиғига хавф-хатар камайиб қолса...

Биз прокуратуралар ҳузурида эколог-экспертлар группалари бўлиши лозим, деган хулосага келдик. Экологик қоида бузишлар ҳақидаги материалларни прокуратурага ўтказиш ҳақида тавсиномалар зарур. Қонунларнинг ўзини ҳам қайта кўриб чиқиш даври келди чоғи. Масалан дарёга заҳар ташлангани учун нари борса 100 сўм жарима солинади. Айбдорларни жиноий жавобгарликка торта олмаймиз: ният ёмон бўлмаган экан, демак жиноят ҳам содир қилинмаган ва ниҳоят тегишли инструктаж, прокуратура ходимларини жойларда ўқитиш ҳам керак.

— Аҳоли ҳақида нима дейсиз? Унинг экологик ва ҳуқуқий маданияти юристларга нисбатан анча паст-ку. Агар қишлоқ, колхоз ёки бирон-бир бола жабрланса нима бўлади?

— Бундай хабарни телефон орқали ҳам қабул қиламиз. Ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш, ахборотдан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш масалани ҳал этишни тезлаштириши, конкрет самара бериши муҳимдир. Масалан, «Таштекстильмаш» заводида табиатни муҳофаза этиш ҳақидаги қонунларнинг ижроси назорат этилиши туфайли қуюв цехи ёпиб қўйилди. Ана шундан кейингина корхона маъмурияти ҳавога учиб кетаётган чиқиндиларни тозалаш имкониятини топди...

— Бирваракайига барча корхоналардан кўз-қулоқ бўлиб туриш қийин. Прокуратура ҳар бир корхонадаги аҳволдан қай йўсинда бохабар бўлади?

— Яқин икки йил ичидаги иш программаси тузиб чиқилди. Ҳар бир районда экологик жиҳатдан, айниқса, хавфли бўлган объектлар бор. Район прокуратуралари текширувни ана шу объектлардан бошладилар. Республикамизда 203 та бутифос омбори бор, уларда 2700 тонна заҳарли дефолиант сақланмоқда. Аввало, шу омборларга эътибор бердик. Текширув вақтида барча омборларда ўтган йили қўйилган пломбалар бузилмаганлиги аниқланди.

— Яқинда бутифос қўлланилгани ҳақида тарқалган овозаларчи?

— Бу химикат Қозоғистоннинг қўшни районларида қўлланилган экан, шамол ўша ерлардан қўланса ҳид тарқатди. Овозаларнинг боиси шунда бўлса керак. Бу воқеа эътиборсиз қолмади. Шу ҳақда Қозоғистон ССР прокуратурасига хабар бердик. Қардош республикадаги ҳамкасбларимиз айбдорлар жавобгарликка тортилганини айтишди.

Химизаторларимизнинг ҳам айби бор, улар баъзан қишлоқ хўжалигида пестицидлардан фойдаланиш хусусидаги қонун ва қоидаларни бузиб, қишлоқ хўжалигида улардан кўпроқ фойдаланилишига йўл қўймоқдалар. Шунинг учун ҳам бевосита коллегия мажлисининг ўзидаёқ ушбу йиғинда қатнашган «Ўзсельхозхимия» бирлашмаси раиси вазифасини бажарувчи Н. Бармотин расмий тарзда огоҳлантирилди.

Саноат корхоналарига келганда, уларнинг кўпчилигида ҳозиргача ҳам тозалаш иншоотлари йўқ. Бу ўтмиш даврлар хатосидир. Биз бу ўринда табиатни муҳофаза этиш тадбирларининг ўз муддатида бажарилишини талаб қиламиз. Қурилаётган корхоналарни эса назорат қилиб бораверамиз.

— 1996 йилгача тозаланмаган оқаваларнинг чиқариб ташланишига батамом чек қўйиш, ҳавони булғатувчи моддаларнинг чиқиб кетишини нормада белгиланган даражагача камайтириш лозим. Партия ва ҳукуматимиз олдимизга ана шу вазифани қўйган. Министрликлар, идоралар, меҳнат коллективлари билан ҳамжиҳатликда қандай ҳуқуқий воситалар қўлланилади?

— Капитал маблағлар тўғрисидаги қонунларнинг бажарилишини табиат муҳофазаси учун ажратилган маблағлардан ўз вақтида ва қатъий кўзда тутилган мақсадда фойдаланилишини назорат қилиш жуда муҳимдир. Ўзбекистон Гидрометеорология бошқармасининг маълумотлари ташвишга солмоқда. Республика ҳавосини муҳофаза этишга ажратилган маблағларнинг тахминан учдан бир қисми ўзлаштирилмаяпти.

Орол бўйидаги экологик вазият, айниқса, кескин бўлиб турибди. Қорақалпоғистон область партия комитети томонидан қўллаб-қувватланган таклифимиз асосида Орол районларараро табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси тузилди. Бу прокуратура бевосита Ўзбекистон Бунинг учун нивермагнинг турли моллар сақланадиган зали кўргазмага айлантирилди. Қулайлик шундаки, омборга келтирилган янги маҳсулотлар дарҳол сотувга чиқарилади. Магазин мудирлари ва товаршуносслар моллардан танлаб, буюртма беришади. Харидорлар ўзлари ёқтирган товарлардан сотиб олаверадилар. Янгича савдо шарофати туфайли ўтган ой мобайнида 100 минг сўмлик савдо қилинди. Мутахассислар областдаги мавжуд 6 та базанинг барчасида ана шундай ўнивермаг-кўргазма ташкил этишга аҳд қилишди. Бу савдо оборотини ошириш билан бирга аҳоли талабини ўрганишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ш. ХОЛМИРЗАЕВ.

ПРОКУРОР— ТАБИАТ ҲИМОЯЧИСИ

Ўзбекистон ССР прокуратураси коллегияси экология масалаларини муҳокама қилмоқда

• Ахборот

ЯНГИ МАРШРУТЛАР

● Тошкент область Янгийўл район «Автотаксомотор» парки коллективи янги маршрутлар ташкил этиб, йўловчилар узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Чунончи, Чинкелди — Тошкент, Етмисой — Янгиер шаҳарлари оралиғида автобус қатновининг йўлга қўйилиши кўпчиликка маъқул келди.

Байрам арафасида Фарғона, Қўқон, Наманган, Поп, Чуст шаҳарларига автобуслар қатнай бошлади. Бу билан йўловчиларнинг қимматли вақтлари 4—5 соатга қисқарди. Янги маршрутларга қатнаётган Қ. Саломатов, К. Шомуродов, Р. Алиев, С. Тўраев каби ҳайдовчилар квартал план-топшириқларини 115—120 процент бажариб, шу кунларда келаси йилнинг дастлабки ойлари ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

У. МУҲАМЕДОВ.

КЎРГАЗМАЛИ УНИВЕРМАГ

● Область матлубот жамиятлари союзининг Намангандаги районлараро базасида умумий саҳни 600 квадрат метрли универмаг-кўргазма ташкил этилди. Бунинг учун нивермагнинг турли моллар сақланадиган зали кўргазмага айлантирилди. Қулайлик шундаки, омборга келтирилган янги маҳсулотлар дарҳол сотувга чиқарилади. Магазин мудирлари ва товаршуносслар моллардан танлаб, буюртма беришади. Харидорлар ўзлари ёқтирган товарлардан сотиб олаверадилар. Янгича савдо шарофати туфайли ўтган ой мобайнида 100 минг сўмлик савдо қилинди. Мутахассислар областдаги мавжуд 6 та базанинг барчасида ана шундай ўнивермаг-кўргазма ташкил этишга аҳд қилишди. Бу савдо оборотини ошириш билан бирга аҳоли талабини ўрганишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ш. ХОЛМИРЗАЕВ.

• Спорт

КУРАШ:

ОЛТИН ВА КУМУШ

Красноярск шаҳрида касаба союзлари кўнгилли спорт жамияти марказий Совети биринчилиги ўтказилди. Ёшлар беллашувида Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан тўпланган 200 нафардан ортиқ дзюдочи қатнашди. Мусобақада республикамиз вакиллари ҳам муваффақиятли куч синашишга ҳаракат қилдилар. Чунончи, чирчиқлик Р. Абкеримов 86 килограмм вазнли полвонлар қатори беллашиб, олтин медалли бўлди. Тошкентлик С. Жуков эса 71 килограмм вазнли курашчилар орасида мусобақанинг кумуш медалини қўлга киритди. Энди ҳар иккала спортчимиз мамлакат биринчилигида қатнашади.

ЭШКАК ЭШИШ:

СОВРИНДОРЛАР

Ўзбекистон кубоги учун ўтказилган мусобақада Тошкент Фарғона, Самарқанд ва Андижон областларининг командалари куч синашдилар. Спортнинг мазкур тури билан шуғулланиш учун шарт-шароитлар етарли бўлган Сурхондарё области ва Қорақалпоғистон Автоном республикасидан вакиллар мусобақада қатнашмади. Шунга қарамай, мусобақа кескин ва муросасиз бахсларга бой бўлди. Жуфт бўлиб қайиқ ҳайдашда Янис Рекс билан Николай Бойко муваффақият қозонишган бўлса, ёлғиз эшкак эшишда Геннадий Нестро билан Дилора Шалепкина маррада биринчи бўлишди.

ЧИМ ХОККЕЙ:

МАВҚЕИНИ САҚЛАБ

Эркаклар олий лига командалари ўртасида ўтказилган навбатдаги учрашувда командалар мавқеига таъсир қилди. Фарғонанинг «Химик» коллективи «Раздан» командасини 6:2 ҳисобида ютиб, 18 очко билан олий лигадаги ўрнини сақлаб қолди. Ленинскнинг «Старт» командаси эса Олмаота динамочиларига (2:3) имкониятни бой бериб, олий лига билан хайрлашадиган бўлди. Шунингдек, Черновцининг «Университет» коллективи ҳам олий лига билан хайрлашди. Олмаота динамочилари олтин, Свердловск армиячилари билан «Раздан» хоккейчилари кумуш ва бронза медалларига эга бўлишди.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

1988-1989 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли, халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишловчи 34 ёшгача бўлган илғор ишчилар, шунингдек СССР Қуролли Кучлари сафида хизматни 1987 йилнинг ноябрь-декабрь, 1988 йилнинг май-ноябрь ойларида ўтаб бўлганлар жорий этилган инвалидликнинг имтиёзли ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома эгалари хизмат муддати ва запасга қачон бўшатилганидан қатъи назар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчи ишчи ва колхозчилар камида икки йил меҳнат қилган бўлишлари керак. Тайёрлов бўлимига кирувчи шахсларнинг меҳнат стажи йўлланма берилган кунгача бўлган даврга ҳисобланади. Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, тайёрлов бўлимига кирувчи шахснинг меҳнат стажи йўлланма берган ташкилотда охирги бир йил давомида узлуксиз бўлиши лозим. Колхозчилар ҳар календарь йил учун белгиланган иш куни минимумига эга бўлишлари лозим.

Йўлланма меҳнат коллективлари ва ҳарбий қисмлар шахсий состави мажлиси асосида партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари тавсияси билан корхона, ташкилот раҳбарлари, шунингдек, ҳарбий қисмлар қўмондонлиги томонидан юборилади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: ариза, тайёрлов бўлимига йўлланма, характеристика, ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжат (асли), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 8 дона фотосурат (3х4 ҳажмда, бош кийимсиз), соғлиги тўғрисидаги медицина справкаси (086/У форма).

Паспорт ва ҳарбий ҳужжат шахсан кўрсатилади.

СССР Министрлар Советининг «Олий ўқув юртлари қошидаги тайёрлов бўлимлари ишини яхшилаш тўғрисида» 1988 йил 29 июль 922-сон қарорига мувофиқ корхона ва ташкилотлар томонидан шартнома асосида институтга юборилган абитуриентлар кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, кундузги ўқишга конкурсдан ўта олмаганлар меҳнат стажи бўлмаса ҳам тайёрлов бўлимига қабул қилинадилар.

Юқоридаги имтиёздан олий ўқув юртида ўқиши мумкинлигини тасдиқловчи врач-меҳнат эксперт комиссиясининг хулосаси бўлган ва ўқув машғулотларига қатнаша оладиган 1- ва 2-группа инвалидлари ҳам фойдаланиши мумкин.

Аризалар 25 ноябргача қабул қилинади.

Тингловчилар сафига қабул қилиш 25 ноябрдан 30 ноябргача суҳбат натижаларига қараб белгиланади.

Ўқиш муддати — 8 ой.

Суҳбат техник ва инженер-иқтисодчи ихтисосликларига кирувчилар учун математика ва физика фанидан; кимётехнологияси ва технологик ихтисосликларига эса химия ва математика фанларидан ўтказилади.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқувчи тингловчилар кундузги студентлар учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Тайёрлов бўлимини тугатиб ва битирув имтиҳонларини муваффақиятли топширганлар Тошкент политехника институти кундузги бўлимининг 1 курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Шайхантовур кўчаси, 10-уй. 23-хона ва кундузги факультетларнинг қабул комиссиялари.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

22, 23 НОЯБРЬ КУНЛАРИ СОАТ 19.30 ДА

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ

СССР — ҲИНДИСТОН ФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ

ҲИСОБОТ КОНЦЕРТИ

ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:

М. Турғунбоева номли Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган Давлат «БАҲОР» халқ рақс ансамбли

Бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, СССР давлат мукофотининг лауреати **Равшаной ШАРИПОВА.**

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган давлат «ЯЛЛА» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Фаррух ЗОКИРОВ.**

Навоий номли Ўзбекистон ССР давлат академик катта театрининг БАЛЕТ ГРУППАСИ.

Бош балетмейстер — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Иброҳим ЮСУПОВ.**

Григорий Пушен раҳбарлигидаги замонавий жаз музика ансамбли.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Наталья НУРМУҲАМЕДОВА
Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғуломжон ЕҚУБОВ
Ўзбекистон ССР халқ артисти Дилафруз ЖАББОРОВА

«САМАРҚАНД» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Насиба АБДУЛЛАЕВА

РЕСПУБЛИКА «ҚУҒИРЧОҚ» ТЕАТРИ

Концерт режиссёри — Абдурашид РАҲИМОВ.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан сотилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ ХИМИЯСИ ИНСТИТУТИ қуйидаги лабораториялар бўйича

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудири: шифобахш-техник ўсимликлар (фан кандидати «ботаник» ихтисослиги бўйича);

токсикология бўйича **катта илмий ходим** (фан кандидати, «токсикология-морфолог» ихтисослиги бўйича);

дефолиантлар химияси бўйича **кичик илмий ходимлар** (2 — «органик химия» ихтисослиги бўйича).

КОНКУРС МУДДАТИ — 27 НОЯБРГАЧА.

Адрес: 700170, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 77-уй. Телефон: 62-72-13.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/XI да **Тоҳир ва Зуҳра.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/XI да **Зебунисо.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/XI да **Шайтон муридлари.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/XI да **Драматик антерлар куйлайди.** (19.00).

• Тингланг, томоша қилинг

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Қалбга яқин қўшиқлар. 9.40 — Ҳужжатли фильм. 9.50 Концерт. 10.25 — Нега ва нима учун? 10.55 — Псков тупроғи тароналари. 11.25 — Социализм мамлакатлари. 11.55 — Бутунроссия конкурси лауреати. 12.10 — Ҳайвонот оламида. 13.10 — Дунё воқеалари. 13.30 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 14.00 — Қайта қуриш ва маданият. 15.00—Бугун—Ракета қўшинлари ва артиллерия куни. 15.15 — Халқ қуйлари. 15.25 — Халқаро программа. 16.25 — Кинопанорама. 17.55 — Концерт. 20.30 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — Время. 22.00 — В. Кикабидзе билан учрашув. 23.25 — Янгиликлар. 23.30 — Катталар учун мультфильмлар.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.45 — Хазина кимга керак? 9.10 — Телевизион театр абонементи. 10.30 — Здоровье. 11.20 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 12.05 — Тараққиёт, ахборот, реклама. 12.55 — Умринг боқий бўлсин, Ер! 13.55— Қайта қуриш ва ҳуқуқ. 14.15 — Педагогика ҳамма учун. 14.30 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 15.30 — «Отряд». Бадиий фильм. 17.05 — Ҳужжатли фильм. 18.00 — «Шахсий соқчи». Бадиий фильм. 19.30 — Мультфильм. 19.40 — Ҳужжатли фильмлар кинофестивалининг совриндор фильмлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Байрам оҳанглари. 21.00 — Время. 22.00 — Футбол. «Нефтчи» — «Динамо» (Киев). «Спартак» — «Зенит». 00.55 — Янгиликлар.

19 НОЯБРЬ, ШАНБА

ЎзТВ-I. 9.00 — «Ассалому алайкум». 10.00 — Шанба экрани. 10.25 — Сиҳат-саломатлик. 11.15 — Ташқи бозорга йўл. 11.50 — «Вазиятга қараб иш тут». Бадиий фильм. 13.00 — Комсомол прожектори. 13.15 — «Кумуш тола» ансамблининг концерти. 13.55 — А. Шаломаев. «Аҳмад Дониш». Спектакль. 15.25—Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 17.50—Мультфильм. 18.00—Бугун — Ракета қўшинлари ва артиллерия куни. 18.15 — Тенгдошлар. 19.00 — Ахборот. 19.15 — Ҳиндистон бўйлаб музикали саёҳат. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Тилга эътибор. 21.00 — Время. 22.00 — Музикали учрашувлар. 23.05 — Телефильм.

ЎзТВ-II. Душанба. 18.10 — Концерт. 18.40 — Болалар учун фильм. 19.00 — Новости 19.20 — Мардлик. 20.00 — Ахбор. 20.20— Манзарали телефильм. 20.40 — Илҳом. 21.00 — Время. 22.00 — Толори мусиқи. 22.50 — Жамиятда шахс.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Концерт. 9.30 — Танишинг. янги овозлар. 10.15 — Гулшан. 11.30 — Ёшлик. 12.10 — Строитель Узбекистана. 12.30 — Оммавий қўшиқлар. 12.50 — Шеъриий лаҳзалар. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — Ишончингни оқлайман, Ватан! 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — Қувноқ танаффус. 16.00 — Стратегик мақсадлардаги ракета қўшинлари ҳарбий қисмидан ҳужжатли радиоҳикоя. 17.00 — Иқодкор ёшлар клуби. 18.15 — Фан уфқлари. 18.30 — Тинчлик олам бахти. 19.20 — Ёшлик. 19.50 — Халқаро кундалик. 21.10 — Шанба оқшомида. 22.45 — Танбур навоси. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

«Совет Ўзбекистони» редакцияси коллективи редакция ходими У. Файзиевага отаси, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

Раҳмат ФАЙЗИйнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р. — 11125. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. А. — 268. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12